

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УО'К: 373.3:811.512.133

ЖУМАЕВА МОҲИГУЛ АБДУВОҲИДОВНА

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИ
ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(бошланғич синф мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори,
профессор Б.Р.Адизов

Жиззах – 2022

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА	14
1.1-§ Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишнинг жорий ҳолати таҳлили.....	14
1.2-§ Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишда таянч компетенцияларни шакллантириш асослари.....	32
II БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ	55
2.1-§ Она тили дарслари самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....	55
2.2-§ Она тили дарсларида илғор хорижий технологиялар самарадорликни ошириш воситаси сифатида.....	82
III БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИ	108
3.1-§ Инновацион таълим шароитида она тили таълими жараёнининг самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.....	108
3.2-§ Она тили дарслари самарадорлигини оширишнинг шарт-шароити.....	111
3.3-§ Тажриба-синов натижалари таҳлили	123
ХУЛОСА	132
Фойдаланилган адабиётлар	135
ИЛОВАЛАР	145

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илм-фан, техника, иқтисод соҳалари тараққиётининг жадаллашуви, ахборот тизимининг глобаллашуви, тезкор ахборот олиш, яратиш ва узатиш зарурати боис бугунги кунда инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш ўқувчида таянч компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш тил таълимининг бош устувор вазифасига айланди. Шу нуқтаи назардан она тили таълимида ўқувчиларнинг лингвистик, хусусан, тил ва нутқ бирликлари ҳамда ходисаларини англаш, тушуниш, таҳлил қилиш ва фаолиятда тўғри, мақсадли, аниқ қўллашга доир таянч компетенцияларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дунё тил таълими назариясида она тили таълимининг самарадорлиги ахборотлар билан ишлаш, илм-фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиш, фойдаланиш, миллий ва умуммаданий, имловий, ишоравий, услубий саводхонлик, нутқий фаоллик ва етуклик каби таълимий ҳамда лингвистик компетенциялар негизида уларнинг мажмуи сифатида юзага келиши эътироф этилган. Баҳолаш билан боғлиқ билим, малака ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишни фонетик, лексик, морфологик, синтактик, услубий ва семантик таҳлил асосида шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологияларининг илмий-методик такомилига асос бўлади.

Янгиланаётган Ўзбекистон таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, атрофдаги воқеликка онгли муносабатда бўлиш, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларини, нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, юксак маънавиятли баркамол шахсни камол топтириш соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида бошланғич таълим тизимидан бошлаб илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг миқёсда қўллаш заруратини юзага келтирди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган “мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий

нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ вазифаси шахснинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлашга замин яратади. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш қайд қилинган мазкур фармон бошланғич таълим тизимида ҳам ўқитиш сифатини такомиллаштиришни тақозо этади. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Устоз ва мураббийлар куни” муносабати билан йўллаган байрам табригида: “Бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослашган синфларда ўқитишни давом эттириш тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси навбатдаги ўқув йилидан бошлаб 4-синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиши керак”², дея бошланғич синфларда ўқитишга алоҳида эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан инновацион таълим шароитида она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. –Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжати, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3864/>

“Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот доирасида адабиётлар таҳлили, методика ва педагогика назарияси соҳасида амалга оширилган бизгача бўлган тадқиқотларни ворисийлик принципи асосида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Методик тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш муаммоси анча кенг ўрганилган. Бу изланишларнинг аксариятида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш масалалари таълимда ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини тарбиялаш муаммоси билан алоқадорликда ўрганилган. Бундай тадқиқотлар сирасига И.А.Аллаёров, А.Қ.Ғуломов, Т.С.Красота, Н.А.Лашкарова,

О.Р.Розиқов, Т.И.Шамова, Ш. Юсупова каби қатор тадқиқотчиларнинг ишлари киради.

Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш муаммосига дахлдор тадқиқотлар қуйидагича гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинди. Қатор тадқиқотларда таълимни лойиҳалаштиришнинг психологик муаммолари ёритилган: Н.Ф.Тализина ишларида ўқув жараёнининг турли босқичларида ўқувчилар ўзлаштиришининг психологик муаммолари баён қилинган; А.М.Матюшкин, Я.А.Пономарёв ўқувчиларда ижодкорликни тарбиялашда компьютердан фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилганлар.

Она тили ўқитиш методикасига оид муаммолар Ш.Юсупова ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари ўрганилган бўлса, А.Я.Бобомуродованинг олиб борган изланишларида она тили таълимида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш методикаси ёритилган. Шунингдек, Т.У.Зиядованинг “Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш имкониятлари” номли диссертациясида танланган мавзу назарий ва экспериментал ўрганилган, М.С.Саидов тадқиқотида эса болалар тафаккурига мўлжаллаб тузилган ўқув топшириқларини она тили таълимига татбиқ қилиш йўллари таҳлил қилинган. Д.Н.Юлдашева она тили таълими мақсадини белгилашнинг дидактик асосларини ўрганган.

МДХ олимлари Ф.Я.Байков, Л.А.Венгер ва А.Л.Венгерларнинг тадқиқотларида ҳам болалар ижодкорлиги, интуиция, дискурсив фикрлаш “ҳаракат ва тафаккур” тизимида таҳлил қилинган. Я.А.Пономарев изланишларида таълим шароитида болалар ижодкорлиги комплекс психологик ҳодиса сифатида ажратилган.

Хорижлик олимлардан I. Johnson³ (Сан-Франциско) ижодий таълимни ташкил этиш, А. Bandura, Paulson Stone (Massachusetts, USA) она тилини

³Creative Teaching: Using Creative Teaching Methods in a Student-centered ESL Environment. Ivy Johnson. ivy.m.johnson@gmail.com; Bandura A. (Ed.). Self-efficacy in changing societies.–

ўрганишда ўқитувчи ва ўқувчи муносабати, Hernan Avila (Колумбия) инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганишда синфдан ташқари ишлар, Jocelyn Howard (USA) ўқитувчи фаолиятини лойиҳалашнинг методик имкониятлари, Lars Yacob (Британия) ўқитувчи ва ўқувчи истикболлари, Maria Bajaras (Испания, Erasmus +, Strategic Partnerships for higher education, 2017-2019 Project number: 2017-1-IT02-KA203-036807) таълимда рақамли ижодкорлик, Maria del Mar Camacho Marti (Nyu York) АКТга асосланган шароитда ўқитувчининг фаолиятини лойиҳалаш, Peter Edelenbos, Richard Jonstone (Европа таълим ва маданият комиссияси) бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда тилга ўргатиш, F.Amari ўқитувчилар дастурий воситалардан фойдаланиш, S.Wond ўқитувчилар феъл-атвори ва мулоқотга киришиш даражаси, S.Demetriadis ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Қайд этилган тадқиқотларда она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш, уларнинг таълим жараёнини лойиҳалаштиришга оид кўникмаларини шакллантириш, педагогик тафаккурини ривожлантириш, уларда таълим жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмаларининг айрим

New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California.–Addison-Wesley, 1998; Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. – P.176-188.; A professional development program for the mother tonguebased teacher: addressing teacher knowledge and attitudes about mtbml A Dissertation Presented by Rebecca Paulson Stone https://scholarworks.umass.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1593&context=open_access_dissertations.; Avila, H. A. (2015). Creativity in the English class: Activities to promote EFL learning. *HOW*, 22(2), 91-103. This article is licensed under a Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License. License Deed can be consulted at <http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/>.; Mario Barajas, Frédérique Frossard (University of Barcelona). Docent – digital creativity enhanced in teacher education. Framework of digital creative teaching competences. This project has been funded with support from the European Commission.; Larsen, Lars Jacob Ege, "Teacher and student perspectives on a blended learning intensive English program writing course" (2012). *Graduate Theses and Dissertations*. 12375. <https://lib.dr.iastate.edu/etd/12375>; UNIVERSITAT ROVIRA I VIRGILI THEACHER TRAINING IN ICT-BASED LEARNING SETTINGS. DESIGN AND IMPLEMENTATION OF AN ON-LINE INSTRUCTIONAL MODEL FOR ENGLISH LANGUAGE TEACHERS. DOCTORAL THESIS. Maria del Mar Camacho i Martí. ISBN: 978-84-690-7634 / DL: T.1394-2007; Peter Edelenbos, Richard Johnstone.The main pedagogical principles underlying the teaching of languages to very young learners Languages for the children of Europe. Published Research, Good Practice & Main Principles; Amiri F. IT-literacy for language teachers: should it include computer programming System, Volume 28, Issue 1, 2015, -P. 77-84.; Demetriadis S. "Cultures in negotiation": teachers' acceptance/resistance attitudes considering the infusion of technology into schools, *Computers and Education*, Volume 41, Issue 1, 2013, -P. 19-37.; Wong S.L., Ab Jalil H., Fauzi Mohd Ayub A., Abu Bakar K., Tang S.H. Teaching a discrete information technology course in a constructivist learning environment: is it effective for Malaysian pre-service teachers? *The Internet and Higher Education*, Volume 6, Issue 2, 2003. -P. 193-204.

жиҳатлари очиб берилган. Бироқ “Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштириш” мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1 “Бошланғич таълимда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш” (2017-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш методикасига доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактабларидаги бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишнинг жорий ҳолатини ёритиб бериш;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишга доир билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини очиб бериш;

бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишда фонетик, лексик бирликларни таҳлил қилиш орқали ўқувчилар таянч компетенцияларини ўстириш йўллариини такомиллаштириш;

грамматик бирликлар таҳлили бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш омили эканлигини асослаш;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг 903 нафар ўқувчилари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишнинг методик шартлари, мазмуни, шакл ва методлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш, илмий хулосаларга келишда назарий-мантиқий таҳлил, лексик-семантик таҳлил, услубий таҳлил, таянч таҳлил, структурал таҳлил, математик-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, суҳбат усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишнинг ўзига хос тушуниш билан боғлиқ лисоний, нутқий ва структуравий қийинчиликларни бартараф этишнинг когнитив принциплари она тилини ўзлаштириш психофизиологияси тамойилларига асосланган хусусиятлари фонема ва товушнинг ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик моҳиятини англаш ҳамда нутқий фаолиятда қўллаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда таянч компетенцияни ривожлантиришга доир топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб, ўқитиш воситаси ва методлари белгиланган ва матнни ўқиб тушунишнинг педагогик ўлчовларига умумлаштирилган;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш ўқувчиларда грамматик шакл ва грамматик маъно уйғунлигини англаш, нутқий вазиятларни ҳис қилиш (ижтимоий маркер, социумнинг коммуникатив компетентлиги) каби малакаларни ривожлантириш она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган топшириқларнинг когнитив даражалари аниқлаштирилган;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини ошириш ўқувчиларда тил бирликларини коммуникатив мақсад ва ўқувчилар саводхонлигини ошириш мазмуни, шахсий қадриятли ёндашувни амалга оширишнинг стратегик модели ва ўқувчилар ўқув-билув

фаолиятини такомиллаштириш горизонтал интегратив технологиялардан фойдаланган ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини ошириш ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ҳолати таҳлил қилиниб, таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг дидактик механизми ишлаб чиқилган ва бу борадаги типик хато ҳамда камчиликларнинг олдини олиш бўйича илмий ва методик тавсиялар берилган;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишга мўлжалланган машқлар ишлаб чиқилиб, тилнинг лексик бирликларини контекстуал таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда лингвистик ва нутқий компетентликни ривожлантириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари дастурига кўра бошланғич синфларда ўқитилаётган она тили дарсликларини таянч асосда ўрганишнинг амалий томонлари кўрсатилиб, грамматик бирликлар таҳлили асосида ўқувчиларда нутқий вазиятларни ҳис қилиш лаёқатини ривожлантиришнинг методик асослари белгилаб берилган;

бошланғич синфларда она тили ўқитишга инновацион ёндашув асосида ўқувчилар тил бирликларини коммуникатив мақсадга кўра англаш, қўллаш ва ижодий баҳолашга доир билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини ошириш муаммоси билиш назариясининг диалектик методи, лингвистик ва нутқ ҳодисаларини тизимли ўрганиш педагог ва психолог олимларнинг илмий-назарий ғояларига асосланганлиги, бир-бирини узлуксиз тўлдириб борувчи интерфаол усуллар қўлланилганлиги, тилни тизимли ўрганиш, таянч компетенцияни такомиллаштириш механизми яратилганлиги, тадқиқотда

илгари сурилган илмий ғоянинг тажриба-синовда ижобий натижа берганлиги, олинган натижанинг математик-статистик таҳлил методи асосида умумлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик, синтактик, услубий таҳлили орқали ўқувчиларнинг тил сатҳларига доир таянч компетенцияларини ривожлантириш мазмун-моҳияти очиб берилганлиги, илмий-методик асоси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг тил ва нутқ бирликлари ҳамда ходисаларига доир таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг принцип, шакл ва усулларини такомиллаштиришга оид амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион таълим шароитида она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари фонема ва товушнинг боғлиқлик, алоқадорлик моҳиятини, нутқ товушларига хос модалликни англаш ҳамда нутқий фаолиятда қўллаш, яъни таянч компетенцияларни ривожлантириш тизими такомиллаштириш бўйича олинган натижалардан А1-ХТ-0-92-997 “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3246-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳанинг назарий асосланишига ҳамда илмий материаллар билан таъминланишига эришилган;

она тили таълими самарадорлигини ошириш тилнинг лексик бирликларини контекстуал таҳлил асосида ўқувчиларда таянч компетенцияни шакллантириш ва нутқий компетентликни англаш, ривожлантириш технологиялари “ART” (визуал, кинестик), “Коучинг” (муаммоли вазиятларни ҳал этиш), “Fallstudy”(аниқ вазиятлар таҳлили) методлари асосида такомиллаштирилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган ва ФЗ-2016-09-08165532 “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2020 йил 04 ноябрдаги 182-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг амалий хулосалар билан бойишига хизмат қилган;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш морфологик, синтактик бирликлар таҳлили асосида ўқувчиларда грамматик шакл ва грамматик маъно уйғунлигини англаш нутқий вазиятларни ҳис қилиш (ижтимоий маркер, социумнинг коммуникатив компетентлиги) каби малакаларни ривожлантиришга доир тавсиялардан бошланғич таълимда она тили ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3246-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич таълимда она тили ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган интеграллашган методик таъминот яратилган;

инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш ўқувчиларда медиа-матнлар таҳлили асосида тил бирликларини коммуникатив мақсад ва нутқий вазиятга мутаносиб қўлланишини англаш, тушуниш ва ижодий баҳолашга доир таянч компетенцияни шакллантириш методикаси ҳақидаги хулосалардан ва ФЗ-2016-09-08165532 “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло

қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2020 йил 04 ноябрдаги 182-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг грамматик билимларини баҳолаш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА

1.1.§ Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва ўлчовлари

Ҳар қандай мамлакатнинг ривожини таълим, илм-фан билан бевосита боғлиқлиги асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва, айни пайтда, яна жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказига кўчган ҳақиқат ва ечимини ортга суриб бўлмайдиган ҳаётий эҳтиёждир. Шу боис Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият тараққиётига узвий алоқадор бўлган таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш ҳукуматнинг махсус қарорлари, ўзгарувчан давр талаблари, таълим жараёнига компетенциявий ёндашув, инновацион ғояларнинг сўнгги ютуқлари асосида йўлга қўйилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Юртбошимиз шахсий ташаббуси ва ижодкорлиги натижаси ўлароқ қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси жамиятдаги барча ислохотлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”⁴, деган фикрлари мазкур ишимизнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англатади.

Она тили фанидан давлат таълим стандартлари – ДТСнинг малака талаблари бўйича ўқувчи шахсида шакллантирилажак ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш; камолотга интилиш, мустақил ўқиб ўрганиш; нутқий коммуникатив компетенциясини мунтазам ошириб бориш; ўз билими, хатти-ҳаракатини баҳолаш ва мустақил қарор қабул қилиш компетенциясини эгаллаш, тил имкониятларидан

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 546 б.

фойдаланган ҳолда фикрни тўғри, раво баён эта олиш қобилиятини ривожлантириш каби меъёрларга алоҳида эътибор қаратилган .

Мамлакатимизда таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишдаги ислохотлар бошланғич таълимдан бошлаб ўқувчиларнинг фан асослари бўйича билим ўзлаштиришга эҳтиёжини, асосий миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатини шакллантиришда зарур шарт-шароитларни яратиш, бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик ёндашувларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ўқитиш усуллари такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнида индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш⁵” каби муҳим вазифалар белгиланган. Умумий ўрта таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларда ўқиш, саводхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимининг сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор берилмоқдаки, бу ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилишига сабаб бўлмоқда. Бундай ёндашув она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришни назарда тутлади. Бунга эса она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосланган таълим жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш стратегияларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин.

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўқитувчи фаолияти туфайли таълим жамият томонидан пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида амалга оширадиган жараёнга айланиб, жамият кутган натижаларни беради. Маълумки, таълим инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, билимларни ўзлаштириш натижасида тафаккур ривожланишини тезлаштиради.

Психологик адабиётларда инсоннинг хатти-ҳаракатлари мақсадга йўналган тизим сифатида таҳлил қилинади⁶. Таълимда икки субъект – ўқитиш ва ўқиш фаолиятлари иштирок этганлиги туфайли икки хил мақсад ажратилади: ўқитиш мақсади; ўқиш мақсади. Таълимда икки хил – ўқитиш ва ўқиш мақсадларининг мавжудлигидан турли тўқнашув (конфликт), рақобат (конкуренция), ҳамкорликда ишлаш (кооперация) каби ҳодисалар учраб туради. Фанда жамоа аъзоларидан ҳар бирининг фаолияти бошқаларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаса, рақобат юқори натижаларга олиб келиши, аксинча, агар жамоа аъзоларининг фаолияти бир нуқтадан келиб чиқадиган бўлса, ҳамкорликда ишлаш орқали юқори натижаларга олиб келиши аллақачон исботланган⁷. Ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва ўқиш (ўқувчи фаолияти) ўзаро ҳамкорликда ишлаш мақсадларнинг ўзаро мослигини эмас, аксинча, уларнинг бир-бирига киришувини, ўзаро тўғри келишини тақозо қилади. Анъанавий таълим назарияси ва унга оид педагогик амалиётда ўқитувчи мақсадларидан келиб чиқиб таълимни ташкил этиш таълим субъектлари – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида айрим низо, бир-бирини англамаслик, қаршилик қилиш, ҳамкорликни тан олмаслик каби ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Шунини ҳисобга олиб, таълимни ижодий ташкил этиш муаммосини бутунлай янги тамойил – ўқув-тарбия ишларини болаларнинг мақсадлари атрофида ташкил этиш, таълимнинг бошланғич нуқтаси сифатида ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ажратиш ғоясини асослашга ҳаракат қиламиз. Шундай йўл тутиш, фикримизча, таълим жараёнидаги

⁶ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов.) – Т.: Маънавият, 1998.– 272 б.

⁷ Абдураззоқова Қ. Она тилидан 5-синфларда ўқувчилар фаоллигини ошириш: пед. фанлари номз...дисс. автореф. – Т., 1964. – 25 б.

низоларни бартараф этишга, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро хайрихоҳлиги (бир-бирига самимият)ни кучайтиришга, ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Белгиланган материалларнинг ўқувчи томонидан мақсад жиҳатидан ижодий ўзлаштирилиши келажакка йўналтирилган истиқболли фаолиятдир. Ўз хатти-ҳаракатлари, интилишлари, фаолиятига кўра билимларни эгаллаш болаларда ижодий фаолият тажрибасини ривожлантиради. Мақсад олдиндан англанган, режалаштирилган натижа бўлиб, инсондан онгли фаолиятни талаб этади. Амалга оширилган мақсад натижага, кейингиси – қўлга киритилган натижа янгидан қўйилган мақсадларга эришиш воситасига айланади.

Ижодий ўзлаштириш бола фаолиятида қатор вазифаларни бажаради: ҳаётда, ишлаб чиқаришда пайдо бўлган янги муаммоларни олдиндан пайқай олиш; муаммоларни ҳал қилишнинг янги-янги усуллари тўғрисида ўйлаш, уларни излаб топа билиш, ўрганилган билимларни янги шароитларга кўчира олиш; билим, малака, ижодий фаолият тажрибасидан ижодий фойдаланиш⁸. Бундай шахсий сифатларни эгаллаб олган ўқувчи ижтимоий ҳаётда машаққатлардан чекинмай фаолият юрита олади. Зеро, болаларни ҳаётга тайёрлаш ижодий ўзлаштиришнинг функционал хусусиятидир.

Ижодий ўзлаштириш ўз моҳиятига мос таълим воситаларини ҳам тақозо қиладики, ўқитиш ва ўқишнинг бир-бирига самарали таъсири ўз-ўзидан эмас, балки дидактик воситалар тизими орқали амалга ошади. Бу ҳолатни ҳисобга олмасдан туриб, таълим жараёни ривождаги илгарилаб бориладиган ҳаракатни тушуниш мумкин эмас. Таълим воситалари икки турли бўлади: моддий воситалар, моддийлашган воситалар. Ўқув-тарбия жараёнида моддий ва моддийлашган воситаларни ўқитувчи ўзи билан ўқувчилар ўртасига қўяди. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасига қўйиладиган моддий ва моддийлашган воситалар – ўқитувчи учун восита, болалар учун эса таълим манбаи ҳисобланади. Бола учун воситалар

⁸ Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: пед. фан. докторлик дисс... автореферати. –Т.: 2005.– 44 б.

унинг ўзида. Зеро, муаммони ҳал этиш ва ўқув топшириқларини бажаришда қўлланиладиган меҳнат, ақлий фаолият усуллари, ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимлар, анъаналар ва миллий маданият таркибида тарихан ўрнашиб қолган фаолият усуллари болалар учун восита вазифасини ўтайди.

Таълим шароитида ўқувчи ва ўқув материалининг ўзаро таъсири болалар онгида янги-янги боғланишларнинг шаклланишига олиб келади. Ўқувчи фаолиятининг маҳсули, таълим натижаси таълим жараёнида болалар олдида қўйилган мақсадларга кўра ўлчанади. Эришилган натижа қўйилган мақсадга қанча яқин бўлса, таълим шунча самарадор саналади. Таълимнинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузумга мувофиқ фан, техника, технологиялар, ишлаб чиқариш, маданият, ижтимоий ҳаёт тараққиёти асосида тарихан ўзгариб бориши билан бирга умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишнинг дидактик тавсифини ҳам характерлайди. Таълимнинг мақсади ўқитишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги ва унга мувофиқ келишини ўзида акс эттирган, таълимнинг ижтимоий хусусияти, жамият ҳаётидаги аҳамиятини очиб берадиган, унинг йўналиши, мазмуни, шакл ва усуллари белгилаб берадиган ижтимоий-педагогик ҳодисадир.

Таълим мақсадида «Инсон қандай бўлиши керак?», «Унга (шахсга) қандай ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун таълим бериш керак?» деган талаблар ифодаланган бўлади. Таълим жараёнида унинг мақсадини белгиловчи жамият талаблари тўла ҳолда акс этсагина, ўқувчи шахси ҳар томонлама камол топиши мумкин. Таълим мақсади ўзининг ижтимоий табиатига кўра кўп қиррали бўлиб, у ўқув жараёни амалиётига татбиқ этилгач, яъни кутилган натижага эришилгандан кейин шу асосда янги мақсадлар қўйилади. Улар эса таълимнинг дастлабки мақсадини такомиллаштиришга хизмат қилади. Дастлаб танланган таълим мақсади, уларни амалга ошириш воситасига айланади. Чунки умумий ўрта таълим жараёнининг ўзи таълим мақсадини жамият тараққиёти талаблари асосида узлуксиз мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Таълим мақсади ўқув-билув жараёни, унинг моҳияти, мазмуни, усул ва воситалари, ўқитувчи - ўқувчи муносабатлари, бу тизимнинг самарадорлиги қандай шахс ёки мутахассисни шакллантиришни белгилайди. Таълим мақсадининг ижтимоий буюртма асосида ифодаланиши шахс, давлат, жамият, фан-техника ҳамда ишлаб чиқаришнинг умумий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Демак таълим мақсади жамият эҳтиёжларини ифодалайди ва унинг тараққиётини белгилайди⁹. Бутун таълим жараёни – ўқув материалдан бошлаб, таълим натижасигача таълим мақсадидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Таълим мақсади олдида турган асосий масала бугунги кун ва истикболда жамият равнақи учун қандай шахс, мутахассис тайёрлаш кераклиги билан характерланади. Яъни, таълим жараёнида белгиланган муайян талабларга мос шахс шакллантирилиши лозим.

Айрим дидакт-олимлар И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Н.В.Савин ва бошқалар таълим мақсади икки субъект – таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятини таълим жараёнига киритади, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса С.П.Баранов, В.А.Сластенин, Р.Сафарова, У.Мусаев, О.Р.Розиқов ва бошқалар таълим жараёнини «икки субъект фаолиятининг ўзаро уйғунлашувидан шаклланадиган ҳосила» деб қарайдилар. Назаримизда, таълим мақсадини таълим жараёнига ўргатувчи ва ўрганувчини киритувчи восита сифатида қараш таълим ҳақидаги умумий мантиққа ҳамоҳангдир. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мужассамлашувида таълимнинг мақсади аниқ ва равшан тушунилмаганлиги сезилса, шахсни ривожлантириш имкониятлари чекланади. Таълим жараёнига нотўғри

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. Lex.uz веб сайти; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси». Lex.uz веб сайти; Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги Давлат ўқув дастури ва дарсликлар: Юлдашева Д.Н. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б; Педагогические основы формирования личности учащихся в средней общеобразовательной школе Республики Узбекистан на современном этапе : / коллектив авторов / Под ред. док.пед.наук В.И. Андрияновой. – Т.: Фан, 2005. - 166 с.

ёндашиш натижасида эса ўқув жараёни олдига қўйилган асосий мақсадга эришиб бўлмайди. Таълимнинг аниқ белгилаб берилган мақсади эса ўқув-билув жараёнида жамият талабларини қондира оладиган шахсни «лойиҳалаш» имконини беради. Шундай экан, таълимнинг мақсади аниқ англамаган ёки ҳисобга олинмаган ҳолда ўқув жараёнида кўзда тутилган натижага эришиш мумкин эмас¹⁰.

Мамлакатимизда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш таълим-тарбия жараёнининг пировард мақсади ўлароқ белгилаб олинган. Мазкур мақсад объекти бўлган интеллектуал салоҳиятли шахс учун касбий компетентлик билан бирга умумий компетентликка эга бўлиш ҳам муҳим сифат саналади. Таълим амалиётига компетентлик нуқтаи назаридан ёндашув узок давр таълим-тарбия жараёнида назарий билим беришнинг етакчи мавқеда бўлиб келгани боис амалий кўникмаларнинг шаклланиши билан боғлиқ салбий оқибатларга барҳам беради. “Бунда “анъанавий таълимда устун бўлган “билиш парадигмаси” ўрнига “билимлардан муаммоли вазиятларда ўринли фойдаланиш” парадигмаси устунлик қилмоқда”¹¹. Албатта, бундай ёндашув билиш парадигмасини инкор этмайди, чунки ҳар қандай амалий фаолият ибтидоси билимдир. Фақат бу ёндашув уни муаммоли вазиятларда қўллаш олиш парадигмасига бўйсунадиган орқа пландаги парадигма мақомига туширади. Тасаввур қилайлик, бир одамнинг машинаси бор. Бу одам машинанинг ички ва ташқи тузилиши, қисмлари ва уларнинг вазифаларини, йўл қоидаларини билсаю, лекин унда машинани бошқариш амалиёти бўлмаса, автоулов борлигининг кишига қандай фойдаси бор? Худди шу каби таълим жараёнида ўқувчи фанлардаги қонун, қоида, таърифларни ёдлагани ҳолда уларни қачон, қаерда ва қай тарзда қўллашни билмаса, ҳаётда ўз ўрнида ишлата олмайди ва аста-секин хотирасидан ҳам кўтарилиб кетади.

¹⁰ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

¹¹ Раҳимов С. Педагогические идеи Абу Али Ибн Сины. Автореф. Дисс.на соиск.учен.степени канд.пед.наук. –Т., 1964.-60с.

Ҳар қандай мазмун ва шаклда бўлмасин, таълим-тарбия жараёнида самарали, сифатли натижага эришмоқ учун олдиндан тарбияланувчиларга қандай компетенциялар сингдирилишини ойдинлаштириб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу синфлар кесимида таълимнинг онглилик, узвийлик ва узлуксизлик, оддийдан мураккабга қараб ривожланиб бориш каби тамойилларига асосланган ҳолда белгиланади, амалга оширилади. Бошқа предметлар қатори она тили учун фанга оид *умумий компетенциялар тизимида*, аввало, **таянч компетенция** тилга олинади. Бу компетенция ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулоқот маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутаяди.

“Компетентлик” – туғма қобилият бўлмай, инсон томонидан ижтимоий-коммуникатив тажрибани эгаллаш жараёнида шаклланивчи қобилиятдир. Коммуникатив-ижтимоий тажриба, аввало, муносабатларни ўзгартириш механизмини ўз ичига олиб, нутқни стилистик жиҳатдан турли вариантларда қўллашда намоён бўлади”¹². Инсоннинг нафақат шахс, балки, фаолиятнинг субъекти сифатида тўлақонли шаклланиши учун коммуникациянинг аҳамияти ҳақида, тадқиқотчи Л.П.Гримак шундай ёзади: “инсоннинг инсон эканлигига яна бир сабаби шундаки, у ўзига ўхшаганлар билан фаол мулоқотда бўлган..., туғилишининг илк кунларидан бошлаб инсонлар билан доимий мулоқотда бўлиш...”¹³.

Коммуникация жараёнида таянч лаёқат муҳим саналади, негаки киши ҳаётининг ҳар куни, ҳар соат ва дақиқасида киришиладиган мулоқотнинг муҳити, коммуникати ва мақсадига кўра энг самарали муқобил вариантини топа билиш, тил воситаларидан унумли фойдалана олиш каби талаблар кўндаланг туради. Шу талаблар ижросига кўра натижа, ҳосила олинади. “Сўз

¹² Mengliyev B., Abuzalova M. Hozirgi o`zbek tili (Morfologiya). – Qarshi: Nasaf, 2005. – 184 b.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б. Занков Л.В. Развитие школьников в процессе обучения. – М.: Просвещение, 2007. – 152 с.

шунинг учун ҳам улуғки, – деган эди Л.Н.Толстой, – у одамларни бирлаштиради. Сўз билан меҳр-муҳаббатга сазовор бўлиш мумкин. Сўз билан одамларни ажратиб юбориш ҳам мумкин. У туфайли душманлик ва нафрат орттириб ҳам олади, киши. Одамларни ажратиб юборадиган сўздан зинҳор сақланинг”¹⁴.

Тил дастлабки ўринда, аввало, сўзловчининг шахсий истаги, фойдаси учун хизмат қилади. Тилнинг нутқ ижодкори билан боғлиқ томонларини ўрганиш муҳим. Негаки, “бирор бир тилда сўзлаш оддийгина ушбу тилдаги гапларни тузишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки шу йўсинда маълум турдаги ижтимоий фаолият ижросидир”¹⁵.

Таянч компетенция, аввало, ўқувчилар онгида сўз (тил, мулоқот)нинг ана шундай имконияти, кучи ва оқибати ҳақида тасаввурни шакллантиришдир. Сайлов жараёнларидаги давлат раҳбарлари, депутатларнинг чиқишлари, жанг олдидан саркардаларнинг аскарларига мурожаати пировард натижага қандай таъсири бўлганини ёки ўйламай айтилган гап инсон тақдирида нечоғлик пушаймонликларга сабаб бўлишини кўплаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. В.В.Шаховскийнинг фикрича, турли сўзловчилар қўллайдиган эмотив нутқий тузилмаларнинг мазмун ва ифодаси мулоқотдошларнинг эмоционаллик ифодасига бўлган эҳтиёжи, мақсади билан боғлиқ. Бу эҳтиёж сўзловчининг воқеликка муносабати, уни идрок этиш мақсади билан белгиланади¹⁶.

Тилшунос У.Раҳимов ўз мақоласида коммуникатив мулоқот ва лингвистик компетенция ижтимоий муносабат омили таъсирида ҳам бойиб бориши ва компетентликнинг ривожланиб боришига бир неча омиллар таъсир қилиши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган¹⁷.

¹⁴ Ҳасанов С. Просветительско-педагогические взгляды хорезмских мыслителей (с древнейших времен до начала XX в.): автореф. дисс. на соиск. учен. степени доктора пед. наук. – Т., 2000. – 14 с.

¹⁵ Абдураззоқова Қ. Она тилидан 5-синфларда ўқувчилар фаоллигини ошириш: пед. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 1964. – 25 б.

¹⁶ Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D., Mirzaahmedov A. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Т.: Ma'naviyat, 2005. – 128 б.

¹⁷ Торебек Е.Ж. Педагогические основы подготовки будущих учителей к обучению младших школьников: автореф. дисс. канд. педагог. наук. – Шымкент, 2007. – 23 с.
Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 384 б.

Таянч компетенция, шунингдек, ўқувчиларга мулоқот муҳитини ҳис қилиш, улардаги ўзлари муваққат дохил бўлиб турган бу муҳит талаб қиладиган усулни тўғри танлай билиш малакасидир. Бу малака фақат махсус ташкил қилинган таълим шаклларидагина эмас, айти пайтда кўпроқ спонтан таълим муҳитида шаклланади. Ўқувчилар жамият ҳаётини кузатар эканлар, коммуникатив вазиятларга кўра у ёки бу социумнинг ижтимоий роли ўзгариши билан нутқи ҳам мувофиқ тарзда ўзгачалик касб этишига гувоҳ бўладилар. Масалан, ўз ўқитувчиларининг ҳаётдаги ижтимоий ролига кўра нутқларининг қуйидаги шаклларда бўлишини кўрганлар: 1. Дарсни тушунтириш жараёнида илмий нутқ услубидан фойдаланади. 2. Турли йиғинларда расмий ёки публицистик услубларга мурожаат қилади. 3. Мактабдан, дарсдан ташқари бўладиган коммуникатив вазиятларда кундалик-маиший услубни қўллайди¹⁸. Айти пайтда гувоҳ бўладиларки, муаллимлари ҳар қандай вазиятда ҳам ўз касбига хос бўлган ижтимоий доира чегарасида сўзлайди¹⁹. У кундалик-маиший услубни қўллаганда ҳам ўқитувчи эканлиги билиниб туради. Л.Хьелл ва Д.Зиглер компетентлиликка “психосоциологик сифат бўлиб, куч ва ишончни билдирувчи, ўз ишининг муваффақиятли ва фойдали эканлигидан келиб чиққан туйғу бўлиб, инсонга унинг атрофидагилари билан ҳамкорликда самарали ҳаракат қилиши мумкинлигини англатади”²⁰, дея таъриф берганлар.

Таянч компетенция мулоқот жараёни иштирокчилари бўлмиш коммуникант ва коммуникатнинг миллати, ёши, ижтимоий роли (мавқеи), жинси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда мулоқот маданиятига риоя қилишидир. Масалан, русларда ота-онасига сенсираб мурожаат қилиш одатий ҳол бўлгани ҳолда, ўзбек менталитетига кўра ота-онаси тугул бегона

¹⁸ Теплов Б.М. Способности и одаренность// Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. –М., 1981.; Болтаева Ш.Т. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш.– Самарқанд, 2019. -168 б.

¹⁹ Неъматов Х., Неъматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-таянч таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар. –2003. – № 3-4.

²⁰ Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: Ўзгинкомцентр, 2003. – 103 б.

бўлган ўзидан катта миллатдошларини сенсираш ҳам ўта маданиятсизлик саналади. Аёлларга қилинадиган мурожаат ёки муносабат эр кишига ва аксинча бўлса, нафақат маданиятсизлик, балки ҳақорат сифатида қабул қилинади.

Таянч компетенция социумнинг ўзи учун одатий бўлган муҳитдан бошқа янги муҳитда ҳам у ердаги ижтимоий маркер²¹ ни нозик илғаган ҳолда киришувчанлик, ижтимоий мослашувчанлик қобилиятига эга бўлиши ҳисобланади. Шундай кишилар борки, янги муҳитда “меzbон”лар билан киришиб кетолмай, бегонасираб юради (ўтиради), ўзини ноқулай сезади, топган мавзу, айтган гаплари ҳам қовушмайди, муҳитга сингмайди. Аксинча, социумлар борки, беш-ўн дақиқада муҳитни “ўзиники” қилиб олади, улар янги жамоага келган бўлсалар ҳам, таянч компетенция лаёқати боис самарали фаолият кўрсата биладилар.

В.Н.Комиссаровнинг таъкидлашича, нутқий мулоқотда таянч муносабатларнинг учта тури иштирок этади. Булар, биринчидан, ахборотнинг манбаи (ахборот узатувчи, гапирувчи ёки ёзувчи) орқали ифодаланаётган таянч муносабатлар бўлиб, бундай таянч муносабат ахборот узатувчининг мақсадини, узатилаётган ахборотга шахсий муносабати ва рецепторга нисбатан режалаштирилган таъсирни ўз ичига олади. Таянч муносабатларнинг иккинчи тури лисоний бирлик ифодалаётган таянч маънони қамраб олган матнда (фикр, жумла) ўз ифодасини топади. Учинчи тур таянч муносабат ахборотни қабул қилувчи шахснинг (рецептор, тингловчи, китобхон) матн орқали англаган ахборотга таянч муносабатидир. Унинг бундай муносабати ахборотни идрок қилиш жараёни, бу ахборотга ёки унинг узатувчисига муносабатида ўз аксини топади²².

Тилга оид умумий компетенциялардан асосийси ахборотлар билан ишлаш компетенцияси бўлиб, у медиа манбалардан зарур маълумотларни

²¹ Неъматов Х., Неъматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-таянч таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар. –2003. – № 3-4.

²² Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари. – Пед. фан. номз. диссер.–Т.: 2004.–130 б.

излаб топиш, қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланиш, медиа мулоқот лаёқатини шакллантиришни назарда тутати. Ушбу компетенциянинг таянч тушунчаси медиатаълимни йўлга қўйиш ва медиамаданиятни тарбиялаш орқали шакллантирилади. Бу икки омил шахснинг оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, кино, пресса, интернет матбуоти в.б.) орқали ривожланишини таъминлайди. Мутахассислар бунда қуйидагиларга алоҳида қиймат берадилар: 1. Медиа-матнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва яратиш; 2. Медиа-маҳсулотларнинг манбаларини (сиёсий, иқтисодий, маданий) топиш, хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг асл маъносини ўрганиш; 3. Медиа-маҳсулотни тушуниш; 4. Шахсий медиа-маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва уларга қизиқадиган аудиторияга эга бўлиш; 5. Ўрганиш ҳамда яратилган маҳсулотнинг ҳаёт тарзини аниқлаш.

Прагматингвистиканинг америкалик йирик вакили Х.Грайс қарашига кўра коммуникатив фаолият ўзаро ҳамкорлик (бизнинг мавзуимизга кўра медиаҳамкорлик) асосида ташкил қилинади. Ҳамкорлик ҳосил бўлиши учун ахборот алмашинувида тўртта: *миқдор*, *сифат*, *мавзуга оидлик*, *муомала тарзи* тамойилларига амал қилинади²³. Таянч мақсадга кўра тарбияланувчилар учун *миқдор тамойили* олинаётган ёки узатилаётган маълумот, ахборотнинг миқдорини белгилаш (баъзан чегаралаш)ни билдиради. Бунда коммуникант ва коммуникат учун алмашувдаги ахборот талаб даражасида бўлиши, шунингдек, эҳтиёждан ортиқча маълумотни олиш (бериш)га уринмаслик талаб қилинади. Мулоқотда, хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, меъёрни билмаслик ёки унутиш фикр алмашинув сифатига салбий таъсир кўрсатади. Мавҳумликка сабаб бўладиган қисқалик тушунмовчиликка олиб борса, ахборот узатишда кўп сўзлилиқ фикр тарқоқлигига сабаб бўлади. Ахборотлар билан ишлаш таянч компетенциясида *сифат тамойили* алоҳида ўрин тутадими, бунда ўқувчилар маълумотларнинг ҳаққонийлигига эришиш билан боғлиқ лаёқатга эга бўлишлари диққат марказига қўйилади. Ёлғон

²³ Абдурахмонов Ф. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. – Т.: ТДШИ, 1999. – 89 б.

ахборотларни фарқлай билиш, уларнинг домига тушиб қолмаслик, ҳақиқати, тўғрилиги аниқ бўлмаган ахборотларни узатишдан вақтида воз кеча билиш мазкур тамойил шартлари саналади. Қолаверса, бу шахснинг жамият олдидаги масъулиятини кўрсатувчи мезон ҳамдир. Онгли фуқаро ўзига етган ахборотнинг ҳаққонийлигига масъуллигини ҳис қилади, ёлғон ва гумонли ахборотлар тарқалишининг олдини олади. *Мавзуга оидлик тамойили* коммуникация жараёни иштирокчиларини мавзу объекти доирасидан чиқмасликка даъват этади. Бу тамойилга риоя қилмаслик биринчи ва иккинчи тамойиллардан чекинишга олиб келиши мумкинлиги ҳаётда кўп кузатилади. Телефонда сўзлашиш, интернет орқали ёзишмаларда мазкур тамойилга риоя қилиш коммуникант, аввало, ўзини, қолаверса, суҳбатдошини ҳурмат қилишини намоён этади. Коммуникант ва коммуникат вақтининг кадрланиши юксак маданият белгиси саналади. Албатта, бир-биридан узоқда бўлган оила аъзолари, яқин дўстлар ёки севишганларнинг медиа мулоқотини ҳар доим ҳам миқдор, сифат ва мавзу қолипларига солишни бирдай талаб қилолмаймиз. Фақат бунда у ёки бу томоннинг (ёки иккаласининг ҳам) мулоқот шароити коммуникация шартини белгилаб беради. Суҳбатдошлар қанчалар вақти бемалол бўлмасин, ёлғиз қолиш имкони бўлмаган жамоат жойларида юқоридаги тамойиллар измида бўладилар. Автобусда, метрода, кутиш жойлари ёки шу каби жойларда кишининг ўзини тутиши, медиа воситаларидан бошқаларга малол келмайдиган ҳолда фойдаланиши унинг маънавий қиёфасини кўрсатади. Уларга риоя қилмаган ҳолларида социум сифатида киши мулоқотнинг ахлоқий таянч тушунчасини ўзлаштирмаган ҳисобланади. Ахборотлар, медиа воситалар билан ишлаш асосида *мулоқот тарзи (услуги) тамойили* ҳам унинг релевантлик (ўринли, жўяли бўлиш) характер касб этишида муҳим ўрни бор. Коммуникация жараёнининг иштирокчилари сўзлашув ёки ёзишмаларида фикр ифодалашда аниқликка ва коммуникатни ҳисобга олган ҳолда тушунарли услубга интилишлари бу тамойилнинг асосини ташкил қилади. Ваҳоланки, бунда коммуникант коммуникат учун нотаниш,

тушуниши мушкул сўз ва ибораларни иложи борича ишлатмаслиги, ишлатган тақдирда ўз ўрнида уни изоҳлаб кетиши; фикр ифодасида мавҳумлик, чучмалликка йўл қўймаслиги; баённинг лўнда ва қисқа бўлиши; нутқ қурилишида фикр изчиллиги, мантиқий алоқадорлик ва кетма-кетлик релевантликни таъминлайди²⁴. О.С.Иссерснинг таъкидлашича, мулоқот жараёнида адресат нутқи қўйидаги параметрларда ўз аксини топади:

у ўз нутқида ўз “мен”ини, шахсий хусусиятларини (бевосита ёки билвосита, ўз мавқеини кўтариш ёки пасайтириш даражасида) намоён қилади;

сўзларни қўллашда одоблилигини (хушмуомалалик борасида суҳбатдошини ўзига жалб қилишга қизиқиш ёки қизиқмаслигини) намоён қилади;

фикр алмашинув жараёнида суҳбатдошлар ўз нутқларининг коммуникатив таянч таъсирнинг самарадорлигини назорат қиладилар (оҳангни онгли тарзда танлайди, вазият ва ҳолатни бошқаради)²⁵.

Умумий компетенциялар доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўқиб-ўрганиш компетенциясини эгаллашни назарда тутади. Она тили таълимида эса буни ўқувчиларнинг спонтан ҳамда махсус ташкил этилган таълим орқали олинган билим, эгалланган кўникма ва малакаларни ўзларида шаклланган ҳаётий тажрибалар асосида ўз-ўзларини ривожлантиришлари тарзида ифодалаш мумкин. Она тили ўқув предметида ўзини жисмоний ривожлантириш вазифаси мантиқан узокдай туюлади. Чунки бу мақсад жисмоний тарбия, меҳнат дарслари каби жисмоний ҳаракатларга асосланган ўқув предметлари компетенция доирасига киради, деган қараш ҳаммага сингган. Аслида, мактаб таълимидаги фан, предметлар бу умумий таянч компетенцияларга ўз мазмун-моҳияти, мақсади, фан спецификацияси, маълум даражада имкониятидан

²⁴ Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим сифати мониторингини олиб боришни моделлаштириш: пед. фан. док. дисс. - Т.: 2016. - 266 б.

²⁵ Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). -Т.: Ўзбекистон, 2005.- 384 б.

келиб чиқиб ёндашиши керак. Масалан, она тили фанида ўқувчиларнинг овоз тембри, акустика, сўзлаш интонацияси каби ўзининг физиологик имкониятлар устида ишлашлари, уларни такомиллаштиришлари ҳамда вақти келганда, улардан унумли ва ўринли фойдаланишлари тарзида тушуниш ва тушунтириш мумкин. Она тилига оид қўшимча маълумотлар, ўз тилининг имкониятлари ҳақида кенгроқ тушунча берувчи китобларни мустақил ўқиб, ўрганиш орқали маънавий, руҳий юксалиш кузатилади. Ўқувчи кўз ўнгида тилга тааллуқли ўзининг жисмоний (физиологик) имкониятларининг кашф этилиши, маънавий-руҳий такомилга йўналтирган қўшимча билим, маълумотлар унинг интеллектуал ва креатив камолотига ҳам туртки беради. Натижада, эркин фикрловчи, ҳаётий вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила оладиган (яъни таянч қобилиятга эга) шахс тарбиясига йўл очади.

Умумий таянч компетенциялар сирасидаги ижтимоий фаоллик компетенцияси ўзи яшаётган жамият муаммоларига дахлдорлик, фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини билиш, уларга риоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларининг шакллантирилишини назарда тутади. Она тили ўқув предмети нуқтаи назаридан жамият муаммоларига дахлдорлик она тилининг ижтимоий нуфузи муаммоларига эътиборли бўлиш, унинг жамиятда ўзига мос юқори мавқеда ўрин тутишига жонкуярлик туйғуси билан яшашдирки, бу бизнинг Ўзбекистон шароитида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил бўлишига қарамай, ҳамон она тилимизнинг мавқеи ҳимоя остида бўлишдек ночор аҳволда. Ўзбекистон халқи ўзбек тилини эъзозлашни ўз фуқаролик бурчлари деб билишлари, бу тилнинг мамлакатдаги юридик ва маънавий ҳуқуқларини адо этишлари шарт. Ўқувчиларда шакллантирилиши керак бўлган ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси шундагина таянч аспектда амалга ошади. Айни пайтда бу компетенция таркибида ижтимоий мулоқот маданияти тушунчаси ҳам борки, таянч аспектда алоҳида ўрин тутади. Мулоқот маданиятининг шахс фаолияти (у хоҳ коммуникант, хоҳ коммуникат бўлсин) ҳамда жамиятдаги фаоллигига бевосита таъсири бор.

Шу боис барча халқларда муомала маданиятига қадимдан катта эътибор қаратилган. Шарқ донишманди Кайковусда шундай ҳикмат учрайди: “Совук сўз бир тухумдир, ундан душманлик ҳосил бўлур”. Мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар

мисраларини битган.

Прагмалингвист Ж.Лич бу борада ҳурмат тамойили тушунчасини таклиф этади ва унинг воқеланиши тамойилнинг қуйидаги олтита қоидаси фаоллашувидан иборат эканлигини таъкидлайди:

1. Хушмуомалалилик, назокат, одоб қоидаси (сухбатдош уринишларини сарфини камайтир, унинг фойдасини кўпайтиришга ҳаракат қил);
2. Ҳиммат, олийжаноблик қоидаси (ўз фойдангни камроқ кўзла, барча сарфни ўз зиммангга ол);
3. Маъқуллаш, таҳсин қоидаси (ўзгаларни ёмонлама, ғийбат қилма, койима);
4. Камтарлик, камсуқумлик, оддийлик қоидаси (ўз-ўзингни мақташни кескин камайтир);
5. Ризолик, муросасозлик қоидаси (тортишувлардан қоч, муросага урин);
6. Хуш кўриш, майл, ёқтириш қоидаси (хайрихоҳ, оқкўнгилли бўл)²⁶.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика муаммолари билан жиддий шуғулланган Ш.Сафаров таъкидлашича: “Дастлабки икки қоидани таърифлашда муаллиф қўллаган савдо соҳасига оид “сарф”, “харажат” атамалари тахминан “қулайлик” ва “ноқулайлик” тушунчаларига тўғри

²⁶ Абулғозий Б. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1995. – 192 б.

келади. Сўзловчи олижаноблик тамойилига амал қилаётиб, тингловчи учун қулайлик яратишга ва иложи борича ноқулайлик ҳолатига йўл қўймасликка ҳаракат қилади»²⁷.

Мавзуимизга алоқадор хулоса шуки, киши ҳатто мулоқот жараёнида бошқаларга ноқулайлик туғдиришдан қочар экан, унда жамият аъзоларининг барча ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни ўз масъулияти, бурчи деб биладиган маънавий таянч компетенция шаклланиб, ривожланиб боради.

Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш тўғрисида фикр юритилганда, унинг икки хил маъносини фарқлаш керак:

1. Она тили таълими мазмуни ва билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизими. Бунда она тили таълимини лойиҳалаштириш, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўқув топшириқлари мақсадини ажрата олишлари, ўқув топшириқлари таълим жараёнининг дидактик мақсадларига мослиги, ўқув топшириқлари билан ўқув материални ўқитиш мақсади ўртасидаги мувофиқлик, ўқув топшириқларида таълимнинг тараққий эттирувчанлик ва тарбиявий мақсадларини қамраб олиши каби элементлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва воситаларга эга.

2. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини ошириш жараёни. Инновацион таълим шароитида она тили таълимини ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир.

Ҳар бир ўқув предметининг мазмуни шу мақсаднинг у ёки бу қиррасини ифодалаши, ўқув фанининг хусусий мақсади таълимнинг умумий мақсадига уйғун тарзда ифодаланиши, шунингдек, муайян ўқув фани бўйича белгилаб бериладиган таълим мазмуни, ўқув материаллари, ўқитиш методлари, ўқитиш воситалари шу мақсадга мувофиқ келиши зарур.

²⁷ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент. 2008 йил, Б.144.

Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини ошириш қуйидагиларга имкон беради:

- ўқувчиларда билиш эҳтиёжини шакллантиради;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- ўқувчиларда фанни ўрганишга қизиқишни оширади;
- ахборот билан ишлашни ўрганишга бўлган иштиёкни оширади;
- дунёни илмий билишнинг ҳозирги замон методлари билан таништиради;
- таълимда ўқувчининг индивидуаллик даражасини оширади;
- ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради;
- материаллар мазмунининг хилма-хиллигини таъминлайди;
- она тили таълимида фойдаланиладиган ўқув материаллари доирасини кенгайтиради;
- ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиши, яъни баҳолаш жараёнининг имкониятларини кенгайтиради ва ҳ.к.

Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарсларининг самарадорлигини оширишда ўқувчи бажариши мумкин бўлган барча ишлар инобатга олинishi шарт. Ҳар қандай дарс маълум таълим моделига асосан ташкил этилади. Таълим моделларини лойиҳалаштириш имкониятларини ўрганиш ва улардан мақсадга мувофиқларини танлаш таълим самарадорлигини оширади.

Ижодий таълимда мукамал тузилган лойиҳалар асосий роль ўйнайди. Таълимнинг изоҳли-кўргазмали, муаммоли, топшириқли, дифференциал, дастурлаштирилган, алгоритмлаштирилган каби турлари мавжуд бўлиб, уларни лойиҳалаштириш хусусиятлари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида баён қилинган концепцияга мувофиқ она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилишда уч асосий йўналишни ажратамиз: биринчи йўналиш – таълим субъектлари – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг “лойиҳавий таълим”ни амалга

оширишга оид ишларни қамраб олади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг лойиҳавий таълим ҳақидаги тасаввурларини шакллантирмасдан туриб, таълим самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иккинчи йўналиш таълим мазмунига, айти ҳолатда она тили ўқув предмети мазмунига педагогик ишлов бериш ва лойиҳалаш жараёни билан дахлдор. Бу йўналишга кўра лойиҳалаш воситасида таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш принцип, восита ва методларини ўрганишни тақозо этади. Учинчи йўналиш “она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш таълимнинг энг самарали воситаси” деб қараш билан боғлиқ тасаввурлар ҳисобланади. Шу тасаввур бўйича ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш ўқув ишларининг сифатини яхшилаб, самарадорлигини ошириш шарт-шароитларини ўрганишни тушунамиз. Қайд қилинган йўналишлар бўйича тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказиш, шубҳасиз, она тили таълимини лойиҳалаштиришнинг назарий асосларини баён қилишга олиб келади.

Зеро, бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси таркибан таълим мазмунини ижодий ўрганишни ташкил қилиш, ижодий ўзлаштириш, ижодий қобилиятларни тарбиялаш масалаларини қамраб олади.

1.2.§ Инновацион таълим шароитида бошланғич синф она тили дарслари самарадорлигини оширишда таянч компетенцияларни шакллантириш асослари

Жамият ҳаёти ҳамиша тараққий этиб, ривожланиб боради. Унинг хилма-хил ривожланиш имкониятлари таълим жараёни олдида турли даврларда турлича мақсадлар қўяди. Бу мақсадлар ифодаланиши ва амалга ошиши ўқитишнинг турли усул ҳамда воситалари қўлланилишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам таълимнинг жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги мақсадини тўла амалга ошириш, бунинг учун зарур бўладиган усул ва воситаларни белгилаб бериш дидактиканинг долзарб масалаларидан

хисобланадики, бугунги кунда таълимга компетенциявий ёндашув талаби ўқувчиларда илмга чанқоқлик, изланувчанлик, янгилик яратишга интилиш хислатларини тарбиялайди.

Компетенция тушунчаси лотинча “*competentia*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, изоҳли луғатда “қонунан эга”, “ҳақдор” деган маънони англатади, умумистеъмолда кенг ишлатиладиган “қобилият”, “кўникма,” “иқтидор” тушунчаларига яқин туради²⁸. О.И.Окуловский компетенциялар ва компетенцияли таълим хусусида фикр юритиб, “Компетенция – билим, малака ва шахсий фазилатларга асосланган ҳолда муайян йўналишда муваффақиятли фаолият олиб бориш кўникмаси”²⁹ эканлигини таъкидлайди.

А.В.Хуторскийнинг компетенция ҳақидаги фикри диққатга сазовор. “*Компетенция*” – предмет ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан шаклланувчи шахснинг ўзаро боғлиқ бўлган сифатлари (билимлар, қобилиятлар, малака ва кўникмалар, фаолият усуллари) мажмуаси бўлиб, уларга нисбатан сифатли ва самарали таъсир кўрсатиш демакдир³⁰. “Рус тилининг изоҳли луғати”да С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовалар қуйидагича таъриф келтирадилар: “компетенция – бу маълум шахснинг етарли даражада хабардор бўлган саволлари доираси”³¹. И.А. Зимняя компетентлиликни “инсоннинг ижтимоий-касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган билимлар ҳамда инсоннинг ақлий ва шахс хусусиятларига асосланган тажриба” деб белгилайди, “компетенция” тушунчасига эса “қўлланилмаган”, “яширин”, “потенциал” захира деб қарайди³². *Коммуникатив компетенция* – шахс томонидан тил ва нутқ маданиятини билиш асосида шакллантирилган турли коммуникатив ҳодиса ва вазиятлардаги нутқий ахлоқ тизимидир. “Бу тизим таркибига коммуникатив ролларни (сўзловчи ва тингловчи), шунингдек, ижтимоий ролларни, нутқ стратегия ва тактикаларини, этика ва одоб-ахлоқ

²⁸ Умарова М., Ҳақимова Ш. Ўқиш китоби 3- синф. –Т: Ижод дунёси, 2004.– 48-49 б.; Хайруллаев М. Абу Али ибн Сино. /Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Кодирий, 2001. – 96 б.

²⁹ Рубинштейн С.Л. Психология личности.–М.: Просвещение,1991.–237 с.

³⁰ Якиманская И.С. Развивающее обучение. –М.: Педагогика, 1999.– 57-59 с.

³¹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.– М., 1998.–С 3-10.

³² Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. –Т.:2008. –161 б.

қоидаларини эгаллаш киради, уларда ушбу маданиятни қабул қилган шахснинг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан ҳар хил сабаб ва вазиятларда алоқада бўлиш усуллари орқали ифодаланади”.³³ **Компетентлик** атамаси эса муайян турдаги компетенцияга эга, изланишга лаёқатли, ўз соҳасини биладиган, уни бошқаларга тақдим этишни ўринлатадиган “маҳорат соҳиби” маъноларини беради ³⁴. Тилимиздаги “эп” (эплилик), “уддабуронлик” каби тушунчаларни бу сўзга маънодош сифатида қўлланишини қайд этмоқ даркор. Муайян ҳунар, билим ва кўникмаларга эга бўлиб, уларни ҳаётнинг турли вазиятларида қўллай олган кишиларга нисбатан “эпли” сифати (эътирофи) қўлланилади. Халқимиз орасида алқов билан айтиладиган “Эпли келин – сепли келин” мақоли ҳам нотаниш муҳит ва шароитда билганларига таяниб, ҳар ишни ҳаммага манзур тарзда ўринлатадиган, вазият тақозо қилганда ижодий ёндашиб яратувчанлик салоҳиятини кўрсата олган, яъни ҳаётий компетенцияга эга келинларга нисбатан қўлланилади. Европа илм-фанида, хусусан, рус педагогикасида компетенция ва компетентлик муаммоси бизга нисбатан анча кенг ўрганилганлиги кузатилади³⁵. Мазкур муаммо юртимизда, асосан, чет тилларни ўқитиш билан боғлиқ у қадар кўп бўлмаган тадқиқотларда ёки умумметодик ва ўқитиш технологиялари билан боғлиқ изланишларда ишланганлигига гувоҳ бўламиз³⁶. Она тилини ўқитишда компетенциявий ёндашув муаммосига бағишланган ишлар жуда оз, ҳатто мақолалар ҳам кўп эмас. Бу борада атоқли тилшунос олим А.Нурмонов ва Г.Зиёдуллаеваларнинг мақоласи алоҳида диққатга сазовор³⁷. Дунё мамлакатларида умумтаълим мактаб ўқитувчилари учун белгиланган компетенцияларда умумийлик, ўхшашлик кузатилса-да, айнан бир хил эмас. “Баъзи олимлар уч босқичли

³³ Қосимова К. ва б. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 2009. –215 б.

³⁴ Умарова М., Ҳақимова Ш Ўқиш китоби 3- синф. –Т: Ижод дунёси, 2004.– Б. 48-49.; Хайруллаев М. Абу Али ибн Сино. /Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Кодирӣ, 2001. – 96 б.

³⁵ Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994. –292 б.

³⁶ Холматова З.А. Бошланғич синф ўқувчиларида диалогга асосланган муносабатлар маданиятини шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. автореф. – Наманган, 2019. – 49 б.

³⁷ Нурмонов А., Зиёдуллаева Г. Ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари// Маърифат, 2014, 18 июль. – Б.9.

компетенцияни эътироф этадилар: 1) умумий (таянч) компетенция; 2) умумий предметли компетенция; 3) предметли компетенция. Охирги компетенция олдинги икки компетенцияга нисбатан хусусий саналади”³⁸. Британия мактабларида олти таянч компетенциялар асос сифатида олинган. Уларни шартли равишда бир нечта гуруҳларга бирлаштириш мумкин. “Асосий компетенциялар: мулоқотга киришиш; ҳисоб-китоблар юритиш; ахборот саводхонлиги. Кенг кўламли таянч компетенциялар: бошқалар билан ишлай олиш; билим олиш ва такомиллашиш малакаси; турли масала ва муаммоларни ечиш кўникмаси”³⁹. Ўзбекистонда бошқа фанларда бўлгани каби она тили учун таянч ва фанга оид умумий компетенциялар тизимида коммуникатив компетенция, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, миллий ва умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда улардан фойдалана олиш компетенцияси кабилар белгиланган. Мазкур компетенциялар ўқувчиларга она тили ўқув предмети орқали сингдирилади.

Зикр қилинган А.Нурмонов⁴⁰ ва Г.Зиёдуллаеваларнинг мақоласида компетенциявий таълим концепцияси тил таълими олдида ўқувчиларда нутқий, лингвистик, креатив ва прагмалингвистик сингари компетенцияларни шакллантиришни кўзлаши қайд этилган. Булар хусусий характердаги предметли компетенциялар сирасига киради. Яъни ҳар бир дарсда мавзунинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчи тарбияланувчиларда шакллантиришни режалаштирадиган компетенцияларни лаёқат шакллари дейиш мумкин. Ана шу компетенцияларни шакллантирган ва талаб даражасида ривожлантирган тил таълими ўзига билдирилган ишончни оқлаган, юклатилган вазифани уддалаган бўлади. Шу боис ушбу

³⁸ Уман А. И. Учебные задания и процесс обучения. –М.: Педагогика, 2003.– 5-6 с.

³⁹ Холиқов Э., Худойқулов Х. Ж. ва бошқ. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ўқув–усулий қўлланма.– Т.: ТДАИ, 1999.–98 б.

⁴⁰ Нурмонов А., Зиёдуллаева Г. Ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари // Маърифат, 2014, 18 июль. – Б.9.

бўлимда биз ҳозирги таълим жараёнида ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлилига тўхталамиз.

Нутқий компетенция

Бу компетенцияни ўқувчи ҳали таълим муассасаларига келмасдан – гўдаклик чоғидаёқ эгаллашни бошлайди. Бола тил имкониятларидан ҳали мактабга келмай туриб ҳам амалда муайян даражада фойдаланиш малакасига эга бўлади. Ўзига берилган сўроқларга жавоб беради, ўз эҳтиёжларини билдиради, атрофидаги воқеликларга муносабатини ифода эта олади. Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим босқичларида ушбу бошланғич компетенция мукаммаллаштирилиши ва ривож топтирилиши лозим. “Тил компетенциясига психологик нуқтаи назардан икки асосий таркибий қисмдан ташкил топган система сифатида қаралади. Улардан биринчиси шахснинг алоқа-аралашув ва фаолият жараёнида тўплаган нутқий тажриба маълумотлари; иккинчиси таълим муассасаларида махсус ўқитиш жараёнида олган тил ҳақидаги билимлари”⁴¹. Биринчиси инсон болалигидан улғайгунга қадар оилада, оиладан ташқари табиий-ижтимоий муҳитда (кўча-кўйда, бошқа турли жамоат жойларида) шаклланади ва ривожланади. Тил ҳақидаги билимлар таълим муассасаларида давлат томонидан қабул қилинган дастурлар асосида шакллантирилади. Дунё миқёсида алоҳида эътироф топган рус психологи Л.С Выготский буни: 1) спонтан ва 2) махсус ташкил қилинган шакллар сифатида номлаган. Унинг фикрича, спонтан таълимда бола “ўз дастури бўйича” ҳаракатланади, атроф-муҳит унга устоз вазифасини ўтайди. Махсус ташкил қилинган таълим бизнинг шароитда мактаб (лицей, коллеж)ларда амалга оширилади⁴². Спонтан таълимда паралингвистик воситалар (имо-ишора, юз, қўл, кўз, лаб ҳаракати) ҳамда акустика (овознинг паст-баландлиги), оҳанг товланиши, синтагма кабилар шаклланаётган шахсга унинг ҳаётий кузатишлари асосида стихияли тарзда сингади, унда табиий равишда шаклланади ва ривожланади. Айни пайтда улар таълим

⁴¹ Раҳимов С. Педагогические идеи Абу Али Ибн Сины. Автореф. Дисс.на соиск.учен.степени канд.пед.наук. –Т., 1964.-60 с.

⁴² Жумабоев М. Ўқувчилар адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 264 б.

муассасаларидаги дастурий тарзда бериладиган тил ҳақидаги билимлар учун “хамиртуруш” вазифасини ўтайди. Компетенциянинг бу икки томони узвий боғлиқликдаги бир бутунликни ҳосил қилса, талаб даражасидаги нутқ лаёқати юзага келади. Ўқувчининг нутқ компетенцияси нотаниш матннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ифодали ўқий олиш, бошқалар фикрини ва танишган матн мазмунини тушуниш ва қайта оғзаки баён қила олиш, фикрини ёзма равишда изчил ифодалашда намоён бўлади. Бунинг учун ўқувчи тилнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳларига ҳос бирликлар ҳақидаги назарий билимларнинг ўзлаштириши, улардан нутқий вазиятларга мувофиқ ўринли фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши керак. Тил таълимининг амалиёти, жараёни ва натижасига назар солсак, ўқувчилар нутқий компетенцияси етарли даражада шакллантирилмаётганига гувоҳ бўламиз. Тилшунос Д. Набиева ўз мақоласида шу кунгача таълим тизимида, хусусан, она тили таълимида асосий эътибор академик руҳдаги грамматика ўқитишга қаратилганлигини қуйидагича таъкидлайди: “Яъни ўқувчиларга ўзбек тилининг қуруқ грамматик қоидалари сингдирилди. Аммо самарали мулоқотни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар – ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма, оммавий нутқ ҳосил қилиш имкониятлари, мулоқот (сўзлаш ва тинглаш) одоби, нутқ меъёрлари ва услублари кабилар назардан четда қолди”⁴³.

Маълумки, нутқ компетентлиги оғзаки ва ёзма шаклда воқе бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларидаги кузатишларимиз ўқувчиларда бу икки шакл компетенцияси ДТМ талабларидан анча пастлигини кўрсатмоқда. Оғзаки нутқ компетенция ўқувчиларда ўртача 50-60 фоиз бўлса, ёзма нутқ компетенцияси ундан-да паст – 30-40 фоиз кўрсаткичга эга эканлигини далиллайди. Натижалар Андижон вилояти Андижон тумани халқ таълимига қарашли 6-мактабнинг 5-9-синфларида, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги

⁴³ Подласый И. П. Педагогика новый курс. Учебник для студ пед. вузов: В 2 кн. – М: Владос Кн 2 Процесс воспитания.2003. – 256с.; Умарова М., Ҳақимова Ш. Ўқиш китоби 3- синф. –Т: Ижод дунёси, 2004.– Б.48-49.

12-умумтаълим мактабининг 7-8-синфларида, Наманган вилояти Учқўрғон тумани халқ таълимига қарашли 1-умумтаълим мактабининг 7-9-синфларида олиб борилган кузатишлар, дарслар таҳлили, ўқувчилар билан она тили ва адабиёт фанидан ўрганилган мавзулар бўйича ўтказилган суҳбатлар, олинган ёзма ишлардан келиб чиққан ҳолда умумлаштирилди. Шунингдек, Андижон вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий институти она тили ва адабиёт ўқитувчилари ўртасида ўтказилган сўров ва олинган анкеталарга таянилди. Айтиш керакки, ўқувчилардаги қуйида таҳлил қилинажак бошқа тил компетенциялар ҳолати ҳам мазкур респондентлар билан ишлашдаги натижалардан келиб чиққан ҳолда берилди.

Биз тажриба-синов ишларини олиб бориш давомида мақсадимиздан келиб чиқиб ҳамда қулайлаштиришни кўзлаб ўқувчиларнинг нутқий компетенциясини баҳолашда уларнинг нутқини қуйидаги турларга ажратиш асосида ёндашувни тавсия қилдик:

1.1.1-жадвал

№	Баҳолаш даражалари	Баҳолаш даражаларини белгиловчи мезонлар	Баҳо
1	Саёз нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан етарли сўз захирасига эга бўлмайди. Фикрини баён этишда қийналади, сатҳлар бўйича тил қоидаларига риоя қилишда ва мувофиқ услуб танлашда хатоларга йўл қўяди. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини ўринли қўллай олмайди, кўп ҳолларда уларнинг мувофиқ муқобилини танлашда янглишади.	“қониқарсиз”
2	Ўртача нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан сўз захирасида етишмовчилик сезилади. Мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, фикрини баён этади, бироқ сўзлаш давомида зўриқади, кичик нутқий тўхталишлар кузатилади. Тил қоидаларига риоя қилишда янглишади, услуб танлашда иккиланади. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини танласа-да, изчил қўллай олмайди.	“қониқарли”
3	Яхши нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан етарли сўз захирасига эга бўлиб, мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, ўз фикрини баён этишга ҳаракат қилади. Тил қоидаларига риоя қилади, услубни тўғри танлай билади, лекин жузбий камчиликларга йўл қўяди. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини қўллай олади, айрим ҳолларда уларнинг мувофиқ муқобилини танлашда иккиланади ёки янглишади.	“яхши”
		Ўқувчи ёшига мувофиқ тарзда бой сўз захирасига эга	

4	Равон нутқ	бўлади. Мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, ўз фикрини равон, изчил баён эта олади ва тил қоидаларига риоя қилган ҳолда, мувофиқ услубни тўғри танлай билади. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини тўғри қўллайди.	“аъло”
---	------------	--	--------

Равон ва яхши нутққа эга ўқувчиларда нутқ билан паралингвистик воситалар параллел уйғун, яъни тана аъзолари (масалан, қўл, бош) мазмун ва оҳангга мос ҳаракатланаётгани кўринади. Ўртача нутққа эга ўқувчиларда эса бу мувофиқлик бузилишини кўриш мумкин: паралингвистик воситалар нутқдан илгарилаб кетади: сўз топишга қийналар экан, қўл, гавда ва юз ҳаракатлар нутқдан олдин ҳаракатланади, гўё улар воситасида сўз ахтараётгандай таассурот қолдиради. Саёз нутқда ўқувчиларнинг паралингвистик воситалари ҳам нофаол бўлади: қўл, юз аъзолари деярли ҳаракатсиз бўлади, керакли сўз ахтарар экан, ўқувчининг кўпинча гавда қисми олдинга кетади ёки боши бир оз эгилади. Қолаверса, у ёки бу тана аъзосининг фаоллиги ўқувчи темпераментига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг нутқий компетенциялари пастлиги бир неча ўзаро узвий алоқадор омилларга боғлиқлиги ўрганишларимиз давомида аниқланди. Бу омиллар ҳам спонтан, ҳам махсус ташкил қилинган таълим шаклларида намоён бўлади.

Кундалик маиший ҳаёт билан боғлиқ спонтан таълимга мансуб омиллар қуйидагилар: 1) ўқувчилар китобхонлик даражаларининг пастлиги. Тажриба-синов ишларимизнинг дастлабки йиллари (2014-2016 йй) сўровнома асосида ўрганганимизда ҳам тажриба, ҳам назорат синфларида ўқувчилар орасида китобхонлик жуда паст – ўн фоиз атрофида эди. Бу ҳолат ўқувчиларнинг нутқий компетенцияси, рухий-маънавий оламига, ақлий-интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир кўрсатишига олиб келадиган табиий бир воқелик эканлиги ҳаммага маълум ҳақиқатдир. Президентимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган қароридан сўнг бир ярим йил ичида бу кўрсаткич ўртача икки бараварга ошганлиги кузатилади, лекин бу барибир қониқарли эмас. Қолаверса,

олдинги йилларнинг асорати бу кўрсаткичлар билангина бартараф бўлмайди; 2) расмий вақтли матбуотдан (газета ва журналлардан) ўқувчиларнинг узоқлиги, яъни уларни кам ўқишлари ёки умуман ўқимасликлари. Синф раҳбарлари ўқувчиларининг ёшидан келиб чиқиб, мос келадиган матбуот нашрига (“Тонг юлдузи”, “Гунча”, “Гулхан”, “Синфдош”, “Ёшлик”) обуна бўладилар (бутун синфга икки-уч дона), лекин уларни мутолаа қилиш ғоят суст; 3) оила, қариндошлар ва дўстлар даврасидаги мулоқотларда лексик камровнинг чекланганлиги. Бу ёппасига ҳамма оилаларга, давраларга хос бўлмаса-да, аксариятида кузатилади ва болаларнинг нутқий компетенциясида акс этади; 4) ёшлар берилиб кўрадиган фильмлар, бошини кўтармай ичига сингиб кетган интернет тизимидаги мулоқотнинг лексик кўлами торлиги, камбағаллиги, ифодавий ранг-барангликнинг чекланганлиги. Бундай фильмларда мулоқот ифодасининг ночорлиги (қашшоқлиги) ёки сунъийлиги кузатилади, интернет мулоқоти эса ҳар қандай назорат, қолип, талаб ва меъёрлардан четдалиги туфайли бу борада у фойдаланувчи тафаккури учун фақат зарарли омил бўлиб қолмоқда.

Махсус ташкил қилинган таълим шакллари алоқадор омиллар:

1) таълимда тест синови етакчи мавқе тутиб бораётгани боис ўқитувчида ҳам, ўқувчиларда ҳам нутқий компетенцияни ривожлантириш эҳтиёжи ниҳоятда паст; 2) мактаб адабий таълимида бадиий асарларни ўрганиш билан боғлиқ камчиликлар, нокомилликлар ва хатоларнинг бисёрлиги. Бунинг бош сабабларидан бирини методист олим В.Қодиров шундай изоҳлайди: “Ҳозирда адабиёт ўқитувчилари мумтоз адабиёт намуналарини тушунишга қийналишлари ёки аксарият ҳолларда ундан маъно чиқара олмасликларининг гувоҳи бўламиз. Ўзи зўрға тушунаётган ёки тушуна олмаётган матнни қандай идрок этсин?! Идрок этилмаган асарни ўқувчига тушунтириш тўғрисида гапиришнинг ўзи кулгили. Республикаимизнинг турли туман ва шаҳарларида ўтказган суҳбат ҳамда кузатишлардан маълум бўлдики, аксарият ўқитувчилар дарсликларда берилган асар шарҳларини ўқиб ёки айтиб берадилар, ўқувчилардан ҳам айнан шуларни такрорлашни талаб қиладилар.

Ўқитувчининг ўзи фикр боқимандаси, пассив истеъмолчи мақомида бўлган ва ўқувчисидан ҳам шуни талаб қилган машғулотларда адабиёт дарсларининг савияси паст бўлиши тайин. Қанчалик аччиқ бўлмасин, кўпчилик адабиёт дарслари шу аҳволда эканлигини тан олишга тўғри келади”⁴⁴. Бу каби ҳолатлар айни пайтда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ шаклланиши ривожига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта; 3) мактаб адабиёт дастурига киритилган айрим асарларнинг ўқувчилар ёш хусусиятига мувофиқ эмаслиги ёки дарсликларга киритилган асарлар таҳлиliga йўналтириш шакл ва усуллар номукамаллиги, савиясининг тўқис эмаслиги ўқувчилар нутқини ўстиришда муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бу ҳақида ҳам В.Қодиров ўз монографиясида батафсил тўхталган; 4) она тили дарсларида асосий эътибор грамматик қоидаларни ўзлаштириб, маълумотларни билишга, тил сатҳлари бўйича таҳлилни амалга оширишга қаратилгани, шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек тест топшириқларига тайёрлаш мақсади етакчи мавқедалиги; 5) деярли барча она тили дарсликларида гап тузиш, матн яратиш шарти мавжуд бўлган машқ ва топшириқлар талайгина, лекин улар ёзма нутқни ўстириш борасида амалий натижа бераётгани йўқ. Сабаби, ўқувчиларда фикрни ифодалаш, уни баён этиш кўникмалари тўла шаклланмаган. Ўқитувчиларга шундоқ ҳам кам бўлган матн яратиш технологияларини тарбияланувчиларда шакллантиришга бағишланган методик қўлланмалар⁴⁵ етиб бормаган. Т.Зиядованинг “Матн яратиш технологияси” (она тили таълими мисолида) монографиясида “Ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволи” фаслида, асосан, ёзма, қисман оғзаки нутқни шакллантириш ҳолати, бу борадаги муаммолар очиб берилган⁴⁶.

Лингвистик компетенция

“Мактаб ўқувчисининг лингвистик компетенцияси деганда тил системаси ҳақидаги билимларга, лингвистик тафаккурга, янги тил

⁴⁴ . Ausubel D.P. The Use of Advance Organizees in the Storing and Retention of Meaningful Verbal Manreal // Educational Psychology. – N.Y., 1960. – № 51. – P. 267-273.

⁴⁵ Шожалилов А.ва бошқалар. 4-синфда ўқиш дарслари. – Т.:Янги йўл полиграф сервис, 2017. – Б.202.

⁴⁶ Зиядова Т.У. Матн яратиш технологияси. Монография. ФАН. 2009 й. Б.26-31

вазиятларида билим ва кўникмаларни мустақил қўллаш тажрибасига эга бўлган ўқувчининг интеграл шахсий хислатлари тушунилади. Бошқача айтганда, лингвистик компетенция ижтимоий ҳодиса ва белгилар системаси сифатида тил ҳақида, тилнинг қурилиши ва функцияланиши ҳақида ўқувчиларнинг билим, малакаси ва кўникмаси ҳамда булардан турли вазиятларда фойдаланиш маҳорати англашилади”⁴⁷. Ушбу компетенция махсус дастур асосида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг тил сатҳлари бўйича назарий маълумотларга эга бўлиб, улардан ёзма ва оғзаки нутқ амалиётида фойдаланиш тажрибаси, кўникма ва малакалари дейиш мумкин. Профессор А.Нурмонов ва Г.Зиёдуллаеваларнинг мақоласида лингвистик компетенция ўқувчиларнинг орфографик, пунктуацион қоидалардан турли вазиятларда ўринли фойдалана олиш малака ва кўникмасини ҳам ўз ичига олиши сифатида изоҳланган⁴⁸. Тилшунос Д. Набиева “Лингвистик компетенцияга эга бўлиш учун тил сатҳлари ва сатҳ бирликлари, уларнинг мулоқот жараёнидаги ифода имкониятлари, тўғри сўзлаш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим. Шу билан бирга лингвистик компетенция ўз таркибига социолингвистик ва прагмалингвистик компетенцияларни”⁴⁹ ҳам қамраб олишини таъкидлаган. Профессор Н.Улуқов ўз мақоласида лингвистик компетенцияга: “...соддароқ қилиб, мутахассис тил билимининг мукамаллиги ва етуклиги”⁵⁰, дея таъриф беради. Лингвистик компетентлик бир неча хил кўринишларда юзага чиқиши ҳақида алоҳида тўхталади: “1) ўз фикрини она тилида равон, тушунарли, аниқ ва лўнда ифодалай олиш; 2) адабий тилда сўзлаш; 3) имловий,

⁴⁷ Раҳимов С. Педагогические идеи Абу Али Ибн Сины. Автореф. Дисс.на соиск.учен.степени канд.пе.д.наук. –Т., 1964.-60с.

⁴⁸ Нурмонов А., Зиёдуллаева Г. Ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари// Маърифат, 2014, 18 июль. – Б.9.

⁴⁹ Подласый И. П. Педагогика новый курс. Учебник для студ пед. вузов: В 2 кн. – М: Владос Кн 2 Процесс воспитания.2003. – 256с.; 2. Умарова М., Ҳақимова Ш Ўқиш китоби 3- синф. –Т: Ижод дунёси, 2004.– 48-49 б.

⁵⁰ Шодиев Н.Н., Раҳимкулова М. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий-педагогик йўналтирилганлик. Ўқув-усулий қўлланма.–Самарқанд: СамДУ, 2019.– 68 б.;

ишоравий ва услубий хатоларсиз ёза олиш; 4) давлат тилида иш хужжатларини юрита олиш; 5) хорижий тилларни билиш”⁵¹.

Ҳар бир халқнинг маданий савияси муайян даражада миллат вакилларининг саводхонлик даражаси билан ҳам белгиланар экан, бу борада орфографик кўникма муҳим аҳамият касб этади. Саводхонлик даражаси сўзларни фақат ёзишни билиш билан белгиланмайди, айти пайтда уларни тўғри ёза олиш қобилияти билан ўлчанади. Бу кўникма тилнинг барча сатҳлари билан бевосита боғлиқ ҳолда шакллантирилади ва ривожлантирилади. Товушлар талаффузи ва имлосига кўра фонетика билан, асос ва қўшимчалар имлосига кўра морфемика билан, баъзи сўзларнинг имлосини уларнинг маъносига кўра белгиланиши билан лексикологияга, грамматик шаклларга таянган ҳолда хатолардан қочишга эришиш орқали морфология билан, талаффуз ва ёзув меъёрларини фарқлаш билан орфоэпияга, гапда сўзларни тўғри боғланишини ўрганиш орқали синтаксис билан бу кўникмани шакллантириш мақсадлари ҳамоҳангдир. Айти пайтда республикамиз мактаб ўқувчилари ва битирувчиларининг орфографик кўникмалари кўнгилдагидек эмас. Қуйида ана шу ҳолат таҳлилига диққат қаратамиз.

Фонетика, Графика, Орфография ва Орфоэпия бўлимлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган сатҳлардир. Шу боис дарсликларда талаффуз ва имло меъёрлари биргаликда ўрганилади. 5-синф дарслигида бу сатҳларга оид мавзулар юзасидан берилган қоида, таъриф ва маълумотларни кўздан кечиран эканмиз, уларни топшириқ ва машқлар билан амалий ёритишда ҳар хилликни кузатамиз. Айримларида қоида, таърифлар мисоллар билан тўла асосланмайди ёки умуман мисол келтирилмайди. Шунингдек, айрим унли ёки ундошлар талаффузи ва имлосига доир баъзи жиҳатлар бутунлай эътибордан четда қолган ҳоллар ҳам учрайди. Дастур ва дарсликда бу

⁵¹ Шодиев Н.Н., Раҳимкулова М. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий-педагогик йўналтирилганлик. Ўқув-услубий қўлланма.–Самарқанд: СамДУ, 2019.– 68 б.

жихатлар ёритилмагани учун уларнинг тил таълимида эътибордан соқит қилиниши ўқувчилар саводхонлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

У ва и унлилар талаффузи ва имлосига бағишланган мавзуда берилган таърифларда уч орфоэпик ва орфографик хусусият берилган:

1. Сўзларнинг биринчи бўғинида *р, л* ундошларидан олдин келган *и* унлиси билинар-билинмас талаффуз қилинса ҳам, ёзувда *и* унлиси билан ёзилади. Мавзу сарлавҳаси остидаги 1-топшириқ (*бирок, сира, билан* сўзлари) ҳамда 31-машқ қисман бу қоидани мустаҳкамлайди. Лекин бу ҳолат фақат *р, л* ундошларидан олдингина эмас, бошқа ундошлар, жумладан, *к, п, қ, т, ч* товушларидан олдин ҳам кузатилади. Мисол: *ситам, пишир, чиқар, қипиқ, сиқиқ, шикоят, тикилмоқ*. Айнан кейинги шу шаклдаги тузилишга эга сўзлар имлосида хатоликлар учрайди. Демак, дастур ва дарсликларда тузатиш, тўлдиришлар киритиш лозим.

2. Икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида лабланган *у* унлиси таъсирида иккинчи бўғиндаги *и* унлиси *у* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, *и* ёзилади. Дарсликда бу қоиданинг бир жумладан иборат давоми ҳам бор. Лекин аввал қоиданинг шу қисми амалий мустаҳкамланмаганлигига эътибор қаратамиз. Қоиданинг ўзида ҳам, топшириқ ва машқларда ҳам бу қоидани асослаш, мустаҳкамлашга бирорта ҳам мисол берилмаган. Уни мисоллар билан асослаб тушунтириш, мустаҳкамлаш ўқитувчининг зиммасида қоляпти. Афсуски, амалиётда ҳеч бир муаллим бу бўшлиқни тўлдираётгани йўқ. Аслида қоида келтирилдими, аниқ мисоллар билан тушунтириши шарт. Ўқитувчидан *букилмоқ, қурилмоқ, сурилмоқ, тузилма, тугилмоқ* сўзларини ҳам ёзиб, ҳам айтиб, айттириб талаффуз ва имло меъёрларини сингдириш талаб этилади. Бу каби сўзларда иккинчи бўғиндаги унли *у* айтилади, лекин *и* ёзилади. Ўрни келганда бунга тескари бўлган ҳолат ҳам борлигига эътибор қаратиш зарур. Яъни *қувур, овунмоқ, чучук, дудуқ, бугун, ҳужум* каби сўзларда иккинчи бўғиндаги *у* ундоши *и* тарзда айтилади, лекин *у* ёзилаверади. Ўқувчилар ёзма ишларида бу иккала ҳолат билан боғлиқ типик хатолар учрамоқда.

3. Юқоридаги иккинчи қоиданинг давомида: “*Шундай ёзилиши билан иккинчи бўғинда у ёзиладиган отлардан фарқланади*” деган жумла бор. Бу қоидани мавзу сарлавҳаси остида берилган 2-топширик амалий асослайди. Топширикда *уруш – уриш, юмуш – юмиш, буруш – буриш* паронимлари келтирилган. Амалиётда ҳамкасбларимиз учинчи ҳолат – паронимлар имлосини синфдаги ўқувчиларнинг катта қисми эслаб қолганликлари ва амалий тўғри қўллашларини эътироф этадилар. Лекин биринчи ва иккинчи ҳолатдаги сўзларда эса аксар ўқувчилар давомли тарзда хато қилишларини айтадилар. Тажриба-синов давомида бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

Дарсликда а ва о унлилари талаффузи ва имлоси билан боғлиқ иккита қоида берилган: 1) *а* ҳарфи *савоб, замон* сингари сўзларда *о* айтилса ҳам, *а* ёзилади; 2) *о* ҳарфи *тонна, ноябрь* каби сўзларда *ў* айтилса ҳам, *о* ёзилади. Мавзу сарлавҳаси остидаги топшириқлар, синфда ва уйда бажарилиши кўзланган учта машқ бу қоидаларни мустаҳкамлаш учун тузилган. Назаримизда, бу мавзуга оид яна иккита қоидани киритиб кетиш керак: а) рус тилидан ўзлашган сўзларнинг урғусиз бўғинида *о* унлиси *а* айтилади, лекин *о* ёзилади: *Москва, самолёт, компьютер*. Дарсликдаги 386-машқ орқали бу қоидани мустаҳкамлаш мумкин; б) айрим ўзлашган сўзларнинг охири бўғинидаги *о* унлиси билинар-билинемс талаффуз қилинади, лекин ёзилади: *трактор, директор, ректор*. Демак, бу мавзуга оид тўртта қоида бўлади. Кейинги икки қоида дарсликда берилмаганлиги ва ўқитувчилар ҳам бу бўшлиқни тўлдирмаётганликлари боис хатолар юқори синф ўқувчиларининг ёзма ишларида ҳам учрайди.

Қатор келган унлилар талаффузи ва имлоси ўрганилганда, *оа, ао, иа, аи, ио, аа* тарзида ёнма-ён келган жуфтликлар билан боғлиқ хатоликлар олдини олиш назарда тутилади. Дастурга кўра дарсликда икки қоида: бундай жуфтликлар талаффузда бир чўзиқ унлига айланиши (муаллим – малим) ва улар орасида ундош орттирилиши (*соат* сўзи *соҳат* (Фарғонада) ёки *соғат* (Тошкентда) тарзида айтилади, лекин *соат* ёзилиши) берилган. Лекин бу мавзуга алоқадор бошқа сўз шакллари ва уларнинг имлоси билан боғлиқ

жихатлар бор эдики, уларнинг дарсликда берилмагани сабабли хатолар муайян даражада учрайди. Булар: 1) *маош* тарзида ёзиладиган сўзлар *моош* каби; 2) *табиат*, *шиор*, *маишат* каби сўзларда қатор унлилар орасида *й* ундоши орттириб айтилиши боис шундай ёзилиши; 3) *дуо* тарзида ёзиладиган сўзларда қатор унлилар орасида *в* ундоши орттириб айтилиши боис шундай ёзилиши; 4) *манфаат*, *итоат* каби сўзлар эшитилгандай ёзилиши.

Айрим ундошлар талаффузи ва имлоси бўлими жорий дарсликка кўра жарангли-жарангсиз ундошлар талаффузи ва имлоси мавзуси билан бошланади. Мавзунини тушунтириш учун *Сўз охирида б – п, д – т, з – с сингари жарангли ва жарангсиз ундошлар ўртасидаги фарқлар йўқолиб, бир хил – жарангсиз ундош товуш ҳолида талаффуз этилади, лекин б, д, з ёзилади* тарзида қоида берилади. Дарсликда мустаҳкамлаш учун машқлар берилган, аммо бу қоидага дахлдор сўзларда хатолар кўп учрайди: боп (боб), озот (озод), ис (из) каби. Бунинг сабаби, аксар ўқитувчилар кейинги синфларда такрорлаб, мустаҳкамлаб бормасликлари ёки хатолар устида етарли даражада ишламасликлари боис хатолар такрорланмоқда.

Г – к, қ – г ундошлар талаффузи ва имлоси ҳамда б, м ундошларидан олдин келган н ундошининг талаффузи ва имлоси билан боғлиқ кўникмаларда ҳам юқоридаги каби хатолар кузатилади. Улар баъзан сўз бойлиги билан, аниқроғи, айрим сўзларнинг паронимик жуфтларидан беҳабарлик туфайли ҳам юзага келмоқда. Масалан, чолғу асбоби *танбур* сўзини ўқувчилар талаффузга кўра *тамбур* деб хато ёзишлари бу паронимик жуфтликнинг кейингисидан унча (балки умуман) таниш бўлмаганликлари билан характерланади. Улар *тамбур – поезд вагонининг кираверишидаги даҳлизсимон бўлмаси* (масалан, *Саиджон қўшни вагонга ўтар экан, тамбурда гаплашиб турган икки йигитга кўзи тушди*) эканлигини билсалар, хатонинг олди олинган бўларди.

Ф, ф ундошининг талаффузи ва имлоси ўрганилганда икки турдаги типик хатолар учрайди: биринчиси, ўқувчилар *фоиз, инсоф, тараф* каби

сўзлардаги бу лаб-тиш товушини *n* тарзида айтиб, талаффузига кўра *пойз*, *инсон*, *тарап* шаклида янглиш ёзишади; иккинчиси, *афзал*, *шафқат*, *афгон* каби сўзларни ҳам айтилганидек *авзал*, *шавқат*, *авгон* деб ёзадилар. Шу ўринда бу товушнинг жарангли жуфти *v* ундоши имлоси ҳақида ҳам тўхталиш лозим. Аксар ҳолларда *автомобил*, *автомат*, *автобус* сўзларида мазкур товушни унинг жарангсиз жуфтига алмаштириб, талаффуз этилганидек, *афтомобил*, *афтомат*, *афтобус* тарзида хато ёзишлари кўп учрайди. Шунингдек, *шовқин*, *новда* сўзларида *o* унлиси чўзиқроқ [y:] тарзида, *қувноқ* сўзидаги *y* ҳам [y:] айтилиб, *v* ундош талаффуз қилинмайди. Улар *шўқин*, *нўда*, *қуноқ* тарзида айтилади, айрим ўқувчилар шундай ёзиб ҳам қўядилар.

Доимо сўз ўртаси ва охирида келадиган *ng* ҳарфлар бирикмаси, унинг *вазифалари* билан боғлиқ икки хил хатолик кўп учрайди. Биринчиси, *ng* ундошини алоҳида икки *n* ва *g* ундошлардан фарқламайдилар ва бунинг натижаси ўлароқ бўғин кўчиришда янглишмоқдалар. Иккинчиси, *денгиз*, *сингил*, *кўнгил* сўзларида *g* ундоши орттирилиб талаффуз қилинади, яъни [денггиз], [синггил], [кўнггил] сифатида ва шу шаклда хато ёзиб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди.

Айнан шу ҳолат ***Sh, sh* ҳамда *Ch, ch* ҳарфлар бирикмалари** билан боғлиқ имлода кузатилади: очик бўғиндан кейин келган бу ҳарфлар бирикмасини бўғин кўчиришда адаштирадилар (*mus-huk*, *chuc-huk* каби); *sh* ҳарфий бирикмасини ёнма-ён келган *s* ва *h* ундошларидан фарқламаслик боис бу икки ундош ёнма-ён келганда ораларига тутуқ белгисини қўймай ёзадилар.

Лингвистик компетенциянинг **“Морфемика”** ва **“Морфология”** бўлимлари мактаб тил таълимида умумлаштирилиб, бирлаштирилиб ўқитилади – дастур шундай тузилган. Бу бўлимлар билан боғлиқ типик компетенциявий оқсашлар қуйидагиларда кўринади:

1. Сўз асосининг орфографик меъёрга кўра тўғри ёзилишини билмаслик. Бу, ўз навбатида, қуйидагиларда намоён бўлади: а) сўз охирида

кўш унли ва ундошнинг кейингиси талаффузда эшитилмаслиги боис улардан бирини ташлаб ёзиш (*матбаа, манбаа* ҳамда юқорида айтилдиганидек, *металл, грамм* каби сўзларида); 2) сўз охиридаги қатор ундошнинг кейингиси талаффузда эшитилмаслиги боис улардан бирини ташлаб ёзиш: *Самарқан, Тошкен, забардас, гўш* каби; 3) бўғин ва сўз охиридаги жарангли ундошнинг талаффузга кўра жарангсиз жуфти билан алмаштириб ёзиш: *афтобус, иштимоий* (ижтимоий), *барк* (барг), *озот* (озод) в.б. 4) қатор келган ундошлар орасида бир унли орттириб ёзиш: *қадир, сабир, жаҳил, зулим* (ёки зулум); 5) ўзлашма сўзларни талаффузига кўра ёзиш: *Москва, тўнна, истол*.

2. “г” ундоши билан бошланадиган кўшимчалар (-ga, -gan, -gani, -gach, -gancha, -guncha, -gin) кўшилган сўзлар морфологик тамойилда ёзилишига риоя этмаслик туфайли ўқувчилар хатога йўл қўйиб *eshikga, ekgan, ketkan, ishka, yoqgach, boqqa, siqquncha, pedagogka* тарзида ёзиб қўядилар.

3. Кўшма сўзлар имлосида куйидаги хатолар кузатилади: а) кўшиб ёзиладиган кўшма сўзларни ажратиб ёзадилар: *бодом қовоқ, аччиқ тош, ҳозир жавоб, радио станция, бир нас, бира тўла* каби; б) ажратиб ёзиладиган кўшма сўзларни кўшиб ёзадилар: *Ўртачирчиқ, Ўртаер* каби; в) кўшма сўз орасига чизиқча (дефис) қўядилар: *Куйган-ёр, Янги-обод, Кўш-ариқ* каби.

4. Отлардаги қаратқич ва тушум келишиги кўшимчалари ишлатилишини чалкаштирадилар: *акамни ўртоғи, эшикни зулфи* каби.

5. Сифатлардаги озайтirma ва орттirma даража шаклларини нотўғри тарзда кўшиб қўядилар: *нимпушти, очқизил; қипқизил, тўққора, ямяшил* каби, баъзан *оп-поқ* тарзида ҳам ёзадилар.

6. Сонлар имлосида куйидаги хатолар учрайди: а) баъзан кўшма сонларни кўшиб ёзиш: *ўнбир, ўнбеш* каби; б) тартиб сонлар араб рақам билан ёзилганда чизиқчасиз, аксинча, рим рақамлари билан ёзилганда чизиқча қўйиш: *9 синф, XX-аср* кабиларни кўриш мумкин; в) айрим ҳолларда –*инчи* кўшимчаси билан бирга дефис ҳам қўядилар: *8-инчи қават*.

7. Олмошларда, асосан, хатолар ўзлик олмоши билан боғлиқ: чизиқча билан ёзиладигани *ўз ўзим, ўз ўзимники* тарзида, аксинча, чизиқчасиз ёзиладигани *ўзимга-ўзим, ўзимдан-ўзим* шаклида ёзилишига гувоҳ бўлинади. Шунингдек, гумон олмошини алла ким, алла нима тарзида ажратиб ёзишлари ҳам учраб туради.

8. Феълларда, кўпинча: а) орттирма нисбат кўшимчаларини (ўтказ, ўтказ, юргиз, юргаз каби шаклларнинг ишлатилишида); б) замон кўшимчаларини (келаяпти, ўқиябди); в) шахс-сон кўшимчасини (борибти, кўряпди) қўллаш билан боғлиқ.

9. Ёрдамчи сўзларда хатолар *учин (учун), бурин (бурун)* кўмакчилари, *блан (билан), броқ (бироқ)* боғловчиларида кузатилади. Шунингдек, чизиқча билан ёзиладиган юкламаларни қўшиб, қўшиб ёзиладиганларни чизиқча билан ёзадилар: *кўрайликчи, билдику, биласана, келгану, қўйе; билдинг-ми, келиб-оқ* каби.

“Синтаксис” бўлими билан боғлиқ қуйидаги хатолар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларида учрайди:

мослашувли бирикма (*китобнинг варағи*)ни бошқарувли бирикма (*китобни варағи*) шаклида ишлатиш; *вилоят шаҳри* каби бирикмаларни *вилоят шаҳари* тарзи қўллаш;

эга билан от-кесим ўртасидаги тире ишлатилишида;

уюшиқ бўлақлар, кириш сўз, ундалма, ажратилган бўлақларда вергулнинг ишлатилишида;

қўшма гап қисмлари орасида вергул, икки нукта, тире қўйилишида;

кўчирма гапли қўшма гапларда ишлатиладиган тиниш белгиларида (вергул, тире, қўштирноқ, икки нукта).

“Услубият” бўлими таълими билан боғлиқ ҳолатда ўқувчилардаги компетенциявий номукамалликлар қуйидагиларда кўринади:

тил услублари тўғрисида етарли тушунчага эга эмасликлари, улар ҳақидаги таърифларнигина билиб, оғзаки ва ёзма нутқда тил услубларидан ўринли фойдалана олмасликлари;

услубни яратувчи воситаларни яхши билмасликлари (бу, асосан, ўқувчиларнинг ёзма ишлари – баён ва иншоларида яққол кўзга ташланади);

услубни яратувчи фонетик воситаларни умуман билмасликлари (дарсликларда ҳам фонетик услубият яхши очиб берилмаган, мавҳумликлар бисёр);

грамматик воситалар: келишик, эгалик ва кўплик кўшимчалари услубияти ҳақида билимлар етарли эмас, айниқса, таъсирли бўёқ (субъектив баҳо) берувчи кўшимчаларнинг услубий маънолари тўғрисида аксар ўқувчилар тушунчага ҳам эга эмаслар (буни ўтказилган дарс машғулотлари, суҳбатлар ва олинган ёзма ишлар натижалари кўрсатди);

синтактик воситалар: риторик сўроқ гаплар, гап бўлаклари, ажратилган бўлақлар, кириш сўз ва иборалар, ундалмалар, қўшма гапларнинг услубий имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда фойдалана олмайдилар;

услубиятни юзага келтирувчи етакчи восита бўлмиш тил сатҳларидаги синонимия ҳодисасидан истеъфода этиш ғоят паст: ўқувчилар сўз бойлиги камлиги боис лексик синонимия имкониятидан фойдаланмайдилар; услубият тақозосига кўра сўз танлаш, уни ўринли қўллаш талаби шу боис ҳам бажарилмайди; гап бўлаклари ва тузилишига кўра гаплар синонимиясини, синтактик, луғавий шакл ясовчи кўшимчалар синонимиясини ўринли қўллаш нутқларида кам кузатилади.

Креатив компетенция

Инглизчадан олинган “create” *яратиш, ижод* маъносини беради. Бу тушунча инсон ҳаётининг турли вазиятларида воқеликка мавжуд андазалардан фарқли равишда ўзига хос ёндашув билан иш тутишни англатади. Креатив қобилиятдан мосуво ўқувчи бўлмайди, чунки ҳар қандай нормал инсон фитратида бундай имконият мавжуд бўлади. Уни тарбия қилиш ва ривожлантиришда муаммо юзага чиқади. Ҳар бир фан таълим жараёнида ўз имконияти, шакл ва услуби билан креативликни тарбияланувчиларда тараққий эттириши лозим. Бунда лингвистик тафаккурнинг ҳам кенг имкониятлари бор. Ҳар бир сатҳ бирликларидан нутқ

вазиятларида ўринли, ўзига хос ва, энг асосийси, тингловчига (коммуникатив адресатга) ўзи назарда тутган маъно ва муносабатни тушунарли ҳамда таъсирли шаклда узатиш компетенцияси лингвистик креативликдир. Бу вазифани адо этиш учун она тилидан дарс машғулотларида *кузатиш, изланиш, алоҳидаликни шарҳлаш, умумийликни топиш, фарқларни аниқлаш, қиёслаш, таснифлаш, хулоса чиқариш, алоқадорликни очиб, амалда қўллаш* – ўн босқичли мустақил, ижодий фикрлаш машқлари тизимли равишда бажарилиши керак⁵².

Мазкур компетенцияни шакллантириш учун таълим жараёнида, хусусан, ҳар бир машғулотда креатив муҳит яратилиши талаб этилади. Креативликни юзага чиқариш тил ўқитувчисининг креатив фаолияти, ёндашуви, аниқроғи, касбий креативлик қобилиятига боғлиқ. Бунинг учун эса педагог, аввало, креативлик нима эканлигини билмоғи, англамоғи ва ўз дарсларида қўлламоғи лозим бўлади. Мактабларда бўлганимизда ўқитувчилар креативлик, креатив компетенция ҳақида етарли тушунчага эга эмасликларига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, Андижон вилояти ХТХҚТМОИ тил ва адабиёт ўқитувчилари малака ошириш курси тингловчилари орасида ўтказилган анкета сўровларида ҳам бу ҳолат ўз тасдиғини топди. Респондентларнинг 40 фоизи (анкета сўровларига жавоб берган 30 ўқитувчидан 12 таси) креативлик борасидаги саволларга жавоб берган холос. Кўринадики, мактаб амалиётида бу компетенцияни шакллантириши лозим бўлган педагогнинг ўзида у ҳақида етарли маълумот, тушунча мавжуд эмас. Дарсларнинг бу борадаги сифати ва самараси ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Лекин бу тил ўқитувчиси машғулотларда мазкур компетенциянинг ҳеч бир шакл ёки кўринишини амалга оширмапти дегани эмас. Албатта, тажрибали ўқитувчилар креативлик компетенциясининг шакллантириш босқичларини назарий билмаган ҳолда ҳам ўз дарсларида қўллайдилар ва бу ўқувчиларда муайян даражада билим, кўникма ўлароқ акс этади. Ҳар қандай масъулият билан тайёргарлик кўрилган ва ўтказилган дарсда кузатиш, изланиш, алоҳидаликни шарҳлаш, умумийликни топиш (индукция ва

⁵² Уман А. И. Учебные задания и процесс обучения. –М.: Педагогика, 2003.– 5-6 с.

дедукция), фарқларни аниқлаш, қиёслаш, таснифлаш, хулоса чиқариш, алоқадорликни очиш, амалда қўллаш каби машқ ва топшириқлар бажарилади. Фақат улар давомли, олдиндан қўйилган мақсадли тизим тарзида бўлмаганлиги учун креативлик компетенцияси тарбияланувчиларда тўла шакланмайди. Айни пайтда юқорида тўхталганларимиз нутқий ва лингвистик компетенцияларнинг чалалиги бу ҳолатни янада ночорлаштиради.

Прагмалингвистик компетенция

Тилни назарий тадқиқ қилиш, амалий ўрганиш ва ўқитиш уни ҳаётий вазиятлар ҳамда заруратлар доирасида олиб борилсагина, аҳамият жиҳатидан тўлақонли ўз вазифасини адо эта олади. “Лисон ҳам ҳаёт манбаи, шу сабабли унинг ҳаётдаги ўрнини, ундан одамлар қандай фойдаланаётганлигини ҳамда унинг ҳаёт даражаси, сифатига қандай таъсири борлигини билмоқ керак. Буларнинг барчаси биз фойдаланаётган ҳодиса – тилнинг табиати ва ижтимоий моҳиятини билиш имконини яратади”⁵³. Тилшунос олим Ш.Сафаров кенг қамровли ижтимоий вазиятлар шароитида мулоқот вазиятлари ўзгариб туриши, оддий тузилишда бўлган таянч структуранинг мураккаблашиб бориши, айни пайтда таянч тушунчанинг семантик қобиғи тўхтовсиз кенгайиб боришини таъкидлар экан, “лисоний таҳлилни таянч тушунчадан бошламоқ зарур”, деган тўхтамга келади⁵⁴.

Ҳозирги кундаги таълим тизимида тил ўқитишда тилнинг соф ички тузилишини ўргатишга асосий эътибор қаратилаётгани жиддий ва асосли танқид қилинмоқда. Чунки лисоний структурани билган ҳолда у билан боғлиқ билимлардан қандай ва қайси ўринларда фойдаланишни билмаган одам учун бу билимларни ўзлаштирганидан ҳеч қандай фойда ва самара бўлмайди. Беҳудага вақт ва куч сарфлагани қолади. Мазкур муаммонинг ечими билан прагмалингвистика шуғулланади. Креатив компетенция ўз ичига нутқий ва лингвистик билим, кўникмаларни олганидек, таянч

⁵³ Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: Ўзбекистон, 2005.– 384 б.

⁵⁴ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент. 2008 йил, 318 б..

компетенция ҳам бевосита улардаги ўзаро алоқадор кўникма ва малакалар орқали шакллантирилади, айти пайтда уларга нисбатан умумийлик характеридадир. “Таянч компетенция – муайян вазиятлардан усталик билан чиқиб кета олиш қобилиятига эга бўлиш”⁵⁵. Таянч атамаси лингвистик адабиётларда кенг маънода қўлланилса-да, айти вақтда соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, лингвистик таянч тушунчасининг аниқ чегаралари белгиланган эмас. Зеро, таянч тушунча коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш мақсадида лисоний воситалардан танлаб фойдаланишни назарда тутувчи реал мулоқот вазияти сифатида талқин қилинади.⁵⁶

Юқорида таҳлил қилганимиз уч компетенциянинг кониқарли эмаслиги ўз-ўзидан ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган таянч компетенциянинг жорий ҳолатини очиб беради, яъни жорий тил таълимида ўқувчиларда таянч лаёқатнинг ҳам талаб даражасида эмаслигини тасдиқлайди.

Биринчи боб юзасидан хулосалар:

1. Мавжуд адабиётлар ҳамда ижтимоий-педагогик муҳит таҳлили шуни кўрсатдики, таълимнинг бош мақсадини белгилаш муҳим ижтимоий, сиёсий, дидактик ҳодиса бўлиб, у давлат ва жамиятнинг таълим олдига қўйилган ижтимоий буюртмасини ўзида тўла ифодалайди.

2. Таълимнинг бош мақсади билан хусусий мақсадлари орасидаги дидактик алоқани назарий жиҳатдан ўрганиш ва ушбу мутаносибликни таъминлаш йўллари кўрсатиш педагогика фанининг ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларидан биридир.

⁵⁵ Фалсафа: қисқача изоҳли лугатлар. Муаллифлар: Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва б. Масъул муҳаррир: А.Жалолов. –Т.: Шарқ, 2004.–384 б.; Ҳамроев А.Р. Бошланғич синф она тили таълимини ижодий ташкил этиш: пед.фанл.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.– Тошкент, 2005. – 151 б.

⁵⁶ Зуннунов А. 4-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1974. – 137 б.; Матчонов С. ва б. Ўқиш китоби (4-синф учун дарслик). – Т.: Янги йўл полиграф сервис, 2017. – 222 б.; Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: Назария ва амалиёт.-Т.: Фан, 2005.-206 б.

3. Дидактика тарихини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, барча даврларда ҳам таълимнинг бош мақсади ва хусусий мақсадлари ижтимоий буюртма ҳамда шахс эҳтиёжларини ўзида ифодалаб мунтазам ривожланиб, такомиллашиб келган.

4. Мавжуд ҳолат таҳлили шундан далолат берадики, ўқув материаллари, таълимий топшириқлар, дидактик ишланмалар ўқитиш усуллари ва методлари билан таълимнинг умумий ҳамда хусусий мақсадлари орасида аксарият ҳолларда мутаносиблик таъминланмаган бўлиб, ушбу алоқадорликни таъминлаш йўллари назарий жиҳатдан асослаш педагогика фанининг ўз ечимини кутаётган муаммоларидан биридир.

II БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ

2.1.§. Она тили дарслари самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш

Инсоният тафаккурининг олий маҳсули сифатида таърифланишга ҳақли бўлган бадиий ижод (бадиий матн) тилнинг имкониятлари, қудрати ва нафосатини намоён қилувчи эстетик ҳодиса саналади, яъни у ўзига хос эстетик вазифа бажаради. “Тилнинг бу вазифаси (эстетик вазифаси) фақат бадиий асардагина намоён бўлмайди. Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасига кирамиз. Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин, барибир, бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди, бадиий матнларда эса тил ҳамиша айни шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади (бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўринишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қилади)”⁵⁷. Тилни, унинг табиатини, имкониятларини тўлақонли юзага чиқиши бадиий матн орқали воқеланади. М.Йўлдошев ўзининг “Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари” китобида тилнинг эстетик вазифасини тилшунослик ёки адабиётшунослик доирасидагина ўрганиш қийин эканлигини таъкидлаб, қуйидаги фикрни билдиради: “...тилнинг эстетик вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни бадиий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-

⁵⁷ Джежелей О.В. Чтение и литература // Программно-методические материалы: Чтение. Начальная школа / Сост. Т.В.Игнатъева. – М.: Дрофа, 2000. – С. 68-69.

бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммодир”⁵⁸. Она тили дарсларида олинган билимларни адабиёт дарсликлари материаллари воситасида кўникма ва малакаларга айлантириш маърифий-дидактик вазифа бўлиши билан бирга маънавий аҳамият касб этади. Ф.де Соссюр таъкидлаганидек, “тилшуносликнинг бевосита вазифаси тилга илмий ёндашувни эмас, индивидларнинг тил қобилиятини, бу қобилиятнинг иш кўриш қонуниятларини аниқлашдан иборат, илмий ёндашув эса методик характердаги фаолиятдир”⁵⁹. Шундай экан, “тилшуносликнинг бош оқими зиддиятлар орасидаги зидликни эмас, балки улар орасидаги тадрижий боғланишлар, ўтишлар ва айланишлар моҳиятини тадқиқ этишдан иборат. Тил бирликлари ва ҳодисаларини ўзаро алоқадорликда турган узлуксиз занжирнинг узвий боғлиқ бўғинлари сифатида тадқиқ этишнинг методологияси диалектик мантиқнинг учинчиси – шарт (оралиқ учинчи) қонунига асосланади”⁶⁰.

Тилшунос А.Нурмонов ўзининг “Тилшунослик ва табиий фанлар” номли рисоласида бадиий нутқни ўрганувчи лингвистик поэтикани тил системасининг барча сатҳ бирликларининг бадиий-эстетик функциясининг қамраб олишини таъкидлаб, шундай ёзади: “... фонетик-фонологик сатҳда фонетик бирликлар ҳам бадиий-эстетик вазифа бажариши мумкин. Хусусан, бир хил товушларнинг, бир хил бўғинларнинг такрорланиши шеърятда гўзалликни, таъсирчанликни таъминловчи восита саналади”⁶¹.

«Муайян ўқув фани бўйича белгилаб берилган ДТСлар ўқув предмети мақсадига мосми?», «Дастур ва дарсликларда тақдим этилган таълим мазмуни, ўқув материаллари ўқув предметининг умумий мақсадига

⁵⁸ Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б

⁵⁹ Хобсон Флейк. Развитие ребёнка и его отношение с окружающими. – М.: Торговый том грант, 1999. – 304 с.

⁶⁰ Поляков С.Д. Педагогическая инноватика: от идеи по практики. М. Центр педагогический поиск, 2007. - 176 с.

⁶¹ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т., 2001.

эришишни таъминлай оладими?» деган саволлар туғилади. Бу масалалар, хусусан, бизда, Ўзбекистонда ҳар бир ўқув предметини ўқитиш олдида турган энг муҳим муаммолардандир. Бу саволларга жавоб бериш учун аниқ бир ўқув предметининг мақсади, шу фан бўйича белгилаб қўйилган ДТСлари, ўқув дастурлари, дарсликларини ўзаро қиёслаган ҳолда таҳлил қилиш зарурати туғилади. Ушбу масалани мактаб она тили курси мисолида олиб кўрайлик. Биз узоқ вақт олтмиш-етмиш йил ҳукм сурган дидактик усулда фундаментализм ва академизм йўналишида билимдон ижрочи шахсни тарбиялаш тизимидан таянч йўналишда тадбиркор ва ижодий тафаккур соҳиби бўлган шахсни тарбиялаш тизимига ўтдик. Она тили таълимида узоқ вақт амалда бўлган фундаментализм ва академизм таъсири остида ўқувчиларга жуда кўп назарий билимлар ўргатилди. Бу ҳолат қисман ҳамон давом этмоқда. Янги таълим мақсади ҳар бир ўқув предметидан қандай билимларни ва қанақа малакаю кўникмаларни талаб қилади? Дидактика тарихидан маълумки, билим ва кўникмалар, билим ҳамда ижодкорлик ҳар доим бир-бирини тақозо қиладиган ҳодисалардир ⁶².

Педагогик жараёнда педагогик воситаларни функционал танлаб олиш ва ташкил қилиш масаласи тадқиқотчи П.Старков томонидан қуйидагича таърифланади: “Ўқитувчи ва ўқувчилар таълимий фаолиятнинг объектини, шунингдек, унинг шакллари ҳамда мазмунини белгилайди. Буни қуйидагича таърифлаш мумкин: “оғзаки ва ёзма коммуникация жараёнида қўлланилаётган воситани ҳамда унинг ҳаракатини ўзлаштириш” ⁶³.

Таълимнинг мақсади унинг мазмуни ва методларини белгиловчи омиллардан биридир. Биз қуйида уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз. Таълим мақсадига педагогик нуқтаи назардан ёндашиш асосида мазкур мақсадга таянган ҳолда таълим мазмунини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

⁶² Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

⁶³ Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т., 2016. – 314 б.

Таълимнинг умумий мантиқи, яъни мазмуни таълимнинг мақсадига мувофиқ тарзда идрок этилиши керак, чунки таълим мазмуни унинг мақсадига мос тарзда ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари, давлат, жамият, фан, техника, ишлаб чиқариш талаблари, санъат, маданият ривожини ҳисобга олган ҳолда таъминланиши керак. Жамиятнинг объектив қонуниятларини ва истиқболини тўғри тушуниш натижасида таълим бир мақсадга қаратилгандагина унинг мазмуни яхлит, узлуксиз, тадрижий тизим сифатида таркиб топади. Ҳар қандай жамиятда ҳам умумий ўрта таълимнинг мазмуни ўқувчи шахсига таълим бериш, уни ривожлантириш ва тарбиялаш мақсадларига боғлиқ бўлиб, таълим мазмуни мана шу мақсадни қондиришга хизмат қиладиган ўқув юкламасининг аниқ ифодасидир. Таълим-тарбия мақсадларининг ўзгариши натижасида таълим мазмуни мунтазам янгиланади.

Она тили таълимининг самарадорлигини оширишда матн устида ишлашнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Матн устида ишлаш орқали ўқувчиларда таянч компетенцияни, адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантиришда уларни назарий билимлар билан қуроллантириш таълим самарадорлигини оширади. Чунки матн замиридаги нафосат, ёзувчи илгари сурган фикр асарнинг жанрий хусусиятлари асосида ўрганилгандагина чуқур ҳис қилиниши ва ўзлаштирилиши мумкин. Шундай экан, биз бирор бир бадиий асарни, аниқроғи, бадиий матннинг мазмун-моҳиятини тушунишимиз, идрок қилишимиз учун, биринчи галда, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг бир қатор қонуниятларидан бохабар бўлмоғимиз даркор. Бадиий асар тилини ўрганишнинг ўзи ниҳоятда кўп, қолаверса, хилма-хил йўналишга тааллуқли илмий-назарий тушунчаларнинг туб моҳиятини билишликни талаб қилади. Негаки бу жараён устида тилшунослар, адабиётшунослар билан биргаликда методист олимлар ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Лекин мазкур соҳада методистларнинг ортда қолаётганликлари бугунги кун таълим тизимидаги жиддий муаммо саналади.

Айни пайтда матн нафосати, тил эстетикаси фақат бадий адабиёт билангина юзага чиқади, деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Оммабоп матнларда, оғзаки сўзлашувда, ҳатто илмий асарларда ҳам ўзига хос жозоба, эстетика мавжуд бўлади. Бу фикрни қоғозга тушираётган ёки сўзлаётган кишининг сўзни, унинг имкониятларини нақадар ҳис қилишига боғлиқ, унинг таянч қобилиятига алоқадор масаладир. Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудовлар ҳаммуаллифликда ёзган “Сўз эстетикаси” китоби бевосита бадий асар тили таҳлилига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур рисолада назарий жиҳатдан тўғри бўлган қуйидаги фикр алоҳида эътиборга лойиқ. Унда ёзилишича: “Кўпинча, тил эстетикаси ҳақида гап кетганда, фақат муайян ёзувчининг тили атрофида фикр юритилади. Эстетикани фақат бадий асарлар тилигагина хос, ундан ташқарида тил эстетикаси ҳақида гапириш мумкин эмас деб қараш нотўғридир. Чунки тил эстетикасининг асоси нутқнинг сифатига, қандайлигига суянади. Жонли сўзлашувда ҳам, кўпинча, фикрнинг қандай ифодаланаётганлигига эътибор берилади. Ана шу эътибор биланоқ тил ўзининг коммуникатив функцияси билан биргаликда эстетик функциясини ҳам намоён қилади. Демак, нафақат бадий асарда, балки ундан ташқарида ҳам тил ўзининг эстетик функцияси билан иштирок этиши мумкин”⁶⁴. Б.А.Ларин таъкидлаганидек: “Эртадир-кечдир, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида тан олинади”⁶⁵. Шундай экан, тилнинг эстетик кўриниши айтилаётган ифоданинг бадийлигида, таянч асосидадир. Бадийликнинг асоси сўз ҳамда сўзнинг грамматик шакллари бўлиб, уларнинг серқирра маъно нозикликларида жозибаторлик, эмоционаллик-экспрессив таъсирчанлик ва мантиқий тугалликда намоён бўлади. Муайян грамматик шакл, грамматик ҳамда луғавий маънога эга

⁶⁴ Жумаева Н.Э. Умумий ўрта таълимни инсонпарварлаштиришда ўқитиш тамойилларининг ўзаро алоқадорлиги: пед. фан. ном. дисс... автореферати.–Т., 2005.–22 б.; Неъматов Х., Неъматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-таянч таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар. –2003. – № 3-4.

⁶⁵ Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фан. намз... диссертацияси. – Т.: 1999. – 123 б.; Дўстмуродова О. Она тили таълими янги педагогик технологиясининг моҳияти. – Т.: РТМ, 2005. – 36 б.

сўзнинг ҳаёти ҳам, тақдири ва хизмати ҳам аслида туйғуга боғлиқдир. Сўзлар рухий, маънавий воқелик ифодасидирки, уларга таяниб, шахснинг табиати ва характери, диди, дунёқарашини англаш мумкин. Сўз ила маъно, сўз ва рух, сўз ва тафаккур, сўз ва маҳорат каби масалалар ҳақида жуда кўплаб мунозара-музокаралар олиб борилган. Дунё тилшунослигида сўз (белги) маъносини аниқлаш борасида жуда кўплаб қарашлар, фикрлар мавжуддир. Шулардан бири сифатида рус олими Л.М. Васильевни таъкидлашимиз мумкин. У ўзининг сўз (белги) маъносини аниқлашни икки гуруҳга ажратади: “1. Сўз (белги)нинг тасаввур, ҳис-ҳаяжон (эмоция), тафаккур каби психик жараёнларнинг инъикоси эканлигини исботлашга қаратилган илмий қарашлар. 2. Сўз (белги)нинг предметга (денотатив маъно), тушунчага (сигнификатив маъно), нутқий вазиятга (таянч маъно), қўлланилиш ҳолатига (стилистик маъно) ва тилнинг бошқа белгиларига (структурали маъно) нисбатан бўлган муносабатларини очиб бериш мақсадида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари”⁶⁶. Ҳақиқатан ҳам, инсон мулоқотга киришар экан, сўзнинг мана шу икки жиҳатини ҳам шахсий, ҳам ижтимоий эҳтиёж ўлароқ юзага чиқаришга табиий равишда интилади. Мактаб таълимида грамматика 6-9-синфларда тўрт йил давомида ўқитилар экан, асосий эътибор ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда мазкур эҳтиёжларни қондириш асносида сўзни грамматик шакл ҳамда воситалар билан яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиб, ўз ўрнида шароитга кўра мақсадга мувофиқ қўллаш кўникмаларини, яъни таянч лаёқат, қобилиятларини шакллантириш, такомиллаштиришга қаратилиши лозим.

3-синф Она тили дарслигининг 103-машқи: *Синфдошларим бирам яхши, бирам содда, бирам дилкаш. Қизлар ҳам, болалар ҳам – ҳаммаси мени яхши кўришади. Фақат битта бола бор. Суюн. Лақаби «Бургут». Ҳамма уни «Суюн бургут» дейди. Ўзиям жуда галати. Битта кўк қашқа оти бор... Мактабгаям ўша дулдулини ўйнатиб, хуржунига дўмбирасини солиб келади.*

⁶⁶ Қосимова Г.Х. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2007. –104 б.

Танаффус бўлди дегунча дўмбирасини чалиб, ҳаммани оззига қаратади, гоҳ кулдиради, гоҳ (лоф эмас, моможон) йиғлатади. (О. Ёқубов)⁶⁷.

Ўқувчиларга феъллар таянч ёндашув асосида таҳлил қилдирилади. Матндаги дастлабки феъл – учинчи гап кесими бўлиб келаётган “яхши кўришмоқ” сўз бирикмаси. Ўқувчилар дарсликдаги қоида ва ўқитувчининг тушунтиришидан келиб чиқиб, унинг ўтимли феъл эканлигини қийинчиликсиз аниқлайдилар. Ўқитувчи кесимни бошқа феълга алмаштириб, уни ўтимсиз феълга айлантириш топшириғини беради. У шундай ифодада бўлиши мумкин: *ҳаммаси менга яхши муносабатда бўлишади. Ўқитувчи шундай топшириқ беради: Кесимлари ўтимли ва ўтимсиз бўлган бу икки гапни солиштиринг. Улар ифодалаётган умумий ва фарқли маъноларни аниқланг. Ушбу нутқ вазиятига қайси ифода мос тушишини белгиланг ва фикрингизни исботланг.*


Муҳокамалардан шундай хулосаларга келинади: иккала жумлада адресантга нисбатан ижобий муносабат семаси бор – бу уларнинг умумий томони. Фарқли жиҳатларига келсак, кесими ўтимли феъл бўлган бадий асардаги *ҳаммаси мени яхши кўришади* жумласида синфдошларнинг илиқ муносабати ҳеч қандай расмий таомил, кўрсатмаларсиз табиий равишда юзага келганлиги ифодаланган. Лекин унга мазмуний муқобил қилиб шакллантирилган иккинчи *ҳаммаси менга яхши муносабатда бўлишади* жумласида умумийлик бор. Чунки яхши муносабатда бўлиш бадий матнда ифодаланган *яхши кўришади* каби кўнгилдан, табиий равишда бўлмаслиги, яъни жорий қилинган тартиб, маъмуриятнинг талаби ўлароқ риоя қилиниши мумкин. Ўтимли ёки ўтимсизликни юзага келтираётган феълларнинг биринчисида ҳам табиий илиқ туйғу, ҳам ижобий, иккинчисида жорийланиши аниқ бўлмаган ижобий муносабат ифодаланган. Демак, вазият ва муҳитга кўра бадий матндаги жумла (яъни ундаги ўтимли-ўтимсизликка кўра феъл шакли) мақсадга мувофиқ қўлланилган.

⁶⁷ Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.; Жумабоев М. Ўқувчилар адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 264 б.

Матндаги охирги гап ўтимлилик ва ўтимсизлик тушунчасини очиб бериш учун яхши бир мисолдир. Бунда ҳам юқоридаги каби ўтимли феълларни ўтимсизга айлантириб, жумла тузиш топшириғи берилади. Тажриба-синов ишлари мобайнида ўқувчилар бу топшириқни қийинчиликсиз бажаришларига гувоҳ бўлди: *Танаффус бўлди дегунча дўмбирасини чалганда, ҳамма унинг оғзига қарайди, гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди.* Таҳлил ва ундан келиб чиқадиган натижа: Одил Ёқубовнинг асаридан олинган ўтимли феъл қўлланган жумлада Суюн бургутнинг дўмбира чалиши натижасида муайян ҳаракат, ҳолат бошқаларга ўтаяпти. Бу ерда таъсир омили – Суюн бургутнинг дўмбира чалиши. Муаллифнинг таъкиди ҳам, эътибор тортаётгани ҳам шунга. Кейинги ўзгартирилган ўтимсиз феълли гапда ҳаракат ва ҳолат Суюн бургутдан ҳаммага эмас, ҳаммадан Суюн бургутга йўналиши юзага чиқмоқда. Лекин матндаги нутқдан кўзланган вазият, ҳолат биринчи жумлада эди – таянч мувофиқлик ҳам унда. Амалиётда бу қиёсий таҳлил “Венн диаграммаси” орқали амалга оширилса, самараси юқори бўлиши кўрилди.

Маълумки, “Венн диаграммаси” ўрганилаётган объектдаги фарқли ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши кўйиш учун қўлланилади. Ўқувчиларда тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқувчилар: 1) кичик гурҳларда “Венн диаграммаси”ни тузадилар ва кесишмайдиган жойларида жумлаларда ифодаланган ўзига хос томонларни ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар; 2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар; 3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доиралар учун умумий бўлган фикрлар ёзилади; 4) иш натижалари тақдимот қилинади (2.2.1-расм):

“ВЕНН диаграммаси”ни тўлдириш



Шу каби вазифаларни уйга топшириқ қилиб бериш мумкин. Бунда фақат она тили дарслигидаги машқлардан кўра адабиёт дарслигидаги матнлар ёки мустақил ўқиш учун тавсия этилган бадиий асарлар (вақтли матбуот)дан олинган парчалар устида ишлаш каби *интеграцион ёндашувга* ҳам эътибор бериш керак. Уларнинг бири маиший ҳаёт (оила, кўчада, меҳмонда бўлиш) билан боғлиқ ўтимли, ўтимсиз феъллар иштирок этган матнларни мустақил тузиш ва изоҳлаш тарзида бўлиши мақсадга мувофиқ. В.Н.Максимова ўз ишида фанлараро алоқаларнинг бир неча тавсифини таклиф қилади ⁶⁸.

Дастурга кўра 3-синфда феъл учун салмоқли соатлар ажратилган. Ўқитувчининг вазифаси ҳар бир феъл шаклига хос бўлган маъно нозикликларини ўқувчиларга сингдириш, бу шаклларни оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятида амалий қўллаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун мавзуларни ўтишда ва ўтиб бўлингач, шу синф адабиёт дарсларида дастур бўйича асарлар ўрганилар экан, таҳлил давомида нисбат шакллари таянч нуқтаи назардан қанчалик жўяли қўлланганини шарҳлаб кетиш ўринли.

⁶⁸ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

3-синфда она тили фанидан “Феъл” мавзуси ўтилади. Дарсликда берилган матнда “Қоплон” сатирасининг охириги жумлалари бу борада эътиборга молик: *“Тиллаев ҳассага таяниб кўчага айлангани чиқди. Бир маҳал қараса, кўчанинг нариги бетида Қурбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чақирса, ит қарадию, Қурбонбой қарамади. Ўша куни янги директор ўглининг туғилган кунига ўтириши қилиб бераётган экан. Тиллаевга машина юборибди. Эр-хотин боришди. Дарвозадан кириши билан йўлакда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди.*

– Бизнинг ит қалай? – деди янги директор.

– Мен бу итни танийман, – деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнани туфлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди” ⁶⁹. Бу парчадаги ҳамма феъллар нисбат шакллари таҳлилга тортилмайди, балки таянч жиҳатдан ёзувчининг бадиий ниятини бўрттириб кўрсатган ўринларга диққат қилинади. Бизнингча, улар қуйидагилар: 1. *Чақирса, ит қарадию, Қурбонбой қарамади.* 2. *Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди.* 3. *Мен бу итни танийман.*

Мақсадни юзага чиқариш учун амалиётда (тажриба-синов) давомида яхши самара берган *“Грамматик шакл сўзлаганда”* усулини таклиф этамиз. Бунда сўз қайси грамматик шаклга кўра ёндашилса, унинг моҳияти ва номланишидан келиб чиқилади. Масалан, нисбатларга кўра ёндашилса, ушбу жумлалар шундай таҳлил қилинади: *“қаради”, “қарамади”* – аниқ нисбатда. Одатда, аниқ нисбатдаги феъл бажарувчиси ва ижроси аниқ бўлган ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди – номланиши ҳам шундан. Биринчи гапдаги бўлишли ва бўлишсиз шакллардаги бир феъл икки образнинг характер хусусиятини аниқ очиб берган. Ит танигани аниқ, шунинг учун қаради. Қурбонбой ҳам танигани аниқ, шунинг учун қарамади. Яна “аниқ”лик семалари давом этади: итнинг Тиллаев олдида юзи шувут бўладиган иши ҳам, онги ҳам йўқлиги

⁶⁹ Жўраев Н. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўйин ва ўқиш мотивларини ўрганиш // Педагогик таълим. – Т., 2008. – №4. – Б.13-14.

аниқ, шунинг учун қарай олади. Қурбонбойнинг собиқ раҳбари олдида юзи шувут экани аниқ – қарай олмайди.

Биз ажратиб олган иккинчи жумла (*Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди*) итнинг ҳолатига дахлдор. Гапдаги *ликиллатиб* орттирма нисбатда. Ўқувчилар унинг “бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакли”⁷⁰ эканлигини билладилар. Бу ўринда бажарувчи итнинг ички бир ҳолати, кайфияти, ана шу кайфият (эски эгасини кўргандаги қувончи) таъсири остида бошқа нарса – думи ҳаракатга келади. Бошқача қилиб айтганда, итдаги кайфият ундаги думга ликиллаш ҳаракатини ортади (юклайди). Кейинги “*эркаланди*” феъли ўзлик нисбатда. Думни ликиллатиш орқали ифодаланган қувонч итда олдинги эгасига нисбатан ўзида эркаланишни кўрсатиш орқали намоён бўлган. Мазкур феъллар орқали ҳам грамматик шаклларнинг “сўзлаши” кузатилмоқда. Ажратилган учинчи “*Мен бу итни танийман*” гапида ҳам шу каби грамматик шаклларнинг ишораси бўртиб туради. Ундаги “*танийман*” феъли аниқ нисбатда. Аниқ нисбатдаги феъл воситасида нималар аниқ бўлаяпти? Биринчидан, Тиллаевнинг таниши икки объектга – итга ва Қурбонбойга қаратилгани аниқ; иккинчидан, Қоплонда вафо, Қурбонбойда жафо мужассам экани аниқ; учинчидан, Қоплон ит бўлса ҳам Қурбонбойдан афзал, Қурбонбой эса одам бўла туриб итдан тубанлиги аниқ. Муаллифнинг сўз ва сўз шаклларини нақадар тўғри, ўринли қўлагани, унинг қаҳрамони Тиллаев собиқ раҳбар сифатида “ўз мавқеига хос бўлган ижтимоий доира чегарасида”⁷¹ топиб сўзлагани таҳлил давомида юзага чиқарилиши лозим. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, савол ва топшириқлар ифодаси тушунарли, ижроси имконият чегарасида бўлиши муҳимдир.

⁷⁰ Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йигини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.; Миркосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Монография. – Т.: Фан, 2006. – 112 б.

⁷¹ Неъматов Х., Неъматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-таянч таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар. – 2003. – № 3-4.

Ўқувчилар билан савол-жавоб асносида олиб борилаётган машғулотда асар таҳлилида айрим сўзларга ҳам эътибор қаратиш аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, муаллиф асарда Қурбонбой Қоплон учун уй қуриши, Тиллаев эса Қурбонбойнинг етти йилдан буён битказга олмаётган уйини битказиб бериш воқеаларини аниқ тасвирлаб берган. Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларнинг таянч компетенциясини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларга қуйидагича саволлар бериши мумкин:

- 1) Асарда Қурбонбой нима учун Қоплонга уй қуриб берди?
- 2) Тиллаев нима мақсадда Қурбонбойнинг уйини битказиб берди?

Мазкур саволларга, табиийки, ўқувчиларнинг турлича жавоблар бериши кузатилади. Ўқитувчи уларда қуйидагича фикрларни шакллантириши керак бўлади, яъни Қурбонбойнинг мақсади Тиллаевнинг кўнгил “уйини” ишончини кўлга киритиш. Тиллаевда эса ҳеч қандай мақсад йўқ эди, балки Қурбонбойга беминнат, холис ёрдам бериш бор эди, холос. Қурбонбой асар сўнгида Тиллаевнинг кўнгил уйини барбод қилади. Қурбонбой ит (хайвон) учун уй қурса, Тиллаев эса итлик қилган Қурбонбойга уй қуриб беради. Натижада Қурбонбой Тиллаевнинг кўнгил уйини синдиради. Ўқувчиларнинг эътиборини “уй” семаси орқали ҳам муаллифнинг таянч мақсадини тушуниш кераклиги уқтирилади. Қолаверса, асар қаҳрамонларининг исмларида ҳам ижодкорнинг ўқувчи (китобхон)га айтмоқчи бўлган тушунчаси мавжудлигини сезишга ўргатиш даркор. Асарда Тиллаев фамилияси “тилла” сўзининг ўз маъносида олтин, қимматбаҳо металл маъноси шу образда мавжудлигини очиб бериш учун хизмат қилган. Қурбонбой исмида эса ўз мақсади йўлида барчани қурбон қилишга тайёр бўлган худбин инсон қиёфасини сингдириш мақсадида мазкур сўзни Қурбонбой учун исм қилиб танлагани ўқувчиларга тушунтирилади. Муаллиф бошқа исм танлаши ҳам мумкин эди, унинг мақсади асар қаҳрамонларининг исмлари орқали ҳам ўқувчиларга ўзининг айтмоқчи бўлган фикрини тўлақонли етказишга

интилган. Мана шундай таҳлил ва тушунишлар натижасида ўқувчиларнинг таянч компетенцияси ривожланиши кузатилади.

Бадиий асарлардаги нисбат шакллари таҳлили юқори синфларда ҳам давом эттирилиши натижасида ўқувчиларнинг таянч компетенциялари ривожлантирилишига эришилади. 7-синф адабиёт дарслигида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси берилган. Ноинсоф амалдорларнинг типик вакили бўлган амин олдига ҳўкизини топишга нажот сўраб келган Қобил бобо устидан кулар экан, орада шу гапни қистиради: *“Биров олиб кетса, қайтиб келабер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!”*

Таҳлилни “Зинама-зина” усулига монанд саволлар кетма-кетлигида жавоб олиш, қўйилган муаммо ёки топшириқларни бирин-кетин бажариш орқали амалга ошириб, нисбат шаклини қўллашдан кўзланган мақсад, унинг нечоғлик амалга ошганлиги ва, ниҳоят, ёзувчининг поэтик маҳорати очилиши кузатилади. Қуйидаги саволлар берилиши мумкин:

1. Олинган парчадаги феълларнинг қайси нисбатдалигини аниқланг.
2. Мажхул нисбатидаги феъллар асосан қайси (нечанчи) шахсга нисбатан қўлланади? Мисоллар билан тушунтиринг.
3. Нима учун амин иккинчи шахс – Қобил бобога қарата сўзлаб туриб, феълни мажхул нисбатда қўллаган?
4. Аслида бу гапларнинг одатий ҳолатда қандай қўлланилишини айтинг.
5. Бу баён орқали сўзловчи (амин) тингловчига (Қобил бобога) муносабатини очиқ ифодаламаётганининг сабабини қандай изоҳлайсиз?
6. Ёзувчи шу бир нисбат шакли орқали қандай мақсадни кўзлаганини ўйлаб кўринг.

Ўқувчилар биринчи топшириқни бажаришга қийналмайдилар: қўшимчалар орқали *“деб қўйилмаган”*, *“йиғланади”*, *“йиғланмасин”* каби феълларнинг мажхул нисбатдалигини осон топадилар. Мажхул нисбатдаги

фeъллар нутқда, асосан, учинчи шахс учун қўлланишини мисоллар билан изоҳлаб берадилар. Учинчи саволга ўқитувчи кўзлаган жавоб чиқиши қийин, бунинг учун ўқувчиларга қўшимча йўналтирувчи саволлар бериши ёки ўзи тушунтириб бериши лозим: амин оддий халққа нисбатан эгаллаган мансабдан келиб чиқиб ўзини улардан устун билади, оддий камбағал одамни ёши катта бўлгани учун сенсирашга тили бормайди, сизлашни эса хоҳламайди. Тўртинчи топшириқ кейинги савол жавоби учун йўл очади: одатда бу маъно *“Биров олиб кетса, қайтиб келабер, деб қўймаган экансиз-да (экансан-да)! Нега йиғлайсиз (йиғлайсан)? А? Йиғламанг (Йиғлама)!”* тарзида бўлади. Бешинчи саволнинг жавобига ҳам ўқитувчи ёрдами керак бўлиши мумкин – амин муомалада ўрта йўлни тутати: сизлаш ва сенсирашдан холи бўлган тилимиздаги мажхул нисбатни қўллайди ва мақсадга эришади: миллий таомилимизга зид бориб ўзидан каттани сенсирамайди ва айна пайтда мансабини пеш қилган ҳолда “қора халқ” вакилини сизламайди. Кўринадики, амин бу ўринда ўзи хоҳлаган шаклда муомаланинг ижтимоий маркерини яратган. Охирги топшириқ умумий муҳокама орқали бажартирилади: Абдулла Қаҳҳор мажхул нисбат имкониятидан келиб чиқиб, аминнинг характериға хос бўлган манманлик, одамлардан ўзини устун қўйиш иллатини, айна пайтда вазиятдан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсатишга эришган.

Фeълнинг вазифа шакллари она тилини ўқитишдаги мураккаб мавзулардан саналади. Улар фeъл мавзуси ўтилгунга қадар тизимли ўрганилмаган бошқа сўз туркумларига хосланган шакллар бўлгани боис ўзлаштириш қийин кечади. Бу ўз-ўзидан мазкур шаклларга оид мавзулар бўйича ўқувчиларда таянч компетенцияни шакллантиришда ҳам маълум даражада муаммолар туғдириши табиий. Шу сабабли она тили ўқитувчиси фeълнинг вазифа шакллариға алоқадор компетенцияларни шакллантиришда қуйидаги дидактик ишлар тизимини амалга оширмоғи лозим: 1. Фeълга хосланадиган бошқа сўз туркумлари (от, сифат, равиш) тўғрисида

5-синфдаги такрорлаш характерида бўлган мавзуларни, уларда ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш; 2. Ҳар бир феълнинг хосланган шакли юзасидан назарий маълумотларни қиёсий аспектда пухта ўзлаштириш; 3. Хосланган шакллар бўйича ўқувчиларда грамматик таҳлил кўникмаларини мукамал даражада шакллантириш; 4. Феълнинг вазифа шакллари юзасидан нутқий, лингвистик, креатив ва бошқа компетенцияларни ўзида жамулжам қилган таянч компетенцияни юқорида саналган ишларни амалга ошириш жараёнида босқичма-босқич шакллантириш ва такомиллаштириш.

Амалда бўлиб турган дарсликка кўра феълнинг вазифа шаклларини ўрганиш ҳаракат номи мавзуси билан бошланади⁷². Мавзуни таянч ўзлаштириш, илгари ҳам айтилганидек, атамани шарҳлаш билан, яъни нима учун бу шакл айнан “Ҳаракат номи” деб аталишини изоҳлаш билан бошланиши мақсадга мувофиқ. Атаманинг ўзи икки қисмдан: “ҳаракат” ва “ном”дан иборат. Ўқувчилар диққатини тортиш керак бўлган жиҳат шуки, *югуриш, фикрламоқ, эшитув, сакраш, ухламоқ* каби сўзлар ҳаракат ва ҳолат маъносини беради, шунга кўра улар феъл. Аммо билмоқлари керакки, бу шаклдаги феъллар ҳаракатнинг бажарувчисини, замонини, жараёнини кўрсатмайди, балки фақат ҳаракат ёки ҳолатнинг номинигина билдиради. Ном билдиришига кўра от сўз туркумига яқинлашади. Демак, ҳаракат номи феълнинг отга ўхшаб қолган шаклидир. Унинг номланишида шу икки жиҳат: *ҳаракат (ҳолат)ни* ҳамда *номни* билдириши орқали ўз ифодасини топган. Қайси жиҳатдан у отга яқинлашган? Дарсликнинг 55-бетида тегишли қоида мисоллари билан берилган: *Ҳаракат номи отлар каби эгалик, келишик ва кўплик қўшимчаларини олади ва гапда улар бажарадиган гап бўлаклари вазифасида келади. Масалан: Чиройли ёзишни ўрган! Ёзувинг ёмон эмас.*

Амалиётда кўрилдики, бу шаклда қоида ёдлатиш билан моҳиятни эслаб қолиш, уни англаш кўнгилдагидек кечмайди. Шунинг учун биз тажриба-

⁷² Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.; Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumtaʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Т.: Tasvir, 2005. – 178 б.

синов давомида самара берган “Қоидани қисмларга бўл” усулини қўллашни тавсия этамиз. Усулнинг мазмуни оддий: ўқувчилар ўқиган қоидаларида нечта аҳамиятли фикр кўраётганларига қараб қисмларга бўладилар. Ҳаракат номи таърифни тўрт қисмга бўлиш мумкин: отлар каби: 1) эгалик қўшимчасини олади; 2) келишиқ қўшимчасини олади; 3) кўплик қўшимчасини олади ва 4) гапда отга хос вазифани бажаради. Қисмларга бўлиб олгач, ўқувчилар уларни жадвалга солиб, мисоллар билан асослайдилар (2.2.1-жадвал):

Отга хос хусусиятлари	Мисоллар
<p>Ҳаракат номи отга хос вазифани бажаради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • эгалик қўшимчасини олади; • келишиқ қўшимчасини олади; • кўплик қўшимчасини олади. 	<p>юриши равон эшитувга келди ўқишлари яхши Кечириш – фазилат (эга). Мақсадим – ўқиш (кесим). Билишнинг фойдаси кўп (аниқловчи). Ёзишни бил (тўлд.)</p>

Дарслиқдаги 142-машқда гапларни кўчириб, ҳаракат номи ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизиш топшириғи берилган. Қуйидаги гаплар берилган:

Бошида ташвиши бўлишига қарамай, болани эркалашга, тарбиялашга вақт топди. (Ойбек) 2. Халқнинг ўзинга хайрихоҳ бўлишини истасанг, аввал ўзинг халққа хайрихоҳ бўл. (Фитрат) 3. Бирор халқнинг ахлоқини билмоқ учун унинг адабиёти билан таниш. (Ғафур Ғулом) 4. Қўзибой ишга аралашувини ҳам, чиқиб кетишини ҳам билмай қолди.

Машқнинг шартини бажариш билан ўқувчилар ундаги расмий топшириқларни бажарадилар. Бу топшириқлар улардан ақлий зўриқиш, изланиш талаб қилмайди, дарслиқда сўралгани учун ёзиб кўядилар. Тил таълимига грамматизм асосида ёндашиш қусуридан ўқитувчи халос бўлиши шарт. Ҳаракат номи мавзусидан келиб чиқсак, машқларга уч қўшимчанинг, яъни -(и)ш, -(у)в, -моқ шаклларининг қўлланиш ўринлари, уларнинг услубий ўзига хослигини ўқувчиларга сингдирадиган топшириқларни келтириш жоиз.

Масалан, шундай топшириқ қўйиш мумкин: 1.Харакат номи иштирок этган феълни топинг, унда қайси қўшимча иштирок этганига диққат қилинг. 2.Мазкур қўшимчани ҳаракат номининг бошқа қўшимчаларига алмаштириб қўллаб кўринг. Қайси қўшимчалар бир-бири билан алмаша олаяпти? Қўшимчаларнинг қайсиларини алмаштириб қўллаш мумкин бўлмаяпти? Нима учун? 3.Қўшимчаларнинг алмашиниши билан фикр ифодасида ўзгариш сезиляптими?

Бу саволларга жавоб излаш учун ўқувчилар мавзу юзасидан яхшигина тайёргарлик кўришлари керак бўлади. Айни пайтда бу уларга қизиқарли ва завқли бўлиши табиий. Муҳокамаларда *-(u)ш* қўшимчаси барча нутк услубларида қўллана олиши, яъни ўз каторидаги бошқа шаклларга эркин алмаша олиш имкониятининг юқорилиги; *-моқ* эса бадий услубга хослиги - *(y)в* қўшимчасидан бошқаларига алмашиниш имкониятининг чекланганлиги, тилимиздаги айрим сўзлардагина қўлланиши каби тафсилотлар юзага чиқиши лозим. Кўринадики, *ҳаракат номи шакллари услубий хосланганлиги бўйича фарқланади*. Ўқувчиларга айнан шу жиҳат сингдирилиш натижасида ўқувчиларда тил интуицияси ошади, бу эса таянч компетенцияни шакллантиришнинг омили саналади. Шунинг учун она тили ўқитувчисига уни мустаҳкамлаш учун ўзи алоҳида машқ тузиш тавсия этилади. Чунки дарслик машқлари таркибида сифат ва сифатдошнинг таянч ўзига хослигини яққол кўрсатиб берадиган мазкур қоида учун ҳеч қандай топшириқ берилмаган. Ҳолбуки, тил сезгисини ошириш мақсадида алоҳида машқ берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасига кирамиз. Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин, барибир, бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди, бадий матнларда эса тил ҳамиша айни шу

алоҳида вазифаси билан иштирок этади”⁷³. Шундай экан, ўқитувчи ўз ўқувчилари билан ҳар қандай жумла ёки матн таҳлилини олиб борар экан, албатта, таҳлил орқали уларнинг оғзаки, ёзма нутқий таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратиши керак. Бунинг натижасида ўқувчилар оғзаки/ёзма нутқий жараёнларда ҳар бир грамматик шаклларни ўринли ва мақсадли қўллай олиш кўникмалари шаклланади ҳамда уларда таянч компетенциялари ривожлантирилади.

Дарсликда феълларнинг ясалиши мавзу қонидасидан сўнг 188-машқ берилган. Машқ шарти ўқувчиларни мавзу юзасидан ўйлантиради, улардан зийракликни талаб этади. Машқнинг шарти қуйидагича: *“Гапларни кўчиринг, нуқталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўйиб, феъллар ҳосил қилинг ва уларнинг ясалишини изоҳланг”*⁷⁴. Мавзунинг тушунилиши учун мазкур шартлар жуда ҳам аҳамиятлидир. Бироқ ушбу машқнинг 1-жумласида қуйидаги ҳолат эътиборимизни тортади: *“1. Одобли ва адолатли инсон қўлидаги қалам бахт-саодат учун хизмат қилиб юрган одамларни завқ...(-ла, -ир, -лан) тиради, бир-бирига яқин...(-са, -лаш, -ман) тириб, дўстликни мустаҳкам...(-сира, -ла, -й)ди”*⁷⁵. Мазкур гапнинг охирида ясалаётган ясама феълга эътибор берсак, *“мустаҳкам+ла-ди”* феъли ясалиши ва ўтган замон феълнинг шакли қўшилиши кузатилади. Бироқ гапнинг юқори қисмидаги *“завқ+лан-тиради”* ясама феъли келаси замон шаклини олган ҳолда ифодаланган. Агар биз гапнинг сўнгидаги *“мустаҳкам+ла-ди”* феълни шу замонда ўқисак, гапнинг мазмунига путур етади ва, албатта, ғализлик юзага келади. Ушбу феълни келаси замон шакли *“мустаҳкам...(-сира, -ла, -й) ди” – мустаҳкамлайди* – тарзида ўқисак машқнинг шарти нотўғри бажарилади. Ўқувчиларга машқ шарида феъл ясовчи шакллардан

⁷³ Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. –Т.:2008.–161 б.

⁷⁴ Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.; Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений – Ростов н/Д : Феникс, 1998. – 544 с.

⁷⁵ Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.; Пидкасистый П.И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении. – М. Педагогика, 1991. – 204 с.

бирини кўйиш кераклиги уқтирилган, лекин шу ўринда келаси замон шакли тушиб қолгани учун *-й* замон шаклини кўшиб ўқиймиз дея тушунтириш ўқитувчи зиммасида қолмоқда. Синчков ўқитувчи мазкур ҳолатга, албатта, аҳамият беради, бунинг акси кузатилса, ўқувчиларда бу ўринда иккита феъл ясовчи кўшимча кўшилар экан, деган тушунча сингиб қолади.

Дарсликда феъл ясалиши мавзусида ўқувчи 9 хил кўшимча: (*-ла, -а, -й (-ай), -и, -сира, -са, -р(-ар), -илла, -ира*) кабилар билан танишган бўлса, мазкур мавзунинг 190-машқ шартида: *-и, -й, -илла, -ла, -лан, -лаш, -сира* каби кўшимчалар ёрдамида феъллар ясалиши топшириғи берилган. Эътибор берилса, феъл ясалиши юзасидан қоидада келтирилмаган икки хил шакл (*-лан, -лаш*) лари ҳам берилган. Ўқувчилар машқни бажариш асносида янги феъл ясовчи шакллар билан танишадилар. 191-машқда эса феъл ясовчиларни топиш топшириқ қилиб берилган ва машқ таркибида (*Гапирганда овози худди ичидан чиққандай гулдираб, жаранглаб эшитилади*) жумласи берилган. Гап таркибида ўқувчилар учун яна бир янги кўшимча (*-ур*) берилдики, уни танитиш, тушунтириш ўқитувчи зиммасида қолади. Ўқитувчи ўқувчилар билан машқларни бажариши билан таърифда келтирилмаган феъл ясовчи кўшимчаларни ҳам тушунтириб боради. Бу билан эса ўқувчиларнинг мавзу юзасидан билимлари мустақамланиши таъминланади ва таянч компетенциялари ривожлантирилади.

Шунинг учун ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билимлар муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлиши керак. Амалиётда татбиқ этилиши мумкин бўлмаган, яъни кундалик мустақил ижодий татбиқ билан боғланмаган билимлар ўқувчи хотирасида ортиқча юк бўлиб, тезда изсиз йўқолади ⁷⁶.

Маълумки, XXI аср – ахборот асри. Бу асрда фаол ҳаёт кечираётган шахс учун зарур билимларнинг барчасини эгаллаш имконияти чеклангандир. Бунинг учун эса ҳар бир ўқувчи ахборот банкларини билиши ва улар билан

⁷⁶ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

ишлаш кўникмасини эгаллаши лозим. Бунда, хусусан, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш, унга, унинг онгига ижодийлик уруғларини сепиш ва ундириш учун Ян Коменскийнинг муаллимлар камроқ гапириб, ўқувчилар кўпроқ билим олиш йўлларини излашлари зарурлиги ҳақидаги фикри ҳозирги кунда худди XVII асрдэгидек долзарбдир. Шунинг учун нафақат қандай ва қанақа билимларни таълим олувчига етказиш, балки билимни ўқувчи қандай ҳосил қилиши – ўқитувчини тинглабми, мустақил ўқибми ёки дарс давомида ва ундан ташқарида ўқитувчи раҳбарлигидаги тизимли мустақил фаолиятми, кузатиш, изланиш, топиш, қиёслаш, умумлаштириш ва ҳ.к. асосидами – катта аҳамият касб этади ва таълим усули, малака ва кўникма ҳосил қилиш йўллари муаммоси билан боғланиб кетади. Таълим усули кўникма ва малака ҳосил қилиш йўллари муаммоси билан уйғунлашади. Биз қуйида таълим усуллариининг таълим мақсади билан мутаносиблиги устида фикр юритамиз.

Кўникма ва малакалар шахснинг жамиятда тутган ўрнини белгилайди. Шунинг учун ўқитиш тизимида таълим мазмунини белгилашда давлат ва жамиятнинг таълим тизими ҳамда шахс олдига қўяётган талаблари, яъни ижтимоий буюртма ўз аксини топиши лозим.

Билим ўқувчи учун жамиятнинг маълум тараққиёт босқичида зарурий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш учун муҳимдир. Ўқувчида ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар ўқув-билув жараёнининг натижаси сифатида намоён бўлиши лозим. Таълим мазмуни ўқувчида ижтимоий жиҳатдан ҳосил бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш воситасидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида таълим олувчида таълимнинг ҳар бир босқичида ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар, ҳосил қилиниши керак бўлган кўникма ва малакаларни ижтимоий заруратдан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлайди. Билимлар билиш фаолиятининг охирги маҳсули эмас, балки ҳар қандай билим таълим олувчи шахсини жамият белгилаган ижтимоий зарурат талаблари асосида ғайратга ундаган

тақдирдагина қимматлидир. Таълим мазмуни таълим олувчида ҳосил қилиниши зарур бўлган кўникма ва малакалар билан боғлиқ бўлганлиги, бу масала дидактикада турлича талқин этилиши сабабли дастлаб мана шу икки тушунча устида тўхталамиз:

Кўникма – инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти. Кўникмалар амалий фаолиятга, билимларни амалда қўллай билишга оид билимларнинг таркибий қисмидир. Кўникма фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усуллари деб белгиланади. М.Маҳмудов, Б.Адизов, С.Оғаев, О.Розиқовлар эса жуфт сўз кўникма-малака атамасидан фойдаланадилар. Атамада таркибий қисмларнинг жойлашиш тартибидан кўриниб турибдики, олимлар кўникмани қуйи босқич, малакани эса юқори босқич сифатида қабул қилишга мойилдир ва бундай қараш дидактика учун умумий ва характердаги ёндашувдир⁷⁷.

Шахсда жамиятда маълум бир ўрин тутиш учун зарур бўлган малака ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш воситаси ва булар эса, кўриб ўтганимиздек, билимни қай усулда ўқувчида ҳосил қилиш билан узвий боғлиқдир.

Малака - муайян касб, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. Одатда бирон иш жараёнида ҳаракатлар англанилган ва англанилмаган тарзда амалга оширилади. Малака автоматлашган ҳаракат ифодасидир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кўникма сўзи маҳорат, малака сўзлари билан; малака сўзи эса маҳорат сўзи билан синоним тарзида берилади. Фикримиз далилини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида А.Ҳожиев томонидан тузилган «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»ни кўздан кечирамиз. Луғатда «кўникмоқ», «кўникма» сўзларининг маънодошлари сифатида *одат ҳосил қилмоқ, одатланмоқ, ўрганмоқ* сўзлари келтирилади.

⁷⁷ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

Ўқувчида ўқув-билув жараёнида ҳосил қилинган кўникма ва малакалар кўпроқ даражада онгли, пухта, натижаларнинг ишончли бўлиши, ўзгариб турадиган шароитлардаги ҳаракатларни бажара олиши билан характерланади. Кўникма ва малакаларни таркиб топтириш ўқув-билув жараёнида ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилади.

Педагогик адабиётларда таъкидланганидек, ўқув топшириқлари – ақлий ёки амалий ишни эгаллаш ёки унинг сифатини ошириш мақсадида ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган билимларни унинг реал билиш имкониятларига мослаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда давлат ва жамият билимли шахсни эмас, балки билимларидан жамият талабларига мос фойдаланувчи, бундай одат унинг табиатига айланган, яъни тарбияланган, маданиятли, маънавиятли шахсни етиштириб чиқаришни мактаб таълими олдига мақсад қилиб қўйган. Демак, фикр нафақат кўникма ва малака тизими, балки **билим - кўникма – малака-ўқувчи эгаллаган шахсий сифатлар** узвий тизими ҳақида бориши керак. Сўнгги босқичга кўтарилган, яъни шахсий сифатларга эга бўлган ўқувчигина мужассам ривожланган шахс ҳисобланади.

Ўқувчи эгаллаган билимларини ижтимоий шароитга мос тарзда маънавий-ахлоқий меъёрларга мувофиқ амалга татбиқ этиши лозим. Ўзлаштирган билимларини амалиётга тўла татбиқ эта оладиган ўқувчигина муайян кўникма, малака ҳамда шахсий сифатларни эгаллаган ҳисобланади. Бу эса таълим олувчида ижодийлик табиатини шакллантириш, билимни ёдламаслиги, балки уни чуқур алоқадорликларда ҳосил қилиш, яъни таълим усули, таълим методлари билан узвий боғлиқдир.

Педагогикага оид манбаларда кўп марта таҳлил этилган таълим усули масаласи ҳам таълим мазмуни каби қадимийдир⁷⁸. Чунончи, И.Я.Лернер ўқувчиларда ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш масаласига бағишланган тадқиқотида: «Билим эгаллаш тафаккурни ривожлантирадими?»

⁷⁸ Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. –Т.:2008. –161 б.; Педагогический энциклопедический словарь. –М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. -331с.

(«Развивается ли мышление усвоением знаний?»)⁷⁹ деган муаммони кўяди ва бу саволга «йўк» деб жавоб беради. Билимлар тизимида ўзаро алоқадорлик – боғланиш, таққослаш, сабаб-натижа муносабатлари бўлмаса, у ўқувчи шахси тафаккурини ривожлантира олмайди. Ўқувчиларга билимларни тақдим этиш, шу асосида муайян кўникма, малакалар ҳосил қилишнинг хилма-хил восита, йўл ва усуллари мавжуд.

Усул – фаолиятни амалга ошириш йўли бўлиб, у кўзланган мақсадга эришишга олиб боради, яъни мақсаднинг натижага айланиши усул орқали амалга оширилади. Усул инсоннинг билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат. Усул аслида инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келади. Инсон амалий харакатининг усуллари англоланувчи моддий омилга айлангач, бу усуллар тафаккур манбалари шаклига эга бўлади. Фаолият усулларининг асосий мазмунини, аввало, амалиётда синалган ходисалар, масалан, тадқиқот, билиш йўли, назария, таълимотлар ташкил этади. Фаолият усуллари орқали амалга оширилган мақсад кейинги мақсадни ёки бош мақсадни яратувчи ёхуд амалиёт мазмунининг изчиллигини белгиловчи усуллар вазифасини бажаради.

Фаолият усуллари қанчалик тўғри бўлса, кўзланган натижага шунчалик аниқлик билан эришиш мумкин. Бугунги кунга қадар инсоният томонидан фаолият усулларининг бой хазинаси тўпланган. Аммо илм-фан, техниканинг тўхтовсиз ривожланиб, мураккаблашиб бориши, янги имкониятларнинг вужудга келиши уларни ҳал этиш усулларини муттасил такомиллаштиришни талаб этади. Булар, албатта, таълим жараёнига ҳам бевосита алоқадордир⁸⁰.

Ўқувчи ўзлаштириши ва унда ҳосил бўлиши зарур бўлган билим, кўникма, малака, ўқувчи эгаллаган шахсий сифатлар турли таълим усуллари воситасида ҳосил қилинади. Таълим усуллари – ўқувчиларга таълим бериш, уларда муайян билимлар асосида кўникма, малака ҳосил қилиш йўли. Ўқув-

⁷⁹ Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси -Т., Ўқитувчи, 1997.- 188 б.

⁸⁰ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

билув жараёнида таълим бериш усуллариининг тўғри танланганлиги таълимнинг ўқитиш, ривожлантириш, тарбиялаш вазифаларининг аниқ амалга оширилиши билан характерланади.

Таълим усуллариининг тўғри танланиши эса ўқув-билув жараёнининг умумий ва аниқ мақсадига боғлиқдир. Таълим бериш жараёнида амалга оширилиши кўзда тутилган мақсаднинг аниқлиги ва ўз давридаги муносабатларга ҳамоҳанглиги таълим мазмунининг жамият ижтимоий талабларига мувофиқ ҳолда белгиланишини таъминлайди. Таълим мазмунидаги бундай мувофиқлик таълим усуллариини тўғри танлаш имконини яратади ҳамда ўқувчи-ўқитувчи иштирокидаги бир бутун жараённи вужудга келтиради.

Таълим усуллари илмий бўлиши, ўқувчига таълим беришдан кўзда тутилган асосий мақсадга эришилиши, шахс ривожланишининг психологик-педагогик имкониятларига мувофиқ келиши, оммабоп бўлиши, ўқув материалини изчил эгаллашга қаратилиши ва педагогика фани ютуқлари асосида янгиланиб, такомиллашиб бориши зарурдир. Барча ўқув предметлари учун умумий ҳисобланган ташқи қиёслаш, моддий ҳодисаларни таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мавҳумликдан аниқликка қараб бориш каби усулларнинг ҳар биридан турлича фойдаланилади. Ҳозирги вақтда ривожланган кўпгина фанлар, одатда, воқеликнинг бирор қиррасини шунчаки акс эттириб қолмасдан, балки муайян мақсадга мувофиқ равишда шу воқеликни ифодалайди. Бу ҳол билиш, айниқса, ўқитиш усуллариини янада такомиллашишига хизмат қилади.

Таълим усули таълим мазмунининг намоён бўлиш шакли бўлганлиги сабабли педагогикага оид адабиётларда, таълим мазмуни ҳақидаги назарий ёндашувларда, маълум бир мавзунини ўқув-билув жараёнида ўргатишда, методик ишланма ва тавсияларда ҳам кенг муҳокама этилади. Маълумки, дидактик жараён ўқувчига билим бериш, уни ижодий фаолиятга йўллаш, унда муайян кўникма ва малака ҳосил қилиш, ҳар бир ишда мустақиллик, тадбиркорлик ҳамда ижодий ёндашишни ўргатиш, хилма-хил йўл, усул

хамда воситалардан фойдаланишни талаб қилади. Бунда А.С.Макаренконинг: «Мен оддийгина «Бу ёққа кел!» амрини 72 усулда айтишни ўзлаштирганимдан кейингина ўзимни педагог деб ҳис этдим», деган фикрини эслаш ўринли. Ҳақиқатан ҳам, таълим усули ҳеч қачон умумий, қатъий, қотиб қолган ва ягона бўлиши мумкин эмас. Ўқитувчи шароит, муайян ҳолат, ўқувчиларнинг ёш, тажриба, тараққиёт хусусиятларига мувофиқ равишда ўқитиш усулини танлай олгандагина кўзланган мақсадга етади. Шунга кўра Ю.К.Бабанский ва М.М.Потошниклар «Маълум бир мавзунини ўқиш учун ёзилган методик тавсия ва ишланмаларда таълимнинг энг самарали усули қўлланилганми?», деган саволга қатъийлик билан «Йўқ» деб жавоб берадилар, зероки, бу тавсияю ишланмалар амалиётдан, ўқитувчи иш тутаётган шароитдан узилган⁸¹. Шундай экан у «энг самарали усул» бўла олмайди. «Энг самарали усул» – бу ижодкор ўқитувчи маълум бир мақсадга эришишнинг хилма-хил йўл ва усулларида худди мана шу шароит ҳамда ҳолатга мос танланган туридир⁸² ва таълим усули учун инвариантлик хос эмас. Таълим усулини бир инвариантга келтириш мумкин бўлмаса-да, дидактлар унинг асосий кўринишларини маълум бир типларга, турларга бирлаштирадилар⁸³. Чунончи, О.Розиқов С.Оғаев, М.Маҳмудова, Б.Адизовлар таълим усулларида асосий кўринишлари сифатида оғзаки баён (хикоя, маъруза, сухбат), кўргазмали, муаммоли изланиш, мустақил ишлаш, дидактик ўйинлар, амалийлик каби усулларни (методларни) кўрсатсалар, И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин ўзларининг мазкур мавзуга бағишланган махсус тадқиқотларида⁸⁴ таълим усуллари репродуктив кўргазмали баён, муаммоли, тадқиқотчилик каби турларга ажратадилар ва улардан ҳар бири маълум бир мақсадни кўзлаши, ҳеч қачон барча ҳолатлар учун қатъий ва мутлақ бўла олмаслигини уқтирадилар. Демак таълим усули

⁸¹ Юлдашева Д.Н. «Кадрлар тайёрлаш миллий дасури» талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

⁸² Юлдашева Д.Н.Юкорида кўрсатилган дисс. – 146 б.

⁸³ Педагогический энциклопедический словарь. –М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. -331с.

⁸⁴ Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений – Ростов н/Д : Феникс, 1998. – 544 с.

хеч қачон ва ҳеч бир замонда ягона, мутлақ бўлиши мумкин эмас. У мавзу хусусияти, ўқитувчи ва ўқувчи савияси, таълим шароити ҳамда жуда кўп ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда таълимнинг ҳар бир тури, ҳар бир босқичи, бўғини учун муайян равишда танланса-да, таълим мақсади билан узвий боғлиқ тарзда таълим тури, муайян ўқув предмети учун умумий равишда маълум бир етакчи, асосий кўринишга эга бўла олади. Чунончи, таълим мақсади билимдон, баркамол шахсни етиштиришни назарда тутса, бунда ретроскопик усуллар, дедуктив таълим етакчилик қилиши шубҳасиздир, чунки таълим мақсади шуни тақозо қилади. Таълим ижодий тафаккур соҳиби, тадбиркор шахсни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, унда бундай мақсадни амалга ошириш учун муаммоли ва тадқиқотчилик усуллари, индуктив таълим етакчилик қилиши лозим. Таълим усули билим, шу асосдаги кўникма, малакани ўқувчида қандай усул билан ҳосил қилиш ўқитувчи-ўқувчининг ўзаро субъект-субъект муносабатга киришишини тақозо қилади. Шу билан боғлиқ тарзда ўқувчи ҳамда ўқитувчи орасидаги муносабатга икки хил ёндашиш мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтиш зарур:

1. Ўқувчига маълум миқдордаги билимни ўргатиш объекти, таълим берувчига эса ўргатиш жараёнининг субъекти сифатида ёндашади. Бу ёндашиш дедукция усулидан, яъни қоидадан таҳлилга, умумийликдан хусусийликка қараб интилиш йўлидан фойдаланишни тақозо этади. Бир қатор олимлар – И.Я.Лернер, А.М.Матюшкин, М.Маҳмудова, А.В.Занков, Ю.В.Сенько, В.П.Паламарчук, Н.Ф.Тализина ва бошқаларнинг дидактик асарларида ҳам таълим усулларига хос илмий-назарий фикрлар силсиласида таълим олувчига объект, таълим берувчига субъект сифатида ёндашилганлиги ва бунинг батафсил ёритилганлиги илмий адабиётларда қайд этилган⁸⁵. Таълимни дедуктив-репродуктив усулда ташкил этиш узок йиллар таълим жараёнида ҳоким бўлиб келганлиги маълум.

⁸⁵ Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. –Т.:2008. –161 б.; Подласый И. П. Педагогика новый курс. Учебник для студ пед. вузов:

2. Ўқувчига ўқув-билув жараёнининг субъекти, ўқитувчига эса мазкур жараённинг бошқарувчиси сифатида ёндашилади. Шунинг учун ўқув-билув жараёнида асосий ўқув-билув фаолиятини ўқувчи амалга оширади. Табиийки, бу ўринда ўқувчининг ҳар бир янги мавзунини ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган ва ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил фаолияти фақат индукция билан, яъни ҳодисадан моҳиятга, хусусийдан умумийга йўналиши билан чекланмайди. Шунингдек, бир қатор изланишларда «Она тили»нинг амалдаги дастурида асосий таълим усули *онгли вербал~индуктив~когнитив (онгли)~таянч* деб белгиланган. Бу усуллар педагогикада кенг тарқалган муаммоли таълим усули билан уйғундир. Бу йўналишлар В.В.Давидовнинг ишларида⁸⁶ ўз ифодасини топган бўлиб, онглилик, вербаллик, индуктивлик, таянчлик тамойилларини А.Озбел⁸⁷, А.Райнолд, П.Флаггларнинг когнитив педагогик ва психологик ёндашишларига таяниб онглилик, вербаллик, индуктивлик, таянчлик тамойилларини шарҳлайдилар⁸⁸.

Дарсликда бериладиган ўқув топшириқлари ўқувчининг мустақил изланиши учун йўлланмалар берганда, уларнинг ахборот банкларига доимий эҳтиёжини қондирганда, ижодий фаолиятга ундагандагина таълим мақсадига мувофиқ келиши мумкин. Шунинг учун дарслик билан дарс давомида ўқувчи бажариши назарда тутилган топшириқлар тизими ва зарурий ўқув материални аралаштирмаслик лозим. Биз дарслик деганда, мавзу талқини, ўқув материали, ўқувчи бажариши лозим бўлган машқ, масала, топшириқлар тизимини ўз ичига олган мажмуани тушунамиз. Ҳақиқий ижодий тафаккур

В 2 кн. – М: Владос Кн 2 Процесс воспитания.2003. – 256с.; Поляков С.Д. Педагогическая инноватика: от идеи по практики. М. Центр педагогический поиск, 2007.-176 с.

⁸⁶ Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.

⁸⁷ Ausubel D.P. The Use of Advance Organizees in the Storing and Retention of Meaningful Verbal Manreal // Educational Psychology. – N.Y., 1960. – № 51. – P. 267-273.

⁸⁸ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): пед.фан.док. дис...автореф.– Т., 2006. – 49 б.; Матчонов С. ва б. Ўқиш китоби (4-синф учун дарслик). – Т.: Янги йўл полиграф сервис, 2017. – 222 б.; Маърупов З., Абдуллаев Й. Синтаксис ва пунктуация машқлари тўплами (I-V нашрлари). – Т. 1952-1956.; Ҳамроев А.Р. Бошланғич синф она тили таълимини ижодий ташкил этиш: пед.фанл.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.– Тошкент, 2005. – 151 б.

соҳибини шакллантириш ва ривожлантиришга мўлжалланган дарслик бугунги кунда мавжуд бўлган дарсликлардан фарқ қилиши лозим. Демак, таълимнинг янги мақсадига эришиш учун янги типдаги дарсликлар зарур. Ишимизнинг бу бобида биз таълимнинг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва натижаларини лойиҳалаштиришнинг янги вазифалари устида тўхталдик ҳамда ўз нуқтаи назаримизни баён қилишга интилдик. Шунини асослашга ҳаракат қилдикки, таълим мақсади таълим жараёнида ҳал қилувчи омилдир. Таълим жараёни ўз олдига қўйган мақсадга унга тўла мос келадиган мазмун, усул ва воситалар билан таъминлангандагина эриша олади. Таълим мақсади таълим мазмуни, усул ва воситаларига сингган, ўқувчи билиши керак бўлган муайян маълумот, билимлар натижасида ҳосил қилинадиган кўникма, малакаларида намоён бўлади.

Навбатдаги саҳифаларда таълим мақсадининг тарихий, тадрижий тараққиёти ҳақида фикр юритамиз.

2.2.§. Она тили дарсларида илғор хорижий технологиялар самарадорликни ошириш воситаси сифатида

Таълим мазмунини башорат қилишда унинг мақсади йўналтирувчи асос ҳисобланади. Афсуски, бу ҳолат ўқув дастурлари ва дарслик муаллифлари томонидан кўпинча ҳисобга олинмайди. Натижада таълим мазмуни билан унинг мақсади орасида номутаносиблик вужудга келади. Бу эса пировард натижа ҳисобланган ўқув жараёни сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шахс тараққиётига йўналтирилган таълим мазмунини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнига илғор технологияларни олиб кириш зарурияти таълим мазмуни билан унинг мақсади орасида мутаносибликни таъминлашни тақозо қилади.

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар таълим мазмуни билан унинг мақсади орасида мутаносибликни таъминлаш соҳасида муҳим қадам бўлди. Маълумки, инсоният юқори даражада ахборотлашган жамиятда яшамокда. Таълимнинг хусусий мақсадларидан бири ўқувчиларни ўта сифатли, уларни

маънавий-интеллектуал жихатдан ривожлантиришга кўмаклашадиган ахборотлар билан қуроллантиришдан иборат. Ушбу мақсадга мос келадиган таълим мазмуни, авваламбор, дарсликлар ва ўқув китобларида муайян изчилликда акс этиши керак. Чунки янги давр кишиси ижтимоий, моддий, маданий тараққиётни тамоман янги босқичга кўтарадиган қатор ўзгаришларни вужудга келтира оладиган мустаҳкам билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим. Бу эса таълим мақсадига мос келадиган таълим мазмунини янги ўқув моделлари воситасида ифодалашни талаб қилади.

Таълим мақсадига мувофиқ келадиган таълим мазмуни ва уни ифодаловчи ўқув моделлари ўқув-билув жараёнининг муҳим ташкилий қисми ҳисобланиб, унинг асосий мақсади ўзгаришларни таълим мазмунининг ДТСда белгилаб қўйилган негизига мутаносиб тарзда киритишдан иборатдир.

Бугунги кунда таълим мақсади асосида унинг мазмунини мунтазам янгилаш, унинг шахсга йўналтирилган демократик моделини белгилаб бериш зарурияти мавжуд. Таълим мақсадига мос равишда ўқув-билув жараёни мазмунида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, ўқув топшириқлари мунтазам янгиланмоқда. Бу педагогик тадбир таълим мақсадининг ривожланаётганлиги билан боғлиқ тарзда амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, шахсга йўналтирилган таълим технологияларини ўқув жараёнига олиб киришни талаб қилмоқда. Масалан,

«Ўсимлик отлари» мавзуси бўйича интерфаол усулларни қўллаш

(Изоҳ: Ушбу дарс ишланмасида 4-синф ўқувчиларининг дарсликда берилмаган, аммо уларга ёндош ўқув топшириқларини мустақил бажаришлари акс этган.)

«Инсерт» усули асосида бажариладиган топшириқ берилади. Бунда ўқитувчи қуйидаги матнни гуруҳларга бўлинган ўқувчиларга тарқатади:

Ўсимлик

Ўсимлик – ҳаёт манбаи. Тирик мавжудот ҳаётини ўсимликлар оламисиз тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, яшил ўсимликлар барги билан турли чанглари тутиб қолади. 100 туб ёш терак бир йил давомида 75 кг чангни ушлаб қолади. Чинор, заранг, лола ва олма барглари энг сифатли "чангютгич"дир. Шунинг учун ўсимликларни "саломатлик посбонлари" дейишади. Ўсимликлар одам учун ҳаво, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурилиш материали, уй-рўзгор буюмлари, матоларга ранг берувчи бўёқлар, эфир мойлар, спирт, шунингдек, халқ хўжалигининг турли соҳалари учун хом ашё манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг "Қизил китоби" 1984 йилда чоп этилган. Унга республикамиздаги камёб ва йўқолиб кетиш хавфи бор 163 турдаги ўсимликлар номи киритилган. Китобнинг қайта нашири 301 тур ўсимликни ўз ичига олган. 1983 йилда Республикамизда "Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси" ташкил этилди.

Ўқувчилар матнни ўқиб чиқадилар ва ҳар бир гап олдида қуйидагича изоҳ берадилар: **Билардим. Билдим. Била олмадим** каби.

Ўқитувчи матнни йиғиб олиб танишгач, хулоса чиқаради ва "**Била олмадим**" тарзида изоҳланган сатрларни тушунтириб беради.

«Синквейн» усули асосида бажариладиган топшириқ берилади: Ўқувчилар уч гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳга биттадан сўз берилади. Ўқувчилар муайян сўзни мавзу сифатида олиб, унга сифат ва феъллар қўйиб, сўз бирикмалари ҳамда гап тузадилар. Масалан:

1-гуруҳ. Мавзу: **ЎРИК** (дарахт)

Сифат: *сершоҳ, катта (ўрик дарахти)*

Феъл: *(Ўрик) гуллайди, мева беради.*

Гап: *Ўрик дарахти чиройли гуллайди.*

2-гуруҳ. Мавзу: **Атиргул** (ўсимлик)

Сифат: *қизил хушбўй*

Феъл: *(Атиргул) очилади, завқ бағишлайди.*

Гап: *Атиргулдан хушбўй ичимлик тайёрланади.*

3-гуруҳ. **Исирик** (гиёҳ)

Сифат: *фойдали ва шифобахш*

Феъл: *(Исирик) даволайди; уруглайди.*

Гап: *Исирик кўпгина касалликларга даводир.*

Топшириқларни тез ва хатосиз бажарган гуруҳ рағбатлантирилади.

«Учбурчак ўйини» усули асосида бажариладиган топшириқ берилади:

Ҳар бир гуруҳ сардори ўқитувчи томонидан тайёрланган учбурчаклардан биттасини танлайди. Шаклнинг 3 томонига топшириқлар ёзилган ва бирорта ўсимлик расми ёпиштирилган бўлади. Масалан:

1-томон. У ҳақида шеър ёки кўшиқ айтиб беринг.

2-томон. Уни таърифланг, матн тузинг.

3-томон. Уядош сўзлар топинг.

Шеър ва матнлар маркерлар ёрдамида қоғозга ёзилиб, уларнинг тақдимоти ўтказилади. Масалан, 1-гуруҳ аъзолари қуйидагича шеър ёзиб, матн туздилар:

Атиргул

1. *Гул жаннатдан ҳадя бир неъмат эрур,*

Гулдин кишилар юзига ёгилур нур.

Бардошсизлар қўрқадилар хоридан,

Ўргилайин шундай гулнинг боридан.

Этаклари нурга тўлган атиргул,

Япроқлари дурга тўлган атиргул.

2. *Гуллар инсон ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Дунёни гўзал қилиб, қалбларга завқ бағишлайди. Хушбўй, чиройли ва ранг-баранг гулларни ким севмайди, дейсиз. Атиргул – гуллар маликаси. Унинг хусни, хушбўй ҳиди ҳаммага ёқади. Бу гул оқ, қизил, сариқ, пушти рангларда бўлади. Одамлар яхши кунлар - тўй-тантаналар, туғилган кун ва байрамларда бир-бирларига атиргул совға қиладилар.*

3. Уядош сўзлар: гул ... *атиргул, чиннигул, настарин, гултожихўроз* ва ҳ.к.

Топшириқларни тез ва хатосиз бажарган гуруҳ аъзолари рағбатлантирилади.

Таълим мақсадига мос келадиган таълим жараёнининг натижалари ўқувчига ақлий, ҳуқуқий фуқаролик, коммуникативлик, ахборотли ва тафаккурнинг бошқа йўналишларида чуқур маҳоратга эга бўлиш имконини бериши лозим. Бунда ўқув-билув жараёнида муҳим ўринни ўқитувчилар билан ўқувчилар орасида ўзаро фикр алмашишга имкон берадиган таълимий топшириқлар эгаллаши зарур. Масалан, **Она тили таълими жараёнида ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоялари қуйидаги тартибда сингдирилади:**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилганидек: «.. миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз Ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-маданий, тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросга ҳурмат»⁸⁹ маънавий тарбиянинг энг муҳим омилларидан бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Она тили машғулотларида эса бунга эришиш имкониятлари кўп. Айниқса, мазмуни ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган кичик матларни таҳлил қилиш, сатрларни изоҳлаш ўқувчига маънавий озуқа беради. Биз қуйида шундай топшириқлардан намуналар келтирамиз. Масалан,

Она тилимиз

Она тилида аниқ фикрлаш, адабий тилда сўзлашиш, нутқингизни ҳар хил ёт унсурлардан сақлашга ҳаракат қилинг. Қаерда ва ким бўлмасин, она тилини камситишларига асло йўл қўйманг.

Тил мавсумий либос эмаски, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб алмаштирилса. Онаизор, Ватан, Миллат каби тушунчаларнинг ҳар бири бетакрордир. Она тили ҳам битта. Агар ўз халқингиз орасида соқов ва ёт

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. Lex.uz веб сайти

бўлиб қолишни истамасангиз, она тилини пухта ўрганинг, уни бошингизга кўтаринг. Киши бошқа тилда билимли бўла олади, аммо фақат она тилидаги билимигина бекаму кўст бўлиши мумкин. Она тилимизни эъозлашни, қадрлашни ва асрашни маърифий миллатлардан ўрганинг.

(Ғайбулла ас-Салом)

1-топшириқ. Матнни ўқинг. Уни ўз сўзингиз билан қайта ҳикоя қилинг.

2-топшириқ. *Она тилида гапиришга, нутқингизни ҳар хил ёт унсурлардан сақлашга ҳаракат қилинг, она тилингни камситишларига асло йўл қўйманг* каби жумлаларини қандай тушунасиз?

3-топшириқ. Матндаги қайси жумлалар қуйидаги шеър мисралари мазмунига тўғри келишини айтинг:

Ўз тилини унутган халқнинг,

Богларида ўсган гулларни,

Чирмаб ухлар заҳарли илон.

Ўз тилини унутган халқнинг,

Осмонида порламас қуёш –

Нур ўрнида тўкилади тош.

(Х.Даврон)

Она тили ҳақида юқорида келтирилган насрий ва назмий матнни таққослаш жараёнида ўқувчиларда ўз тилига эътиборли бўлиш, у билан ғурурланиш ҳисси уйғонади. Шу билан бирга, улар мустақил фикрларини баён этиш ва исботлаш учун гап қурилишига эътибор берадилар. Натижада, ўқувчи ўзи билмаган ҳолда нутқий малака ҳосил қилади, жамоат ичида ўз фикрини ифодалаш ва уни ҳимоя қилишни ўрганади.

Ёш авлод онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларда ватанни севиш туйғусини уйғотиш бошқа фанлар қатори она тили таълимида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицейларда, асосан, таълимий диктантлар ёздирилади. Ваҳоланки, она тили машғулотларида ўқувчилар турли мавзуларда баён, иншо ёзиш, насрий ва назмий матлар тузиш воситасида фикр маҳсулини раво ва тўғри

ифодалаш бўйича амалий кўникма ҳамда малака ҳосил қилишлари лозим. Она тили машғулотларида кўйдаги матнлар таҳлили, тасвирий воситалар, иборалар, сўз маънолари устида ишлаш, матн мазмуни ғоясини изоҳлаш ҳам ўқувчиларга маънавий озуқа беради: Масалан,

Ўғит

Навқирон авлод! Сизнинг бу ҳаётда истакларингиз, кўзлаган мақсадларингиз, қиладиган ишларингиз кўп, лекин ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачигидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мақсадларингизга эришиш учун олдингизда турган тўсиқларни енгиб ўсишингизга ишонинг. Юртингиз келажаги, халқингизнинг бахтли истиқболи учун нима қилиш керак, мустақиллик ишига қандай ҳисса қўйиш кераклиги ҳақида қайғуриб яшашига эришинг. Теран тарихий томирларга эга, ёрқин келажак сари интилиб яшаётган халқни, миллатни ўз йўлидан қайтариш мумкин эмас.

1-топшириқ. Матнни ифодали ўқинг. Унинг кимга қаратилганлигини, маъносини ўз сўзларингиз билан изоҳланг.

2-топшириқ. Матндаги ибораларни топиб, оддий сўз билан алмаштиринг, уларнинг маъносини тушунтиринг.

3-топшириқ. Келажакда қандай ишларни амалга оширмақчисиз? Қандай мутахассисликни эгаллашни орзу қиласиз? Сўзлаб беринг.

Ўқувчи мазкур топшириқларни бажариши жараёнида жамият ҳаёти, халқнинг ахлоқ-одоби ва дунёқарашда маълум ўзгаришлар қилиш зарурлигини, бунинг учун маълум муддат, сабр-тоқат талаб этилишини англаб етади.

Биз ким, ўзбеклар

Биз ким ўзбеклар, кўпни кўрган, ўз бошидан оғир кунларни, не-не тарихий синовларни ўтказган, ўз ўтмишига, қадим-қадимдан ўз давлати ва давлат бошқарувига эга бўлиб келётган халқимиз. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват, тагли-тугли, палаги тоза. Ўзбекларнинг тафаккур уммони буюк.

Сўзларимизда шу уммоннинг томчилари ифодаланганлиги учун ҳам сермаънодир. Миллионлаб халқни бирлаштирган омиллардан бири ўзбек тили она тилимиздир.

Биз ким ўзбеклар, аста йиғлаб, баралла куладиган халқмиз.

Халқимизнинг ҳабиблиги шундаки, у ирқ, миллат ажратмай, бани башарни шундай севади. (А.Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар.)

1-топшириқ. Матнни ифодали ўқинг. Унинг мазмунини тушунтириб, қайта ҳикоя қилинг.

2-топшириқ. Матндаги тасвирий воситалар, маънодош ва зид маъноли сўзларни аниқланг. Улардан *илиги тўқ, бақувват, тагли-тугли, палаги тоза, уммон каби* бирликларнинг маънодошларини ва зид маъноларини топиб, луғавий маъноларини шарҳланг.

3-топшириқ. Матндаги ибораларни маъноси мос келадиган оддий сўз ёки сўз бирикмаси билан алмаштиринг ва ҳоказо.

Юқоридаги матнлар ва топшириқларни бажариш жараёнида бир ўқувчи жавоб беради, қолганлари тинглайди. Лозим бўлса, улар хатоларни тузатиб борадилар. Натижада, ўқувчилар ҳар бир сўзнинг ички ва ташқи маънога эга эканлиги ва бу маъноларни билиш зарурлигини тушуниб етадилар.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган мотивацион-қизиқарли томонларига ҳам кўпроқ эътибор берилиши лозим. Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларнинг характерли хусусияти улар психикасининг заиф томонларига сустилик билан мослашиш эмас, балки ўқувчилар максимал даражада фаоллашиши учун уларни ақлий ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш таъминоти бўлмоғи керак. Тарбиячи ва ўқитувчилар айрим болалар қобилияти ўртача эканлиги ёки қобилиятсизлиги ва ҳатто мукамал эмаслиги ҳақида пайдо бўлган тасаввурни сездирмасликлари лозим. Бундай ўқувчилар ўзлари тобора тезлашиб ва мураккаблашиб бораётган таълим жараёнига аста-секинлик

билан мослашиб борадилар. Қуйида синфлар кесимида топшириқлар тизимини келтирамиз:

1-синф

1-топшириқ

Қуйида берилган сўзларнинг маъноларини изоҳланг.

Суръат-сурат, таъна-тана, шеър-шер, саъва-сава, даъво-даво.

2-топшириқ

Берилган сўзлар ичидан уй ҳайвонларининг номини ажратиб ёзинг.

Қўй, ит, йўлбарс, сигир, тулки, маймун, айиқ, бузоқ, эчки, сиртлон, бўри, шер, чиябўри, от.

3-топшириқ

Алифбодаги 4, 7, 13, 18, 21, 24, 27-харфларнинг бош ҳамда кичик шаклларини ёзинг ва шу ҳарфларга оид учтадан сўз айтинг.

4-топшириқ

“Ўқиш” дарслигида берилган “Ибн Сино ҳақида ривоят” матнидан аввал ким?, кейин нима қилди? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ажратиб ёзинг.

5-топшириқ

Устунларда берилган сўзларга мосини танлаб ёзинг.

Тикувчи	ишлайди
Ўқувчи	билим манбаи
От	сузади
Қуш	қуйлайди
Хонанда	кишнайти
Балиқ	учади
Китоб	ўқийди
Ишчи	тикади

6-топшириқ

Нима учун Малика, Бобур, Зариф, Азим, Санобар, Манзура, Дилшод, Муҳаммад, Асад каби сўзлар бош ҳарф билан ёзилганлигини изоҳлаб беринг.

7-топшириқ

Нарсаларнинг шаклини билдирувчи сўзларни ёзинг.

Намуна: узунчоқ

8-топширик

Нарсаларнинг таъм, мазасини билдирувчи сўзлардан ўнта ёзинг.

Намуна: нордон

9-топширик

Берилган матнни давом эттиринг.

Баҳор. Баҳорда ҳаммаёқ ям-яшил тусга киради. Кунлар исий бошлайди...

10-топширик

Берилган гаплар охирига нима учун нуқта, сўроқ белгилари қўйилганлигига изоҳ беринг.

- 1.Менинг бобомни биласизми?
- 2.Улар овчилик билан кун кечирар экан.

2-синф

1-топширик

Қуйида берилган рақамларда ҳарфларнинг тартиб рақами берилган. Агар сиз ҳарфларнинг жойлашган ўрнини тўғри топсангиз ўзбек халқ мақоли келиб чиқади.

12.4.7.13.1.19.-12.4.7.13.1.19.13.8.29 19.1.6.8. 17.14.7.1.19.

2-топширик

Туман номларини алифбо тартибида ёзинг.

Паркент, Ангрен, Бувайда, Фориш, Қорақўл, Каттақўрғон, Бўка, Тошкент, Яккасарой, Чилонзор, Вобкент, Бухоро, Боғот, Хатирчи, Пахтачи, Данғара, Асака, Ромитан.

3-топширик

Ўзингиз билган шаҳар номларидан 5 тасининг номини ёзинг.

4-топширик

8-Март байрами билан она ва опангизни табриклаш учун табрикнома ёзинг.

5-топширик

Берилган сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзинг:

- 1-гуруҳ: нима?
- 2-гуруҳ: нима қилди?
- 3-гуруҳ: қандай?

Вовуллайди, парта, кўрди, ишлади, қизил, ёқимли, чиройли, ручка, қалам.

6-топширик

“Ёзги таътил” мавзусида матн тузиб, матндаги ҳаракат билдирувчи, санок билдирувчи, ранг-тус билдирувчи сўзларни изоҳланг.

7-топширик

Матнга сарлавҳа танланг.

Усти қизил, қора-қора нуқтали, юмалоқ кўнғизчани кўргансиз. Бу беозор жажжи кўнғизчани хонқизи дейишади. Хонқизи япроқлардаги майда ҳашоротларни ейди. У жуда фойдали кўнғиз.

8-топширик

Ўзбек халқ мақолларидан еттитасини ёзинг. Улар ичидан санок ва ҳаракат билдирувчи сўзларни ажратиб, изоҳланг.

9-топширик

Ўйлаб, янги сўз ҳосил қилинг.

	О	С	И	М
	А	З	И	З
У	Й	/	У	Н

10-топширик

Намунадан фойдаланиб, ўзингиз ва оила аъзоларингиз ҳақида маълумот тайёрланг.

Намуна: Мен Бухоро шаҳри, Т.Фароғий кўчасида яшайман. Менинг отам-Фармонов Мурод. Онам-Алиева Муҳаббат. . .

3-синф

1-топширик

А, Й, Қ, К, Р, Б, Ж, Э, У, В, П, Ч берилган ҳарфларни алифбо тартибида жойлаштиринг. Унли ва ундош ҳарфларни алоҳида гуруҳларга ажратиб ёзинг. Уларни талаффуз қилиб, айтилишига диққат қилинг.

2-топширик

“Биз спортни севамиз” мавзусида матн тузинг. Матнда дарак, сўроқ, ундов гаплардан фойдаланинг.

3-топширик

Ов, сут, зар, боғ сўзларига ўзакдош сўзлар танлаб ёзинг. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

4-топширик

-чи, -ла, -кор, -дош, -ли, -сиз каби сўз ясовчи кўшимчалардан фойдаланиб янги сўзлар ясанг. От ясовчи кўшимчалар кўшилган сўзларни алоҳида гуруҳга ажратиб ёзинг. Сўзларнинг маъноларига диққат қилинг.

5-топширик

Умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган байрамлар ҳақида маълумот ёзинг. Уларнинг қандай ўтказилиши ва таассуроти ҳақида матн тузинг.

6-топширик

Севинмоқ, соғаймоқ, асрамоқ, тугатмоқ, югурмоқ, йиғмоқ каби феълларга яқин маъноли феъл танланг ва ёзинг. Улардан фойдаланиб, олтига гап тузинг.

7-топширик

“Ўқиш” дарслигининг 68-саҳифасида берилган “Жалолиддин Мангуберди” ҳикоясидан шахс оти ва жой номларини билдирувчи сўзларни ажратиб ёзинг.

8-топширик

Йил фасллари билан боғлиқ ўзбек халқ мақолларидан 10 та ёзинг. Уларнинг маъноларини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

9-топширик

_____ -- ----- _____

шу қолипга мос тарзда гап тузинг.

10-топширик

“Ўқиш” дарслигининг 135-саҳифасида берилган “Доноларнинг доноси” ҳикоясидан бирлик ва кўпликда келган сўзларни ажратиб ёзинг.

4-синф

1-топширик

“Наврўз-баҳор байрами” мавзусида матн тузинг.

2-топширик

Ўзингиз ёқтирган ҳикоядан ким?, нима?, нима қилди?, нима қиляпти?, нечта? Сўроғига жавоб бўлган сўзларни ажратиб ёзинг.

3-топширик

“Ўқиш” дарслигида берилган “Харита” матнидан ўзакдош сўзларга мисоллар топиб ёзинг.

4-топширик

Берилган сўроқларга бештадан мос сўз ўйлаб ёзинг.

Ким? Нима? Қандай? Нима қилди? Неча?

5-топширик

Шод-хурсанд, тоза-озода, катта-улкан каби сўзларнинг маъноларини чоғиштиринг. Нега бу сўзлар жуфт ёзилганини тушунтиринг.

6-топширик

“Ўқиш” китобидан матн танланг. Матннинг ҳар бир хатбошисига алоҳида сарлавҳа танланг.

7-топширик

Кекса, кўрқоқ, узун, очик, баланд, суяқ, қалин кабиларга зид маъноли сифатларни танланг.

8-топширик

Ўлкамизда қиш фасли ҳукм сурмоқда. Кечаси биров атрофга оқ чойшаб ёйиб кетганга ўхшайди. Дарахтларнинг оппоқ шохлари ярқирайди. Катта ҳовуз атрофи болалар билан гавжум. Ҳовузда улар яхмалак учмоқдалар. Биз зўр шавқ-завқ билан янги йилни кутиб олиш учун тайёрланаяпмиз. (“Гунча”) Матндаги от, сифат ва феълларни уч устунга ажратиб ёзинг.

9-топширик

Ишла, ёз, кел феълларини уч замонда қўллаб, улар иштирокида гап тузинг.

10-топширик

“Бизнинг мактаб” мавзусида матн тузиб, нарсаларнинг номи ва белгисини, ҳаракат ва миқдор билдирувчи сўзларга изоҳ беринг.

Ижодкорликда ўқув натижаларини баҳолашга ёндашув ўзгача. Ташқи берилган натижаларга эришилганлик даражаси эмас, балки кўпинча ундан четга чиқишлар текширилади. Ижодкорликни баҳолашда ўқувчилар таълимий натижаларининг асосий параметри- стандартларнинг минимум талабларига мос келиши эмас, балки ўқувчининг шахсан таълимий ўсиш даражасидир.

Анъанавий таълимда ўқувчи таълим мазмунини саралашда амалда иштирок этмайди. Ижодкорлик фаолиятида эса таълимда ўқувчи таълимий самараси таълимнинг янги мазмунини саралашда иштирок этади; билимнинг ҳажми, малакаси, фаолият турлари ҳамда ўқувчининг фойдаланиладиган усуллари чекланмаган бўлади. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий

фаолиятини ривожлантиришда топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик ва қадимий жанрининг таълим-тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Топишмоқни ўрганиш, унга жавоб топиш орқали болалар нарса ва предметларнинг келиб чиқиши, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида тасаввурга эга бўладилар, уларнинг қизиқиши ортади, онги ва тафаккури ўсади, фикрлаш қобилияти ривожланади, табиат ва ҳайвонот оламини севиш, ардоқлаш каби ҳиссиётлари тарбияланади. Топишмоқлардан дарс жараёнида фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг нутқи бойийди, такомиллашади. Улар ифодали, мазмунли ўқишга ўрганадилар.

Топишмоқларнинг матн мазмуни билан боғлиқ равишда ўрганилиши ўқувчиларнинг бир томондан матн мазмунини тўлиқроқ тушунишига ва яхши эсда сақлашига тurtки бўлса, иккинчидан, уларнинг дарсдаги фаоллигини оширади, дам олиш муҳитини яратади, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиради⁹⁰. Фикримиз тасдиғи сифатида қуйидаги 2-синф дарс лойиҳасини келтирамыз.

Дарс мавзуси: “Топишмоқлар дарси” ёки “Ўйла, изла, топ”.

Дарс мақсади: Халқ оғзаки ижоди жанри бўлган топишмоқ ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш, ўқувчиларда тўғри ўқиш малакасини ҳосил қилиш, матн устида ишлаш жараёнида топишмоқ жанрига хос назарий тушунчаларни кенгайтириш, уларни мантиқий фикр юритишга, тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш.

Дарс жиҳози: топишмоқларни гуруҳлаштирилган жадвал, жавоблари акс эттирилган расмлар, макетлар. Ҳар бир ўқувчи учун топишмоқ ёзилган карточка.

Дарс методи: кўрғазмали, эвристик суҳбат.

Дарсинг бориши:

⁹⁰ Матчонов С. ва б. Ўқиш китоби (4-синф учун дарслик). – Т.: Янги йўл полиграф сервис, 2017. – 222 б.

Ўқитувчи: “Бугун биз сиз билан 1-синфда ўрганган топишмоқларимизни яна бир бор эсга оламиз ҳамда уларни қуйидаги жадвалга жойлаштирамиз” дейди. Сўнг доскани бўр билан тўрт устунга бўлади:

1. Қушлар ва ҳайвонлар ҳақидаги топишмоқлар.
2. Сабзавот, полиз, мевалар ҳақидаги топишмоқлар.
3. Предметлар, уларнинг белгисини билдирадиган топишмоқлар.
4. Шеърӣ топишмоқлар.

Ҳар бир ўқувчи ўз карточкасидаги топишмоқни ўқийди.

Синф билан биргаликда унинг жавоби топилади ҳамда жадвалдаги ўрни аниқланиб, шу устун қаторига ёзилади.

1-ўқувчи.

-Ости тош, усти тош

Ўртасида жондор бош.

Жавоби: тошбақа (1-устунга ёзилади).

2-ўқувчи:

-Ичи- буёқ, сирти-таёқ.

Жавоби: қалам (3-устунга ёзилади)

3-ўқувчи:

-Чопса чопилмас,

Бўлса бўлинмас

Кўмса кўмилмас.

Жавоби: соя (4-устунга ёзилади)

4-ўқувчи:

Палак остида

Ётар талаш тош

Уни пиширсанг

Бўлар ширин ош.

Жавоби: картошка (2-устунга ёзилади). Шу тариқа ҳар бир ўқувчи кўлидаги карточкадан фойдаланиб, топишмоқни ўқийди, жавоб топади

ва жавобини тегишли гуруҳларга ажратиб ёзади. Шу ҳолатда ўқувчилар бир неча таълимий вазифаларни бажарадилар. Биринчидан, топишмоқни топиш жараёнида уни бир ёки икки марта, айрим ҳолларда эса уч мартабагача ўқийдилар, ифодали ўқишга, фикрлашга ўрганадилар, ўқитиш техникасини эгаллайдилар, таққослаш, қиёслаш каби амалий ишларни бажарадилар.

Топишмоқда яширин берилган предметни топишда қийинчиликлар туғилса, ўқитувчининг ўзи ифодали ўқиб бериши ҳамда топишмоқнинг белгисини билдирувчи сўзларга алоҳида урғу бериши шарт.

Чиқ-чиқ дер йўқ тўхтови,

Вақтнинг аниқ ўлчови.

Жавоби: (*соат*)

Тинмай ўқисанг агар,

Кўп нарсани ўргатар.

Билсанг, ука, ўйлаб топ,

Билим кони, у- ...

Жавоби: (*китоб*)

Топишмоқни топишда ўқувчилар қийналсалар, унинг жавоби бўлган предметни ёки сабзавот намуналарини 1 қаторга териб қўйиш мумкин. Шу тариқа машғулот давом эттирилади.

Ўқувчиларнинг дарсдаги ҳолати ҳисобга олиниб, дарсга қўшимча маълумотлар киритиш мумкин. Ўқувчиларга карточкаларда ёзилган топишмоқлардан ташқари, яна қандай топишмоқларни билишлари ҳақида саволлар бериш мақсадга мувофиқ. Масалан: Дарсликдаги:

Дум-думалоқ бўйи бор,

Паловда обрўйи бор.

Жавоби- (*беҳи*).

Худди шу топишмоқнинг бошқа кўринишини ўқитувчи мисол тариқасида айтиши мумкин:

Ертўлага осса бўлар,

Паловга босса бўлар кўринишида. Хуллас, топишмоқнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти мантиқий тафаккурни ривожлантиради. Уларга жавоб топиш эрмак учун эмас, балки ўрганилаётган билимлар тизими тараққиёти учун зарурдир. Бундан ташқари, замонавий интерактив методлардан бири “Синектика” орқали ўқувчиларда альтернатив ғоялар асосида аниқ хулоса чиқаришга ўргатиш орқали ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини ривожлантириш мумкин. 4-синф Она тили ва Ўқиш дарсларини интеграциялаш мисолида кўриш мумкин. **Эртақ белгилари ўртасидаги одатий муносабатни ўзгартириш.**

Ўйлангчи, эртақда берилган сюжет тўғри берилганми?

Тулки ўрмонда энг ростгўй эди ва бутун хайвонлар уни алдар эди;

Қуён жасур ва барча хайвонларни ҳимоя қилади;

Қиммат ақлли, меҳнатсевар, одобли қиз.



Ўқувчилар берилган альтернатив ғоялар ичидан ўзаро мослик тамойилига таяниб фикрни давом эттиради. Бу орқали ўқувчиларда ижодий ва креатив фикрлаш ривожланади.

Ўқув материали мазмунининг яна бир таркибий қисми муносабатдир. Ҳар бир ўқув предмети ва унинг таркибий қисмини ташкил этган ҳар бир ўқув материалида табиат, жамият ва инсон тафаккурига муносабатлар ҳам қайд этилади. Муносабат кенг маънода инсоннинг тарбияланганлик

даражасини ўзида акс эттириб, шахснинг эмоционал хатти-ҳаракатлари, табиат, жамият ва онг ҳодисаларини баҳолаш жараёнларида риоя қиладиган нормаларда акс этади. Ҳеч нарса – сўз ҳам, фикр ҳам, хатти-ҳаракатлар ҳам эмоционал баҳолаш ўрнини боса олмайди.

“VARK” методи ўқувчиларнинг кўргазмали, аудиовизуал ва кинестетик имкониятларидан фойдаланиб ўқув материални ўргатишни мақсад қилган усул. Турли хил материаллар-кўргазмали куроллар, диафильмлар, товуш бланкалари ва турли хил ўйинлардан фойдаланиб ўргатишни ўз ичига олади. Аудиалистлар ўз нутқини эслаб қолиш ва у орқали материални ўрганиш учун ўқитувчининг тушунтиришларини тинглашни маъқул кўрадилар. Масалан, “Сон” сўз туркумини тушунтиришда ўқитувчи аввал шу сўзлар гуруҳининг асосий қоидаларини баён қилади, кейин рақамлар тасвирини ёки турли предмет ёки ҳайвонларнинг бир неча миқдордаги фотосуратларини ўз ичига олиши мумкин бўлган кўргазмали воситаларни намойиш этади. Шундан сўнг "қизиқарли тўп" ўйинини ўйнаш мумкин - ўқитувчи рақамлар билан гап тузишдан олдин тўпни қандайдир талабага ташлаб, уни орқага ташлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш учун турли шарт-шароитларларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун таълим талабларини аниқлаш ва шу талаблар асосида унинг устувор кўналишларини изланувчи таълим, муаммоли вазиятлар яратиш ва таълимга технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этишнинг самарадорлигига замин тайёрлайди.

Таълимда дарснинг тўғри ва самарали ташкил этилиши, албатта, ўқувчилар билим олишига таъсир этади. Ижодий фаолиятни ривожлантиришда муҳим масалалардан яна бири ўқитувчининг дарснинг технологик жиҳатдан тўғри лойиҳалашга бориб тақалади. Интерфаол методларни қайси босқичда қандай қўллаш дарсни лойиҳалаш вақтидан бошланади. Таълим мазмунини унинг мақсадига мос тарзда белгилаш имкониятлари қуйидагиларда намоён бўлиши керак:

1. Ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари ва таълимий топшириқлар биринчи навбатда таълимнинг умумий мақсади ва ўқув предмети мақсадига мос келиши лозим.

2. Ўзаро бир-бирини такрорлайдиган тушунчалар, ўқув матнлари ҳамда таълимий топшириқларни таълим мақсадига мос тарзда уйғунлаштирган ҳолда ўқувчиларга тақдим этишга эришиш.

3. Таълим мақсадига мос келадиган таълим мазмунини белгилашда ўқитиш технологияси ва ўқувчи томонидан бажариладиган таълимий топшириқларни аниқ режалаштириш.

4. Таълим мақсадига мос тарзда турли йўналишда интерфаол иш турларини кенгайтиришга эришиш.

5. Ўқувчиларга таълим мақсадига мос тарзда тақдим этиладиган ўқув материаллари ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, менталитети, маънавий-маданий ҳаёти, машғулотлари, яшаш ҳудуди билан чамбарчас боғланган, уларни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантира оладиган бўлиши.

6. Ўқув-методик мажмуалар таркибида бериладиган ўқув материаллари, таълимий топшириқлар, дидактик ишланмалар, савол ва топшириқлар, мустақил ишлар, уй вазифалари, ўқувчининг индивидуал билим олиши, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиши, эгаллаган билимларини амалда қўллаши учун қулай бўлиши.

7. Таълим мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқувчининг мустақил билим олишини ташкил этиш орқали таълим мазмунини мақсадга мувофиқ тарзда белгилаш имконияти вужудга келади. Бу эса дарс жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишларига имконият яратади. (Қаранг: мисоллар 1-8 иловаларда берилган.)

Таълим мақсадига мос келадиган таълим мазмуни, биринчи навбатда, фан-техника, ишлаб чиқариш ҳамда жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, маънавий ўзгаришларини ўзида ифодалай олиши керак⁹¹.

⁹¹ Ролф Дж. Критичность и самооценка в учебной деятельности. – М.: Орекс, 2005. – 254 с.

Таълим жараёнининг таълим мақсадига мос келишини таъминлаш учун куйидагиларга эришиш лозим:

1. Ижтимоий талаб ва таълим мақсадидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунига асосланган янги ўқув моделларини ўқитиш жараёнига татбиқ этиш.

Бунда ўқув-билув жараёнида ўқувчининг фаоллигини таъминлаш асосий ўқув мақсадларидан бири бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда ўқувчининг таълим мақсадида кўзда тутилган муайян кўникмаларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, она тили таълими жараёнида ўқувчида янги мавзунини ўрганиш билан боғлиқ бўлган янги ўқув материални кузатиш ва унинг (дарслик топшириғи асосида) ҳодисалардаги умумийлигини топиш, кузатиш фаолияти натижасида янги ўқув материалда аниқланган умумийлик асосида ахборот банкидан (жумладан, хотирасида ва бошқа ўқув предметларидан олган билимлари асосида) қўшимча материал танлаш ҳамда аввалдан берилган ўқув материални тўлдириш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш. Шунингдек, берилган ва ўзи топган ўқув материал бирликларини ўзаро қиёслаш, умумийликни ва ҳар бир ҳодиса хусусийлигини аниқлай олиш, ўқув материални кузатиш, қиёслаш асосида хулоса, ҳукм чиқариш, ўқув материални ўрганиш асосида ҳосил қилган билимларини нутқда қўллаб, матн яратиш ва б.

2. Таълим мақсадига мутаносиб бўлган таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлигини таъминловчи йўналишларини кенгайтириш.

3. Таълим мақсади ва мазмунининг ўқувчиларни ривожлантирувчи аҳамият касб этиши уларнинг ёшига мослиги билан белгиланишини ҳисобга олиш.

Ривожлантирувчи таълим ҳар бир ўқувчининг имкониятини ҳисобга олган ҳолатдаги ўқитиш жараёни бўлиб, унда ўқувчини ҳар томонлама ривожлантириш мақсад қилиб қўйилади. Ривожлантирувчи таълим тизимида билим, малака ва кўникмалар ўқувчининг ривожланганлик даражасини белгиловчи натижалар бўлиб ҳисобланади.

Таълим мақсадига мос келадиган таълим мазмуни муайян халқнинг тарихий, ҳаётӣ тажрибалари, илмий-маънавий мероси, фан-техника ютуқлари, жамият ҳаёти, ишлаб чиқариш имкониятларини ўзида мужассамлаштириши керак.

Асосан, она тили ўқув предмети ёрдамида ўқувчиларда ижодий-интеллектуал кўникмалар ҳосил қилинади. Масалан, маълум бир бадиий асарни ўрганиш, мустақил ўқиш асосида унинг асосий қаҳрамонлари характерини, уларнинг фаолияти ва ички оламини тавсифлаш топшириғи дарсликдаги бадиий тимсоллар тавсифини ўқиб ёдлашдан кўра кўпроқ самара беради. Ёки она тили дарсларида муайян умумийликка эга бўлган 2-3 сўзни бериб, бундай сўзлар тизимини давом эттириш, чунончи, 1) *шафтоли, нок,/ мевалар номини ифодаловчи сўзлар/*, 2) *ҳилол, шамс, юлдуз,...../ осмон жисмлари номини ифодаловчи сўзлар/*, 3) *қитъа, фард,...../ назмий асар турларини ифодаловчи сўзлар / ва х.* 4) уядош сўзлар қаторини тўлдириш: а) *пушти.....қирмизи*, б) *имилламоқ...елмоқ*, в) *амаки.....бобо* каби топшириқлар ўқувчиларнинг ақлий, мантиқий фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда уларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Муайян ўқув предмети мазмунини лойиҳалашда, биринчи навбатда, таълимнинг умумий мақсади кейин эса ўқув предмети мақсадларига асосланиш лозим. Ўқув предмети мазмунини лойиҳалаш учун таълимнинг бош мақсади ва ўқув жараёнининг хусусий мақсадларини аниқ билиш талаб этилади. Акс ҳолда, таълим мақсади билан унинг мазмуни орасидаги мувозанат йўқолади. Таълим мақсади билан унинг мазмуни орасидаги мутаносибликни таъминлаш учун муайян дидактик қонуниятлар, жумладан, ўқувчи шахсини узлуксиз ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш тамойилларига амал қилиш талаб этилади. Бунда, айниқса, ўқувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим мақсади билан унинг мазмуни орасидаги мутаносибликни таъминлашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

1. Амалий аҳамиятга эга бўлган дидактик ишланмаларни таълим мақсадига мос тарзда танлаш. Она тили дарслари бу борада жуда катта имкониятларга эга. Ўқитувчиларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, (1-8 иловаларга қаранг) она тили дарсларининг мустақил уй топшириқлари сифатида касб-кор, ўрин-жой ва бошқалар билан боғлиқ сўзлар, иш қуроллари, амалиётлар, маҳсулотлар, шахс тавсифи билан боғлиқ равишда берилган топшириқлар натижасида ўқувчиларда шу касб-корга қизиқиш, меҳр қўйиш, уни ўрганиш ва ўзини ҳаётга шу касб-кор орқали тайёрлаш сингари амалий аҳамиятга эга бўлган натижани қўлга киритиш мумкин.

2. Таълим мазмуни асосида танланган аниқ ўқув моделларини белгилаб бериш. Шу мақсадда дарслик зарурий ўқув материални тўлиқ бермаслиги, балки ундан фақат намуналар бериб, уни тўлдиришни, кенгайтиришни ўқувчининг мустақил изланиш фаолиятига қолдириши муҳимдир.

Келажакда таълим мазмунини унинг мақсадига мувофиқ тарзда белгилаш учун қуйидагиларга асосланиш лозим:

1. Муайян ўқув предмети бўйича таълим мақсадига мос келадиган таълим мазмунини белгилаш учун ўқув материалларини уларга уйғунлаштириш йўлини танлаш.

2. Таълим мазмунида ўқув предметлараро алоқадорликни таъминлаш. Масалан, мактабда хилма-хил билим соҳаларига алоқадор бўлган ўқув предметларини ўзлаштириш маълум бир фан соҳаси атамаларини (терминларини) ўзлаштириш, уларни тўғри қўллаш демакдир. Шунинг учун она тилида тўғри, равон, нутқ мақсади, шакли ва мазмунига мувофиқ равишда мустақил фикрни баён этиш кўникмаларини шакллантиришга барча ўқув предметлари ўқитувчиларининг фаол иштироки зарур. Тажрибалар шуни кўрсатадики, она тили ва адабиёти ўқув предмети ўқитувчиларининг тарих, география, физика, математика, биология ўқув предметлари ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқувчиларга берган муайян воқеа-ҳодиса, реакция ёки усқунанинг баёнини бериш ҳақидаги топшириқлари боланинг

ақлий қобилияти, фикрини мустақил тарзда тўғри баён қилиш кўникмаларини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Таълим мазмунини унинг мақсадига мувофиқ тарзда белгилаш учун ўқув предметлари мақсадларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Бунда таълим-тарбиянинг бирлиги мақсади устувор бўлиши лозим.

Таълим мазмуни билан унинг мақсадлари мувофиқлигини таъминлаш учун куйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- бугунги кунда таълим мақсадига мос келадиган мазмунни белгилаш учун ўқув жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш тамойилларига амал қилиш;

- ўзбек халқининг маънавий мероси, ўзига хослиги, илм-фан ютуқларини ҳисобга олиш;

- ўқитувчиларнинг касб маҳоратини таълим мақсадлари ва мазмунига мос тарзда ривожлантириб бориш;

- таълим технологиялари ва янги дидактик ишланмалари билан ўқув жараёнини мунтазам бойитиб бориш кабилар.

Умумий ўрта таълим тизимининг устувор мақсади сифатида ўқувчи шахси камолотини таъминлашни эътироф этиш ва бутун таълим мазмунини худди мана шу мақсадга йўналтириш лозим.

Мактабларда она тили таълимини ижодий ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш бу соҳанинг қатор заиф томонларини белгилаш имкониятини беради. Ҳозирги пайтда бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида она тили таълимини ижодий ташкил этиш соҳасида қатор қийинчиликлар бор. Булар:

- она тили таълимини ижодий ташкил этишнинг мақсад, вазифаларини атрофлича англамаслик;

- она тили таълимини болалар ижодкорлигига мўлжаллаб лойиҳалаш технологиясини билмаслик;

- она тили таълими мазмунини таълим жараёни хусусиятларига мослаштира олмаслик;

- ижодий таълим натижасини объектив қайд этиш, баҳолаш меъёрларининг она тили ўқитиш тажрибасида асосланмаганлиги билан изоҳланади. Бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида учрайдиган камчиликларни бартараф этиш охир-оқибатда она тили таълимининг самарадорлигини оширишга, она тилини ўзлаштиришнинг ижодий йўналишини кучайтиришга олиб келади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўқитувчининг педагогик маҳоратида амал қила бошлаган янгиликлар, аввало, ўқув материалида юз берадиган ўзгаришлар, шу ўзгаришларни қайд қила билиш, олдиндан пайқаш (антиципирик) қобилиятидир. Ўқув материалларидаги ўзгаришларни сеза оладиган, олдиндан пайқай билладиган, онгида антиципирик (ўзгаришларни қайд қила билиш, олдиндан пайқаш) лаёқати ривожланган ўқитувчиларгина таълимни ижодий ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлади.

Нарса-ходисаларни белгиларига кўра ажрата олишни билган ўқувчи гуруҳларга ажратиш усулидан ҳам самарали фойдаланади. Масалан: “Тасниф қиламиз” дидактик ўйини орқали ўқувчиларнинг гуруҳларга ажратиш малакасини қай даражада шаклланганлигини тавсифлаш мумкин⁹².

“Тасниф қиламиз” дидактик ўйини

Ўйин шарти: берилган сўзларни гуруҳлар таснифи бўйича ажратинг

Арча	Байрам	Компьютер
“Нексия”	Бодринг	Қоғоз
Қалам	Барг	Момақалдирик
Сабзи	Бинафша	Томир
Юлдуз	Биринчи	Палов
Муз	Ботир	Тош

⁹² Умуров З.Л. Бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Самарқанд, 2019. – 156 б.

Одам	булбул	Ловия
	Бағрикенглик	Рўмол
		Керосин
		Билагузук

Гуруҳга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган айрим тасниф намуналари:

- дарахт ва ўсимликлар: *арча, сабзи.*
- жонсиз предметлар: *арча, нексия, қалам, сабзи, муз.*
- инсонга боғлиқ сўз ва тушунчалар: одам.
- автомобил тури: “нексия”.
- ўқув қуроллари: қалам.
- табиат ҳодисалари: муз.
- қиш фаслига дахлдор сўзлар: муз.
- атоқли отлар: “Нексия”.
- турдош отлар: арча, қалам, сабзи, муз, одам.
- бир бўғинли сўзлар: муз.
- икки бўғинли сўзлар: арча, қалам, сабзи, одам;
- уч бўғинли сўзлар: “Нексия”
- полиз билан боғлиқ ўсимликлар: сабзи;
- алифбо тартибига кўра ўз ўрнида турган сўзлар, арча, муз, одам.
- алифбо тартибига кўра ўз ўрнида турмаётган сўзлар: қалам, сабзи, юлдуз;
- яшил ранг билан алоқалантирилиши мумкин бўлган сўзлар: арча, қалам, сабзи, “Нексия;
- уйнинг ичида бўлиши мумкин бўлган нарса ва предметлар: одам, қалам, сабзи, арча;
- осмон жисмлари: юлдуз...

Ўқувчиларга берилган бундай характердаги топшириқлар билимларни кўникма ва малака даражасида ўзлаштириш вазифасини бажара олишини назарда тутди. Бунда ўқув материални ўзлаштиришнинг қуйи даражасида ўқувчи унга кўникиши, юқори даражасида ундан моҳирона фойдаланиши лозим. Таёқнинг икки учи бўлганидек, биз кўникма ва малакани бир ҳодисанинг – ўзлаштирилаётган билимларни фаолиятда ишлатишнинг икки томони сифатида қараймиз.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

1. Мактабда ўқув предмети алоҳида, мустақил билим соҳаси сифатида ўқитилганда унинг олдида муайян хусусий мақсад қўйилиши зарур. Бу мақсад таълимнинг умумий мақсадига мос келиши керак.

2. Муайян ўқув предмети олдида қўйилган хусусий мақсад таълим мазмуни, восита ва усуллари билан тўлиқ уйғунлашгандагина таълим жараёнининг самарадорлиги ортади.

3. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, танланган ўқув материаллари, таълимий топшириқлар, дидактик ишланмалар таълимнинг умумий ва хусусий мақсадларига тўла мос келгандагина ўқув жараёни олдида қўйилган ижтимоий буюртма бажарилади ва баркамол шахсни шакллантириш имкониятлари кенгаяди.

III БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1.§. Инновацион таълим шароитида она тили таълими жараёни самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг асосий мақсади таълим самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш қачон ва қандай шароитда исталган педагогик самарани беради? Бу саволга жавоб бериш таълим турларини, жумладан, изоҳли-кўргазмали таълим билан ижодий таълимни ўзаро чоғиштириб таҳлил қилишни тақозо қилади.

Изоҳли-кўргазмали таълим энг кўп қўлланиладиган таълим тури бўлиб, қатор афзалликларга эга. Бироқ таълимнинг асосан хотирага мўлжалланганлиги, ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги сустреклиги, тесқари алоқанинг умумий характери қабилаар изоҳли-кўргазмали таълимнинг камчиликларини кўрсатади. Бу камчиликларни бартараф этишда ижодий таълим имкониятлари ниҳоятда қатта. Ижодий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари бор: таълим мазмунининг дидактик ишлов берилганлиги, ўқув-тарбия жараёнининг ҳам хотирага, ҳам тафаккурга мўлжалланганлиги, ўқувчилар ўзлаштиришининг индивидуаллиги, таълимда ўқувчилар фаоллиги қаби хусусиятлар ижодий таълимнинг ўзигагина хос сифатлардир. Уларга риоя қилиш таълим жараёни самарадорлигини оширишга олиб келади. Ана шуларга кўра ижодий таълим шароитида ўқув ишларининг самарадорлигини ошириш педагогик тажриба предмети сифатида белгиланди⁹³.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш самарадорлигини аниқлашга қаратилган тажриба-синов

⁹³ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов.) – Т.: Маънавият, 1998.– 272 б.

ишлари статистик таҳлил орқали очиб берилди. Тажриба-синов ишлари Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 6, 10, 23, 35-сонли, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ва Нурота туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабларида, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 4-, 21-сон умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари ва бошланғич синф ўқитувчилари гуруҳларида амалга оширилди.

Таълим жараёнида қўйилган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги тафовут қанча кам бўлса, таълим шунча самарадор саналади⁹⁴.

Самарадорликнинг сифат кўрсаткичлари билим ва фаолият усулларини эгаллашга кўра аниқланади. Миқдор кўрсаткичлари эса таълим мақсади ва ўқувчилар эришган билим, кўникма, малакалар орасидаги фарққа кўра аниқланади. Самарадорликни ошириш куйидаги йўналишлар бўйича синовдан ўтказилади: таълим сифати (ўқувчилар билимининг кўлами, умумлаштиришлар даражаси, билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ эта олиш, билим ва малакалардан зарурат туғилганда фойдалана билиш)ни яхшилаш; таълим натижасининг қўйилган мақсад (билим, малака, ижодий фаолият тажрибасини Давлат таълим стандартлари даражасида ва ундан юқори даражада ўзлаштириш)га яқинлаштириш; таълим воситаларининг таълим-тарбия жараёни моҳиятига мослигини таъминлаш; вақт бюджетини оқилона тақсимлаш. Қайд қилинган йўналишлар педагогик тажриба мақсадини аниқлашни маълум даражада осонлаштиради: ижодий таълимни илмий асосланган лойиҳалаштириш воситалари негизида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишнинг самарадорлик даражасини дидактик жиҳатдан белгилаш педагогик тажрибанинг мақсади ҳисобланади.

Тажриба-синов мақсадини назарда тутиб куйидагиларни методик жиҳатдан ҳал қилишни тажриба вазифалари деб белгиладик.

⁹⁴ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов.) – Т.: Маънавият, 1998.– 272 б.

I. Тажриба-синов предметини аниқлаш, мақсадини расмийлаштириш. Ижодий таълимнинг самарадорлик даражасини ўрганиш, таълим самарадорлигини оширишга йўналган омилларни таҳлил қилиш йўли билан самарадорлик аниқланиб, тадқиқот мақсади шакллантирилди.

II. Ижодий таълим муносабати билан бошланғич синфларда она тили таълимини ўқитиш тизимига киритилган янгиликларни тавсифлаш. Она тили таълимини ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш асосида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш шарт-шароитлари янгиланди, таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишга яроқли лойиҳалаш концепцияси яратилди.

III. Тажриба-синовнинг самарадорлигини ўрганиш ва тавсифлаш учун ижодий таълимни изоҳли-кўرғазмали таълимга таққослаш шакллари кайд қилиш. Бу вазифани сифатли ҳал этиш мақсадида ўқитувчилар изоҳли-кўрғазмали ва ижодий таълимга оид дарс қурилиши билан таништирилди, уларга тегишли тавсиялар берилди.

IV. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларда юз берадиган индивидуал ўзгаришларни изчил кайд этиш. Бу мақсадда ўқувчиларни индивидуал кузатиш режаси ишлаб чиқилди. Унда ўқувчилар томонидан ўқув материалига оид ахборотларни қабул қилишдаги аниқлик; топшириқларни аниқ, тўлиқ, диққат билан бажариш; билишга қизиқиш, топшириқларни мустақил белгилаш каби хусусиятлар кайд этилди.

V. Она тили таълимида ўқувчиларнинг хорижий технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги билан боғлиқ хусусиятларини ўрганиш. Дастурнинг самарадорлиги у нима мақсадда фойдаланилишидан тортиб лойиҳалаш жараёнигача бўлган элементларга боғлиқ бўлиб, уни бир мезон билан баҳолаш қийин. Шундай бўлса-да, она тили таълимини лойиҳалаштириш дарс самарадорлигининг асосий хусусияти сифатида қаралади.

3.2.§. Она тили дарслари самарадорлигини ошириш шарт-шароити

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, таълим тўғрисидаги сиёсатини ифодаловчи «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг тасдиқланиши таълим соҳасини ислоҳ қилиш сари қўйилган қадамдир. Мазкур қонунда мустақил мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу ҳужжатларда ёш авлодга давлат ва жамият томонидан белгиланган талаблар асосида дунёвий таълим-тарбия бериш учун таълимий тизимлар хилма-хиллигига ўтиш зарурати алоҳида таъкидланган.

Таълим мазмунининг хилма-хиллигини таъминлаш, ҳар бир ўқув предмети бўйича таълим жараёнида таълим мақсадининг амалга оширилишини таъминлаш, шахс, давлат, жамият, фан-техника, ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан талаблари, фан ва техниканинг тараққиёт даражасига мувофиқ тарзда таълимнинг мазмунини муайян тизимга солиб, мунтазам янгилашни назарда тутишни тақозо қилади. Бу соҳада таълим тизими ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига таяниш муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, таълим мақсадига мос равишда таълим мазмунининг мунтазам равишда янгилашиб бориши ижтимоий буюртманинг асосини ташкил қилади. Таълим мазмунини янгилаб бориш асосида ўқув-билув жараёни олдида қўйилган талабларнинг қўламини аниқлашни тақозо қилади. Жумладан, бугунги кунда дидактика олдида турган муҳим масалалардан бири 2030 йилгача бўлган таълим мазмунининг янги моделларини аниқлашдан иборатдир.

Мавжуд шароит ҳамда кузатишларимиз натижасида шуни таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятлари, мулоқот кўникмаларини изчил ривожлантириш умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган она тили таълимининг асосий бош мақсади бўлмоғи лозим. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса, таълим мазмунининг ушбу мақсадга мутаносиб тарзда белгиланишига эришиш талаб этилади. Мазкур муаммонинг ечими бир қатор ижтимоий-педагогик омиллар:

а) шахс, давлат ва жамият эҳтиёжлари, фан, техника, технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнлари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда таълим олдига қўйилган муҳим талаблар ва ўқув-билув мақсадига мос келувчи таълим мазмуни;

б) мустақиллик йилларида она тилининг луғат таркибидаги ўзгаришлар;

в) «Педагогика фани концепцияси», «Она тили таълими концепцияси» ҳамда ўқув-методик мажмуаларининг янги авлодини яратишдан иборат.

Жумладан, она тили таълими, унинг мақсадига мувофиқ келадиган мазмунини белгилашнинг дидактик асосларини яратиш эҳтиёжи ва она тили таълимининг янги давр тақозо қилаётган мазмунини белгилашнинг ижтимоий талаблар ва таълим мақсади билан боғлиқ тарзда бир қатор дидактик имкониятлари ҳам мавжуд. Худди шундай асослар жумласига она тили таълимининг ижтимоий талаб доирасини белгилаган ҳолда мақсадга мос келадиган мазмунини танлаш, таълим жараёни тузилишининг мақсади, вазифаси ва даражаларини, мазмунни баён этиш усулларини ҳамда таълим жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган дидактик қарашлар тизимини янгидан белгилаш вазифаси қўйилди. Мазкур илмий қарашларда таълим-тарбия жараёнининг концептуал даражада асосланган мазмуни, таълим натижасининг сифатини баҳолашга хизмат қиладиган мезонлар ва кўрсаткичлар, муайян ўқув предмети негизини ифодаловчи билим ва тушунчалар, таълим мазмунининг муайян даражаси, шакли, тақдим этиладиган ўқув материаллари кўлами, ўқув предмети мақсади ва унинг мазмуни мутаносиблигини таъминлаш принциплари, она тили таълими мазмунининг янги модели белгилаб берилади. Бу моделни белгилашда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, манфаатдор тарафларнинг эҳтиёж ва имкониятлари, яъни давлат ва жамиятнинг долзарб эҳтиёжлари ҳамда таълим олувчилар (ўқувчилар)нинг имкониятлари алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Бу ўз навбатида ўқув-билув жараёнини назарий-амалий жиҳатдан таъминлаш асосида унинг мазмунини белгилаб беришни тақозо қилади.

Таълим жараёни олдига ўқувчиларнинг мулоқот маданияти, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадининг қўйилиши ҳам таълим жараёни мазмунини унинг мақсадига мос тарзда белгилаш заруратини кучайтиради. Жумладан, она тили таълимининг янги мазмуни ўқувчиларнинг мулоқот маданияти ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилоғи лозим. Таълим мазмунини янгилаш эҳтиёжи янги педагогик ёндашувларнинг шаклланганлиги билан ҳам бевосита.

Умумий ўрта таълимнинг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бундай эҳтиёжни ҳал қилиш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Мана шу зарурат туфайли давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди⁹⁵. Таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, воситалари ҳамда методларини ифодалаган тушунчалар тизими аниқ дидактик ёндашувлар асосида белгилаб берилиши лозим. Сўнгги йилларда умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилаётган таълим жараёни натижалари, мақсади, мазмуни ва методик тизимини ўрганиш, таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим мақсади ва унинг мазмунини белгилашда бу икки тушунчанинг мутаносиблигини таъминлашга эътибор бир қадар камроқ қаратилган. Фикримиз далили сифатида олдинги йилларда яратилган «Она тили» ўқув дастурларига мурожаат этамиз. Дастурларда моҳиятга ўқувчиларнинг тўғри фикрлаш, фикр маҳсулини аниқ ва раво баён қила олиш, ўзгалар фикрини англай олиш кўникма, малакаларини ривожлантириш нуқтаи назаридан эмас, балки уларга грамматик қоидаларни сингдириш, ўқувчиларнинг лингвистик билиминини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган мавзулар ҳисобидан ёндашилган. Бу ҳол қисман ҳозирда ҳам давом этмоқда. Айтиш ўринда мазкур ҳолат ўқувчиларда раво ва боғланишли нутқ, мустақил фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб

⁹⁵ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): пед.фан.док. дис...автореф.— Т., 2006. — 49 б.

келмоқда. Бу эса ўз навбатида таълим мазмунини унинг мақсадига муносиб тарзда янгилаш эҳтиёжини кучайтирмоқда.

Таълим мақсади ва таълим мазмунини белгилашнинг тарихий йўлини ўрганиш натижасида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик: предметли ўқитиш тизимига асосланган дастлабки таълим мазмуни ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб, давлат ва жамият мафкураси ҳамда таълим мазмунига мувофиқ тарзда яратилган. XX асрнинг 30-йилларида ўзбек тилидан она тили сифатида махсус таълим олдида она тили фонетик, лексик ва грамматик қурилишининг замонавий талқини асосида янги миллий адабий тил меъёрларини оммалаштириш каби мақсад жуда тўғри, давр эҳтиёжлари билан уйғун равишда қўйилди ва шунинг учун тез самара бериб, 10-15 йил давомида ҳозирги ўзбек адабий тилининг республикада кенг амалиётда бўлишини ва оммалашини тугал таъминлади, деб айтиш мумкин. (Бу усул Ғарбий Европа давлатларининг XIX-XX асрлардаги тажрибасида ўзини оқлаган, синалган усул эди.)

Умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган таълим мақсади ва мазмуни муносиблигини таъминлашнинг ривожланиш жараёнини таҳлил қилар эканмиз, мазкур даврда таълим мақсадига мувофиқ келадиган таълим мазмуни икки тамойил асосида белгилаб берилганлигини аниқлашга эришдик:

1) ўқув материалларини ўзаро кетма-кетлик тамойили асосида ўқувчиларга тақдим этиш мўлжалланганлиги;

2) ўқув материалларини босқичли кетма-кетлик асосида баён этилганлиги. Таълим мақсади ва унинг мазмунини белгилашнинг асосий мезонлари ўша даврда ўқув дастурининг кириш қисмида баён этилган. Таълим мақсадига мос тарзда унинг мазмунини белгилашнинг тарихий тараққиёт босқичларини таҳлил қилар эканмиз, таълим мақсади, мазмуни давр ва ҳукмрон мафкуранинг долзарб вазифалари билан боғлиқ тарзда вужудга келганлигини, таълим мақсадининг ривожланиши баробарида унинг мазмуни ҳам бойиб, такомиллашиб борганлигини кузатдик. Таълим мазмунини

таълим мақсадига мутаносиб тарзда белгилаш масаласи Л.Скворцов, М.Н.Кожина, И.Я.Лернер каби дидакт-олимларнинг илмий тадқиқотларида чуқур таҳлил этилди, аммо таълим мақсади айнан тадқиқ манбаи бўлган эмас.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, яъни миллий истиқлол даврида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва уларда ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга – ижодий тафаккур соҳибини етиштиришга эътибор кучайди. Давлат таълим стандартларига асосланган модернизациялашган ўқув дастурлари ана шу мақсаднинг амалга ошишига хизмат қилувчи илк фаолиятлардандир⁹⁶. Барча ўқув предметларининг хусусий мақсадлари таълимнинг умумий бош мақсадига мутаносиб тарзда белгиланади ва бугунги кун таълим мазмунига мувофиқ ўқувчига таълим жараёнида назарий билим асосларидан фойдаланиш ижодий фаолият кўрсатиш, яъни ижодий амалий фаолият учунгина зарур бўлади, холос. Том маънода бугунги кун мактаб таълим-тарбиясини кўрган ўқувчи назарий билимлар соҳибини эмас, балки билимлардан ижодий фойдалана оладиган ижодкор, тадбиркор бўлиб етишиши назарда тутилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош талаби ҳам ана шу масала билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, кейинги йилларда яратилаётган ўқув-методик мажмуаларда иллюстратив материалларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида таълим жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш имконини беради. Жумладан, она тилидан яратилган ўқув-методик мажмуаларнинг муҳим аҳамияти шундаки, улар таълим жараёнини чуқур таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг она тили бойликларини эгаллаш ва унинг кенг имкониятларидан фойдаланиш соҳасида тўплаган малака ва кўникмаларини текшириш натижаларига асосланган илмий хулосаларга таянилиб такомиллаштириляпти. Она тили таълими ўқувчиларнинг ўқиш

⁹⁶ Галактионова Т.Г. Чтение школьников как социально-педагогический феномен открытого образования (теоретико-методические основы исследования): моногр. – СПб., 2007. – 124 с.

техникасини ривожлантириш асосида уларнинг сўз захирасини ҳамда фикр англаш, она тилининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантиришга самарали хизмат қилмоғи лозим. Рус педагоглари томонидан яратилган аксарият адабиётларда аниқ илмий таҳлил ва диагностика натижаларига таянилиб, V-IX синф ўқувчилари синфда ва синфдан ташқари қанча саҳифа бадиий асар ўқиши лозимлиги меъёрлаштириб қуйилган ва биз бу меъёрлардан самарали фойдаланганмиз. Она тилидан яратилган ўқув-методик мажмуаларда ҳар бир тил сатҳини (фонетика, морфология, синтаксис, боғланишли нутқ ва ҳ.) ўқувчиларга ўргатиш жараёнида уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга хизмат қиладиган тил воситаларини ўргатиш масаласига алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жамият тараққий этиб борган сари таълимнинг жамият ҳаёти, шахс фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ортади. Дастлаб бу соҳадаги камчиликлар кўзга ташланди ва ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар кўлами белгиланди. Ана шундай эҳтиёж туфайли XX асрнинг 90-йиллардан кейин Ўзбекистонимизда бутун таълим тизимининг мазмунини, шу жумладан, она тили ўқув предмети мазмунини янгилашга зарурат туғилди⁹⁷. Агар дунё миқёсида оладиган бўлсак, статистик маълумотлар жаҳон ёш авлодининг саводхонлик даражаси паст эканлигини кўрсатади ва бу она тили ўқув предмети мазмунини янгилашга бўлган заруратни кучлироқ намоён қила бошлайди. Шу ўринда таълим жараёни олдига давлат ва жамият томонидан қўйилган ижтимоий буюртма талабидан келиб чиқиб она тили таълимининг мақсади, мазмуни, воситалари, усул ва методларини белгилаш лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Табиийки, таълим мақсади ва мазмунини ҳар бир давлат ўзи яшаётган жамият эҳтиёжларига, ўқув жараёни хусусиятларига мос равишда белгилайди.

⁹⁷ Болтаева Ш.Т. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш.– Самарқанд, 2019. -168 б.

Муайян давлатнинг таълим мақсади ва мазмуни, умуман, таълим тизими бошқа бир жамият учун айнан андоза бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзоларининг умумий мулоқот кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириб бориш мақсадида ўқув предмети мақсади ва мазмунини янгилашда икки йўналиш мавжудлигини кузатамиз :

1) таълим олдига қўйилган ижтимоий буюртмани бажариш имконини берадиган таълим мақсади ва мазмунини белгилаш;

2) таълимнинг истиқболга йўналтирилган мақсадига мос тарзда ўқувчида эвристик ижодкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини аниқлаш⁹⁸.

Ижтимоий тараққиётнинг жадаллашуви, жамият аъзолари, шу жумладан, ўқувчи шахсига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-педагогик омилларнинг кўпайиши натижасида ўқувчиларнинг ривожланиш жараёни тезлашади. Уларнинг дунёқараши, тафаккури, тил бойлиги бир қатор ижтимоий-педагогик омиллар таъсирида мунтазам ривожланиб боради. Айни шундай пайтда бир қолипга тушиб қолган меъёрлар асосида белгиланган таълим мазмуни таълим мақсадларига мос келмайди ва ўқувчининг эҳтиёж ҳамда имкониятларидан узоқлашади. Бу ўринда таълим мазмунининг унинг мақсадларига мувофиқлиги тамойили бузилади. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланаётган ҳозирги босқичда мустақиллик, иқтисодий, ҳуқуқий эркинлик жамият аъзолари ижтимоий онгининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Дарсликлар, ўқув адабиётлари мазмунидаги ахборот банкларининг кенгайтирилганлиги ўқувчилар онгининг кўплаб янги тушунчалар, маълумотлар билан бойишига имкон беради. Бу мувофиқлик куйидагилар мисолида яққол намоён бўлади:

–таълим мазмунининг таълим мақсадига мувофиқлиги, таълим жараёнининг тўғри шаклланиши кўп жиҳатдан ўқувчи учун тушунарли

⁹⁸ Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: Ўзбекистон, 2005.– 384 б.

ва самарали бўлган ўқув материалига, унинг таълим мақсади талабларига мувофиқ келишига боғлиқ;

–таълим жараёнининг ҳажми, материали, усули – оддийдан то мураккабгача – таълим мақсади ва мазмунига мос дидактик меъёрлар, психологик асосларга таянилган ҳолда танланишига чуқур эътибор қаратиш керак. Худди шундай меъёрлардан бири ўқувчи шахсига таълим жараёнининг субъекти сифатида қарашдан иборат.

Тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш аҳамияти ва самарадорлигини исботлаш мақсадида тажриба ўтказилган синфларда бир неча йил мобайнида дарслар олиб борилди. Дастлаб 5-9 синфларда ўзлаштирилган билимларни дастур, дарсликлардаги ҳамда ўқитувчи томонидан берилган қўшимча маълумотларни амалий қўллай билиш даражасини белгилаб берувчи мезонларни аниқлаб олдик: товуш ўзгариши ҳодисаларини билишлари ва орфоэпик ҳамда орфографик хусусиятларидан келиб чиқиб уларни амалий татбиқ этишлари; турли услубда яратилган матнлардаги, хусусан, бадиий асарлардаги сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига турларини мақсадга кўра контекстуал прагматика нуқтаи назаридан идрок этиш ҳамда қўллай олишлари; матндаги сўз, қўшимчаларнинг категориал мансублигини билиш, уларнинг контекстуал прагматикасини ҳис этишлари; синтактик бирликларнинг услубий вазифаси, шунингдек, прагматик ўзига хослигини таҳлил қила билишлари ҳамда ёзма (ижодий) ишларда қўллай олишлари.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда (2017-2021 йиллар) ташкил этилди. Дастлабки босқичда (2017-2018 йиллар) тадқиқот ишларида жорий Она тили дастурида берилган мавзуларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда тил сатҳлари бўйича мавзуни прагматик аспектда ўрганишда, тушуниш ва тушунтиришда муаммолар мавжудлиги намоён бўлди. Аксар ҳолларда мавзуларни ўрганиш жараёнида грамматизмга берилиш устунлиги кузатилди. Она тили ўқитувчилари машғулотларда асосан дарсликдаги маълумотларни статистик тарзда ва статистик характерда беришга

одатланганликлари умумий характер касб этганлигига гувоҳ бўлдиқ. Ўқувчилар ҳам она тили дарсларини қоидалар йиғиндисидан иборат машғулот сифатида қабул қилишга одатланганлар.

Таълим мазмуни унинг мақсадига мувофиқ тарзда танлангандагина, у таълим натижасининг самарадорлиги, ўқувчиларнинг интеллектуал ақлий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Унутмаслик керакки, ҳар қандай таълим жараёни эмас, балки ўқувчида ижодий, мустақил фаолият кўрсатиш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган ўқув-билув жараёнигина ўқувчиларнинг ақлий интеллектуал тараққиёти, ижодий мустақил фикрлашини таъминлашга хизмат қила олади⁹⁹. Ўқув материални, шу жумладан, она тили дарсларида тилшунослик фани асосларини ташкил этган қоида ва таърифларни қуруқ ёдлаш, уни тушуниб тушунмай қабул қилиш, олдинги дарсларнинг материалларини амалий жиҳатдан ўзлаштирмай туриб янги материални ўрганишга уриниш ўқувчининг билиш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик каби кўпқиррали фаолиятини ривожлантиришга муайян даражада тўсқинлик қилади. Бундай ҳолларда ўзлаштирилган билимлар, назарий тушунчалар ўқувчи томонидан тўла қабул қилинмай, ўзлаштирилмай қолиб кетади ёки ўзлаштирилганда ҳам ўқувчи хотирасидан тезда ўчади. Шунинг учун ҳам бундай таълим жараёни ўқувчининг мустақил фикрлаш, мулоқот кўникмаларини самарали ривожлантиришга таъсир кўрсата олмайди. Таълим жараёнидаги фаоллик, шу жумладан, тил воситаларини фаол ўзлаштириш кўп жиҳатдан инсон (ўқувчи)нинг шахсий эҳтиёжлари билан боғлиқ. Бу эҳтиёж эса ўз навбатида ўқувчи фаолиятининг асосий йўналишини белгилайди. Ўқувчи фаолиятининг асосий йўналиш ва мазмунини қуйидагилар ташкил қилиши лозим:

1) давлат ва жамиятнинг таълим олдига қўйган талаблари ҳамда ўқувчи шахсининг билим олиш, уни амалда қўллашга бўлган эҳтиёжлари. Бу эҳтиёж

⁹⁹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.– М., 1998.–С 3-10.; Рубинштейн С.Л. Психология личности.–М.: Просвещение,1991.–237 с.

хамда талаблар билим ва тушунчаларни ўзлаштириш, ахборотларни эгаллашга бўлган интилиш ва рағбатни вужудга келтиради;

2) ахборотларни ўзлаштириш жараёни ўқувчиларда ўқув материалларини ўрганишга қизиқиш уйғотади. Ўқувчилар бу жараёнга ўқув-билув фаолиятининг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашадилар.

Ўқувчиларда ўқув материалларини ўрганишга нисбатан қизиқишларнинг пайдо бўлишида таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқ тарзда танланганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки худди мана шу мақсадга мувофиқ тарзда танланган таълим мазмуни ўқувчиларни ақлий-интеллектуал фаолликка рағбатлантира олади. Шундагина ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига эришилади. Таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқлигини таъминлаш ўқувчилар ўқув-билув фаолияти, ўқув материалларини ўзлаштириш ва улардан ижтимоий ҳаётда ўринли фойдалана олиш имкониятини кенгайтиради. Айни вақтда таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқлик даражаси ҳам ортиб боради. Дидактикада таълим жараёни ёки таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқлик даражаси ҳақида баҳс юритилар экан, одатда оддийдан мураккабга бориш йўли танланади. Таълим мақсадига таълим мазмунининг мувофиқлигини таъминлаш учун таълим жараёнида ўқувчи олдига унинг эҳтиёжлари ва имкониятларига мос келадиган ўқув топшириқлари қўйилиши керак. Бундай ўқув топшириқлари ўқув юкламасининг асосини ташкил этишига эришиш лозим. Ўқувчиларнинг тафаккур доираси ва нутқий равонлик даражасини синчиклаб ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, таълим жараёнида ўқувчи шахси олдига у ёки бу муаммони ечиш вазифаси қўйилар экан, «Бундай муаммонинг қўйилиши таълим мақсадига мувофиқми?» деган саволга дидактика нуқтаи назардан доимо ижобий жавоб бўлиши лозим. Ўқувчи олдига қўйилган муаммонинг ечими уни ўйлашга, мустақил фикрлашга ва муайян ҳолатларда мантиқий хулосалар чиқаришга ундай олиши лозим. Шунинг учун ҳам таълимнинг дастлабки босқичлариданок таълим мақсадига мувофиқ келадиган тўғри ва аниқ вазифалар белгиланиши,

Ўқув юкламасини тузишда ўқувчининг ёш меъёрлари ҳисобга олинishi, ҳар бир машғулотда ҳосил қилинадиган малака ва кўникмалар аниқ режалаштирилиши таълим мақсади ва мазмуни муштараклигини таъминлашга хизмат қиладиган жиҳатлардандир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти динамик тарзда ривожланади. Буни ҳисобга олган ҳолда белгиланган таълимнинг умумий ва муайян фанларга хос хусусий мақсадлари ўзаро муштаракликда таълим мазмунида намоён бўлади. Таълим мазмунининг таълим мақсадига мувофиқ бўлишини таъминловчи муҳим шартларидан яна бири шундаки, таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фаолият кўрсатиш, эркин фикрлашга ундовчи ўқув машғулотлари тизими, таълим жараёнидаги ҳар бир предмет, ҳар бир турдаги фаолият, ҳар бир дарс ва муайян дарсда ўқувчи бажариши учун мўлжалланган ўқув топшириқлари жамланмаси, барча-барчаси, яъни бутун таълим тизими бош мақсадни амалга оширишга, ақлий, мантиқий фаолиятга киришиш вазифасини қўйишга, амалга оширишга хизмат қилмоғи керак. Шубҳасизки, таълим тизимида ўқитилаётган ҳар бир предметдан шу мақсаднинг қайси «винт»часини воқелантириши, яъни ҳар бир предмет ва ўқув предметининг хусусий мақсадини қатъий белгилашни, шу предмет бўйича таълим мазмуни, материали, усули ва ҳар бир дарсу топшириқни шу мақсадга бўйсундиришни – ҳар бир қадам шу хусусий мақсаднинг қайси ёки қандай «мурват»и бўлишини қатъий белгилашни талаб этади. Таълим мазмуни унинг мақсадига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун юқорида баён этилганлар билан бир қаторда айни шу мазмуннинг муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда тарихий давр руҳини ифодалаши ҳам ўқувчи ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи келажакда муносиб ўрин эгаллашга интилаётган жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий, маърифий ҳаёти, халқ турмуш тарзи, руҳиятини ҳам таълим мазмуни ўзида акс эттириши керак. Чунки худди мана шу халқнинг турмуш тарзи ва жамият ҳаётида ўқувчи муносиб ўрин эгаллаши учун унга мослашиши, тайёр бўлиши лозим.

2019-2020 йиллар тадқиқотнинг иккинчи босқичида таянч компетенцияларни шакллантиришда матн устида ишлашга асосий эътибор қаратилди. Фонетикадан товуш (фонема)ларни нутқий вазиятларда турли ҳис-туйғуларни ифодалаш, лексикологияда сўзларнинг ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан жиловланиши, грамматикада ҳар бир қўшимчанинг услубий ўзига хослиги, грамматик категориянинг жумла, матндаги денотатив ва коннотатив маъноларини ўқувчилар томонидан идрок этилиши устида ишлаш, уларда прагматик компетенцияни шакллантиришга жиддий киришилди, бу борада изланишлар олиб борилди. Ишимизнинг иккинчи бобида баён этилган назарий билимларни шакллантириш, ҳар бир тил сатҳи ва категориал шаклни таҳлил ва идрок қилиш, амалий қўллаш юзасидан берилган йўриқ ва тавсияларга асос бўлган натижалар юзага келди, билим ва тажрибалар тўпланди.

Тажриба синф ўқитувчилари учун бошланғич синфларда ўрганиладиган тил сатҳлари мавзулари, грамматик шакл ва кетегорияларни ҳам назарий, ҳам амалий ҳис қилишлари, идрок этишлари, уларни оғзаки ҳамда ёзма нутқда мақсадга, шароитга, муҳитга кўра ўринли қўллаш лаёқатини ўқувчиларда шакллантириш бўйича дарс ишланмалари яратилди. Ўқитувчилар ушбу ишланмалар билан машғулотлар ўтиб, улардаги шакл, мазмун-моҳиятни, методик йўсин ва йўриқларни ўзлаштириб олишгач, ўзлари ҳам самара берган намуна асосида ишланмалар ёза ола бошладилар. Бу ишланмаларда мавзулар моҳиятига мувофиқ келадиган усул ва методлар ишлаб чиқилди. Синфлар юқорилашиб боргач, прагматик компетенцияни шакллантириб, ривожланишига туртки берадиган тадрижий мураккаблашиб боровчи савол ва топшириқлар бериб борилди. Бундай ижодий прагматик лаёқатни такомиллаштиришда қулай эканлигини амалиётда мазкур ишланма, усул ва метод асосида дарс ўтган ўқитувчилар ҳам эътироф этишди. 2019-2020 йиллар давомида олиб борилган мазкур ишлар маълум даражада ўз самарасини берди. Она тилидан кўзда тутилган материалларни ўрганиш бўйича йиллик ўсиш назорат синфларига қараганда тажриба синфларида Кармана туманидаги 6-мактабда 20%, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 1-мактабда 30%, Бухоро шаҳридаги 6- мактабда 28% ни ташкил этди.

Тажриба-синов ишларимизнинг учинчи босқичи 2021 йилда амалга оширилди. У умумлаштириш, хулосалаш, олинган натижаларни амалиётга кенг татбиқ қилиш босқичлари бўлди ва қуйидаги ишларда ўз аксини топди: 1) диссертациянинг иккинчи боби уч параграфида тавсия қилинган тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди; 2) тадқиқот давомида олинган натижалар асосида илмий-методик мақолалар эълон.

3.3.8. Тажриба-синов натижалари таҳлили

Ўтказилган тажриба-синов ишлари ҳақида умумий қилиб шунини айтиш мумкинки, синфлар юқорилаб боргани сари тажриба синфларида ўқувчиларнинг матн таҳлили орқали ўқувчилар таянч компетенциялари ривожланиб борди, матнлар устида ишлаш, тил ҳодисаларини назарий ва амалий идрок этиш, ҳис қилиш даражалари ўсди, фикрлари нисбатан теранлашиб борди. Албатта, бу болаларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқадиган табиий ҳолатдир. Мисол учун, бошланғичдан юқори синфга ўтган 4-синф ўқувчилари табиатида тақлид қилиш, буюрилганни бажариш одати етакчилик қилади. Бу ёшда ижрочилик кучлилиги кузатилади. Бу билан бирга тавсия этилган маълумот ва билимларни тез, юқори иштиёқ билан ўзлаштирадилар, дастурда белгиланган кўникма ҳамда малакаларни ҳам шакллантириш бир қадар енгил кечади. Бошланғич синф ўқувчиларида эса шахсий қизиқишлар юқори бўлади. Бошқаларни кузатиш, уларни баҳолаш, воқеликка танқидий назар билан муносабатда бўлиш ортиб боради. Шу боис ҳам бадиий матнни тил сатҳлари бўйича анализ ва синтез жараёнида, тил бирликларига нутқ вазиятларида прагматик ёндашиш борасида ўзига хос муносабат шакллана боради. Шу туфайли юқори синфда мустақил фикр, эркин мулоҳаза нисбатан юқорироқ эканлиги кўрилади.

Навоий вилояти Кармана туманидаги 6-мактабнинг 3-“А” тажриба синфида ўқув йили охирида 33 ўқувчидан 24 таси ўрганилган бадиий матнларни тил сатҳлари бўйича прагматик идрок этиш талаб даражасида эканлигини кўрсатди, яъни ўқувчиларнинг 75 фоизи кутилган натижани кўрсатди. Синфнинг 8 ўқувчиси эса етарли лаёқатга эга эмаслиги ойдинлашди. Бу болаларнинг 25% ини ташкил этади. 3-“Б” назорат синфида эса ўқувчиларнинг 32 тасидан 16 таси,

яъни 50 фоизи маълум даражада тил сатҳлари бўйича прагматик идрок этишини кўрсатди. “Ўрта” ҳамда “аъло” баҳо нисбатини эътиборга олмай, ўзлаштириш, яъни тил сатҳлари бўйича прагматик идрок этиш бу икки синф орасида 25 фоиз билан фарқланмоқда.

Мактабнинг 4-синфидан олинган натижаларда ҳам фарқ унча катта эмас. Баҳолаш учун мезон қилиб олинган бадиий матнларни тил сатҳлари бўйича прагматик идрок этиш тажриба ва назорат сифатида олинган 3-синфлардаги фарқланиш 24% ни, 3-синфларда эса 24% ни кўрсатди. 4-синфда намоён бўлдики, бу фарқ 27 фоизни ташкил этди. 4-синфда бўлса қуйи синфлардан бир мунча ортган, яъни 30 фоиз.

3.2.1-жадвал

Навоий вилояти Кармана 3-мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф	Ўқувчи сони НС/ТС	Назоратсинфларида (НС)				Тажриба синфларида (ТС)				ТС натижаси НС га нисб. % хисобида
		Таянч компетенция даражаси				Таянч компетенция даражаси				
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”	
1	33/32	-	4	12	17	4	8	12	8	25%
2	32/30	-	3	8	21	3	4	10	13	24%
3	31/28	-	2	7	22	2	3	10	13	24%
4	34/31	2	5	9	18	4	7	12	8	27%
Жами	130/121	2	14	36	78	13	22	44	42	26%

Навоий вилояти Кармана туманидаги 6-мактабда кузатилган дарслар, олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаси бошқалардан юқорилиги билан ажралиб туради. Бунда моҳир педагог Н.Жўраеванинг билим, тажриба ва маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишимизнинг биринчи боб биринчи фаслида тил ва адабиёт муаллимларининг касбий тайёргарлиги ҳамда мутахассис сифатидаги малакаси борасидаги фикрларимиз айнан шу ўқитувчи билан ҳамкорлигимиз асносида ўз тасдиғини топди. Педагогнинг билимдонлиги, дастур материалларини теран тушуниши ҳамда методик маҳорати эришилган ютуқларнинг омили бўлиб хизмат қилди.

3.2.2-жадвал

Наманган вилояти Пахтачи туманидаги 1-мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф	Ўқувчи сони НС/ТС	Назорат синфларида (НС)		Тажриба синфларида (ТС)		ТС натижаси НС га нисб. %
		Таянч компетенция даражаси		Таянч компетенция даражаси		

		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”	ҳисобида
3	30/33	1	6	7	16	4	7	14	8	26%
4	31/30	-	5	7	19	3	8	12	7	38%
7	30/30	2	5	6	17	4	7	13	6	37%
8	32/33	1	4	6	21	6	10	12	5	49%
9	29/32	1	4	6	18	8	11	11	2	48%
Жами	152/157	5	24	34	89	25	43	61	28	39%

Наманган вилояти Пахатчи туманидаги 1-мактабдан олинган натижалар ҳам юқоридагиларга уйғун, яқин бўлди. Йил охирига келиб, тажриба ва назорат синфлари солиштирилганда улар ўртасидаги фарк 5-синфда 24 фоиз, 6-синфда 27 фоиз, 7-синфда 28 фоиз, 8-9-синфларда 31 фоизни ташкил этди. Буни юқоридаги 3.2.2-жадвалда акс этган натижаларда кўриш мумкин.

3.2.3-жадвал

Бухоро шаҳридаги 6-мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф	Ўқувчилар сони	Назорат синфларида (НС)				Тажриба синфларида (ТС)				ТС даги натижа НС га нисб. % ҳисобида
		Прагматик компетенция даражаси				Прагматик компетенция даражаси				
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“5”	
1	29/28	1	5	6	17	3	6	9	3	24%
2	26/28	-	3	6	17	4	5	8	4	27%
3	30/29	-	4	5	21	3	5	9	3	28%
4	27/30	1	3	5	18	4	7	8	4	31%
Жами	122/115	2	15	22	73	14	23	34	14	27%

Тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни бошланғич синфларда она тили таълимнинг самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синов жараёнида 903 ўқувчи катнашди.

3.2.4-жадвал

Синфлар кесимида тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари

Мақтаблар	Ўқувчи сони	Назорат синфларида				Тажриба синфларида			
		Баллар				Баллар			
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”
		”							

Кармана туманидаги 6-мактаб	310	3	19	44	94	17	28	56	49
Пахтачи туманидаги 1-мактаб	309	5	24	34	89	25	43	61	28
Бухоро шаҳридаги 6-мактаб	284	2	19	28	9	18	29	43	54
ЖАМИ	903	10	62	106	274	60	100	160	131

Назорат синфларида жами 452, тажриба синфларида эса 451 ўқувчи тажриба-синов ишларида қатнашди. Ўқувчиларнинг сонидан математик-статистик таҳлил учун ўртача (ўқувчилар сони мактаблар сонига нисбатан олинди) 151 тадан ўқувчи танлаб олинди. Назорат ҳамда тажриба синфларида кўрсаткичлар қуйидагича бўлди:

3.2.5-жадвал

Назорат ҳамда тажриба синфлари учун математик-статистик таҳлилнинг умумий кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчи сони	Баллар нисбати			
		“5”	“4”	“3”	“2”
Назорат синфларида	151	18	29	75	29
Тажриба синфларида	151	71	39	27	14

Ушбу жадвал асосида назорат ва тажриба синфларидаги баҳолаш натижаларига мувофиқ частоталар тақсимотини тузамиз:


Назорат сифатида олинган синфлари учун ($n = 151$)

x_i	2	3	4	5	
n_i	29	75	29	18	$n = 151$

Тажриба сифатида олинган синфлари учун ($n = 151$)

y_i	2	3	4	5	
n_i	14	27	39	71	$n = 151$

Бу диаграммада қуйидаги кўринишни олди.



3.2-расм. Статистик кўрсаткичлар диаграммалари

Биз энди юқорида келтирилган жадваллардаги сонли маълумотларни таҳлил қилиш мақсадида математик статистика усулларидадан фойдаланамиз. Бунинг учун гуруҳлардаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини мос равишда, 1-жадвал учун x_i , 2-жадвал учун y_i билан белгилаймиз. Бундан ташқари, x_i ларнинг такрорланишларини эса n_i ва m_i лар билан белгилаймиз. Тажриба-синов ишларидан олдинги ўқувчилар сони $n=151$ кейинги ўқувчилар сони ҳам $m=151$ бўлиб, биз бу сонларни x_i ва y_i вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 1,2-жадваллардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз:

($n = n_1 + n_2 + n_3$ ва $m = m_1 + m_2 + m_3$):

$x_i:$	2	3	4	5	$y_i:$	2	3	4	5
$n_i:$	29	75	29	18	$m_i:$	14	27	39	71

Бу икки вариацион қатор орқали $P_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_i = \frac{m_i}{m}$ статистик

эҳтимолликларни киритиб, қуйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

$x_i:$	2	3	4	5	$y_i:$	2	3	4	5
$P_i:$	0,19	0,5	0,19	0,12	$q_i:$	0,09	0,18	0,26	0,47
$(p_1 + p_2 + p_3 + p_4 = 1)$					$(q_1 + q_2 + q_3 + q_4 = 1)$				

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^4 P_i X_i = 0,19 \cdot 2 + 0,5 \cdot 3 + 0,19 \cdot 4 + 0,12 \cdot 5 = 0,38 + 1,5 + 0,76 + 0,6 = 3,24$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^4 q_i Y_i = 0,09 \cdot 2 + 0,18 \cdot 3 + 0,26 \cdot 4 + 0,47 \cdot 5 = 0,18 + 0,54 + 1,04 + 2,35 = 4,11$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{3,24 \cdot 100 \%}{5} = 64,8\% \quad \bar{Y} \% = \frac{4,11 \cdot 100 \%}{5} = 82,2\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y} \% - \bar{X} \% = 17,4\%$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнгида талабалар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 17,4% га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолаймиз. Дастлаб, танланмалар дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$s_x^2 = \sum_{i=1}^4 P_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,19 \cdot 4 + 0,5 \cdot 9 + 0,19 \cdot 16 + 0,12 \cdot 25 - (3,24)^2 = 0,8024$$

$$\text{Стандарт хатolik: } s_x = \sqrt{0,8024} = 0,89$$

$$s_y^2 = \sum_{i=1}^4 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,09 \cdot 4 + 0,18 \cdot 9 + 0,26 \cdot 16 + 0,47 \cdot 25 - (4,11)^2 = 0,9979$$

$$\text{Стандарт хатolik: } s_y = \sqrt{0,9979} = 0,99$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффициентлари орқали ҳисоблаймиз:

Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффициентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{s_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100 \% = \frac{0,89 \cdot 100 \%}{\sqrt{151} \cdot 3,24} = \frac{89 \%}{12,29 \cdot 3,24} = \frac{89 \%}{39,8196} \approx 2,23 \%$$

$$C_y = \frac{s_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100 \% = \frac{0,99 \cdot 100 \%}{\sqrt{151} \cdot 4,11} = \frac{99 \%}{12,29 \cdot 4,11} = \frac{99 \%}{50,5119} \approx 1,96 \%$$

Ҳар икки хатolik кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ гипотезани Стьюдент мезони ёрдамида текшираимиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|3,24 - 4,11|}{\sqrt{\frac{0,8024}{151} + \frac{0,9979}{151}}} = \frac{0,87}{0,11} \approx 7,91$$

Стъюдент мезонининг 95% лик критик нуктаси $t_{kp}(0,95) = 1,96$ бўлиб, статистиканинг қиймати ундан етарлича каттадир:
 $T_{n,m} = 7,91 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$

Демак, биз H_0 гипотезани рад этиб, $\bar{Y} > \bar{X}$ ҳамда (1) муносабатларни эътиборга олган ҳолда $a_y > a_x$, яъни тажриба ишларидан сўнг, доимо ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз. Ниҳоят, биз x_i ва y_i статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида $K : F_x = F_y$ гипотезани текшириш учун Пирсон (хи-квадрат) мезонидан фойдаланамиз.

$$\chi^2 = \frac{1}{N \cdot M} \cdot \sum_{i=1}^k \frac{(n_i M - m_i N)^2}{n_i + m_i}$$

Бу мақсадда қуйидаги жадвални тузиб оламиз:

4-жадвал

Баҳолар Гуруҳлар	2	3	4	5
Тажриба-синовдан олдин	29	75	29	18
Тажриба-синовдан кейин	14	27	39	71

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз (бизда $N=M=151$):

$$\chi^2 = \left(\frac{(29-14)^2}{29+14} + \frac{(75-27)^2}{75+27} + \frac{(29-39)^2}{29+39} + \frac{(18-71)^2}{18+71} \right) \approx 60,85$$

Пирсон мезонининг озодлик даражаси баллар сонидан 1га камдир: $k=4-1=3$, бу $k=3$ га мос 95% лик критик нукта $Z_{kp}(0,95) = 7,82$. Аммо, $\chi = 60,85 > 7,82 = Z_{k,p}(0,95)$.

Демак, K гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса, тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги ўқитиш методикаларининг фарқланиши

тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичлари ошишига олиб келар экан.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли четланишлари топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,89}{\sqrt{151}} = 1,96 \cdot \frac{0,89}{12,29} = \frac{1,7444}{12,29} \approx 0,14$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,99}{\sqrt{151}} = 1,96 \cdot \frac{0,99}{12,29} = \frac{1,9404}{12,29} \approx 0,15$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$3,24 - 0,14 \leq a_x \leq 3,24 + 0,14 \quad 3,10 \leq a_x \leq 3,38 \text{ А}$$

назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$4,11 - 0,15 \leq a_y \leq 4,11 + 0,15 \quad 3,96 \leq a_y \leq 4,26$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$$\text{Бизга маълум } \bar{X} = 3,24; \quad \bar{Y} = 4,11; \quad \Delta_x = 0,14; \quad \Delta_y = 0,15 \quad \text{га тенг.}$$

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{исб}} = \frac{(\bar{Y} - \Delta_y)}{(\bar{X} + \Delta_x)} = \frac{4,11 - 0,15}{3,24 + 0,14} = \frac{3,96}{3,38} \approx 1,17 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{Y} - \Delta_y) - (\bar{X} - \Delta_x) = (4,11 - 0,15) - (3,24 - 0,14) = 3,96 - 3,10 = 0,86 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги ва билиш даражаси эса баҳолаш мезонини нолдан катталигини кўриш мумкин. Демак, тажриба гуруҳидаги ўзлаштиришлар кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, тадқиқот натижалари бўйича ўтказилган ва диссертацияда келтирилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини ҳамда тажриба синфларида ўқувчиларнинг тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилган.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Мактабда она тилини ўқитишда пировард мақсадга етишнинг бош омиллардан бири матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантиришдир.

2. Она тилини ўқитишда фанлараро интеграция, хусусан, грамматик ҳамда поэтик таҳлил қилиш босқичлари, йўриқларига амал қилиш муҳим саналади.

3. Тадрижийлик тамойилига амал қилиш юксак самара омилидир.

4. Ўқувчилар билим, кўникма, малакаларига талаблар қўйишда, уларни баҳолашда прагматик компетенцияга эга бўлишларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўқувчиларда таянч компетенциялар таълим-тарбия жараёнида фанга оид умумий таянч компетенциялар билан ўзаро боғлиқликда, узвий алоқадорликда она тили фанининг мазмуни, мақсади ҳамда табиатидан келиб чиққан ҳолда, ҳаётий эҳтиёж сифатида шакллантирилиши, ривожлантирилиши лозим.

2. Она тили таълимнинг самардорлигини ошириш матн таҳлили асосида ўқувчиларда таянч компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришда илмийлик, онглилик, узвийлик ҳамда узлуксизлик, оддийдан мураккабга қараб бориш каби тамойилларга асосланиш самардорликни таъминлайди.

3. Коммуникатив компетентлилик ўқувчиларнинг нутқий жараёнда оғзаки ва ёзма мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ихтиёрий матнни тушуниш ва таҳлил қила олиш кўникмаларининг шаклланганлиги, турли мавзуларда мулоқотга тайёргарлик даражаси, киришувчанлиги, нутқнинг ҳар икки кўринишида саводхонлик сифати билан намоён бўлишини белгиловчи кўрсаткичдир. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги уларда прагматик компетенциянинг шаклланганлиги ва ривожланганлигига бевосита боғлиқ.

4. Бадиий матнларнинг фонетик-фонологик таҳлили асосида ўқувчиларда фонема ва товушнинг боғлиқлик, алоқадорлик моҳиятини, нутқ товушларига хос модалликни англаш ҳамда уни нутқий фаолиятда қўллаш билан боғлиқ фонетикага доир таянч компетенциялари ривожлантирилади.

5. Тилнинг лексик бирликлари контекстуал таҳлили асосида ўқувчиларда прагматик интуиция шакллантирилади ва нутқий компетентлик ривожлантирилади.

6. Бадиий матндаги морфологик, синтактик бирликлар таҳлили асосида ўқувчиларда грамматик шакл ва грамматик маъно уйғунлигини англаш, нутқий вазиятлар (ижтимоий маркер, социумнинг коммуникатив

компетентлиги)ни ҳис қилиш лаёқати ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

7. Матн турлари, жумладан, медиа-матнларнинг лисоний таҳлили асосида ўқувчиларда тил бирликларини коммуникатив мақсад ва нутқий вазиятга мутаносиб қўлланишини англаш, тушуниш ҳамда ижодий баҳолашга доир прагматик компетенциялар шакллантирилади.

8. Ўқувчиларнинг дарс машғулотларида биргаликда оғзаки, ёзма шаклда матн яратишлари ҳамда ундаги хатоликларни бирга танқидий таҳрир, таҳлил қилиниши, муваффақиятларни эътироф этилишини ёйиш каби дидактик жараёнларни тизимли йўлга қўйилиши ўқувчиларда лисоний, ижодий ва прагматик компетенцияларни мустаҳкамлайди.

9. Ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш технологиясини лойиҳалаштиришда: а) назарий маълумотларни дарсликдаги машқ ва топшириқлар воситасида мустаҳкамлаш; в) бадиий матн намуналаридан фойдаланиш, буни амалга оширишда синф ва синфдан ташқари фаолиятни уйғунлаштириш; в) машқларни бажартиришда янги мавзу билан чекланмай, узоқ ва яқин ўтилган мавзуларга боғлаш ҳамда таҳлил турларини йўлга қўйиш, бунга ўқувчиларни одатлантириш муҳим илмий-методик моҳиятга эга.

10. Ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантиришда бадиий матнларнинг лисоний таҳлили муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бадиий матнлар таҳлили назарий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга ўқувчиларнинг луғат бойлигини ўстириш, имло меъёрларига доир амалий малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ҳамда тил бирликларидаги маъно товланишларини илғашига имкон очиши билан прагматик лаёқат такомилида аҳамиятлидир.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги тавсияларни баён қиламиз:

1. Ҳар бир ўқув предметининг мақсади, мазмуни, ўқитиш воситалари, шакллари, усул ва методлари таълимнинг умумий мақсадига мос тарзда лойиҳалаштирилишига эришиш.

2. Ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни таълимнинг умумий ва хусусий мақсадларига мос келишини таъминлаш.

3. Ўқитувчиларнинг таълимий топшириқларни таълимнинг умумий ва хусусий мақсадлари, ўқув предметининг мазмуни, ўқитиш шакллари, воситалари, усул ва методларига мос тарзда танлашларига эришиш.

4. Ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар таълимнинг умумий ва хусусий мақсадларига мос келишини педагогик жиҳатдан таъминлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 546 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак//Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. –2017 йил 14 январь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. Lex.uz веб сайти
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. Lex.uz веб сайти
6. Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги Давлат ўқув дастури ва дарсликлар:
 - 6.1. Ғаффорова Т., Шодмонов Э., Ғуломова Х. 1-синф Она тили дарслиги. – Т.: Шарқ, 2017.

- 6.2. Фузаилов С., Қосимова К., Неъматова А. 2- синф Она тили дарслиги. – Т.: Чўлпон, 2017.
- 6.3. Юлдошева Ш., Фузаилов С., Худойберганава М. 3-синф Она тили дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 2019.
- 6.4. Икромова Р., Ғуломова Х., Юлдошева Ш., Шодмонқулова Д. 4- синф Она тили дарслиги. –Т.: Ўқитувчи, 2017.
- 6.5. Узлуксиз адабий таълим концепцияси. – Т.: ЎзПФТИ, 1998. – 21 б.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

7. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): пед.фан.док. дис...автореф.– Т., 2006. – 49 б.
8. Абдуллаева Қ, Сафарова Р. ва б. Бошланғич таълим концепцияси // Бошланғич таълимнинг асосий йўналишлари– Т., 2020.
9. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 161 б.
10. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 168 б.
11. Абдурахмонов Ғ. Ечимини кутаётган муаммолар// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1988, 29 июль. – № 31
12. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида.– Т.: ТДШИ, 1999. – 89 б.
13. Абдураззоқова Қ. Она тилидан 5-синфларда ўқувчилар фаоллигини ошириш: пед. фанлари номз...дисс. автореф. – Т., 1964. – 25 б.
14. Абулғозий Б. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1995. – 192 б.
15. Абулғозий Б. Шажарайи тарокима. – Т.: Чўлпон, 1995. – 141 б.
16. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов.) – Т.: Маънавият, 1998.– 272 б.
17. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Халқ мероси, 1993.–178 б
18. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов.) – Т.: Маънавият, 1998.– 304 б.

19. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: пед. фан. докторлик дисс... автореферати. – Т., 2003. – 280 б.
20. Арипджанова А.Р. Развития креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования: пед. фан.док. (PhD) дис... – Тошкент: 2017. – 179 б.
21. Ausubel D.P. The Use of Advance Organizees in the Storning and Retention of Meaningful Verbal Manreal // Educational Psychology. – N.Y., 1960. – № 51. – P. 267-273.
22. Баракаев Р. Истиклол даври ўқувчилар адабиёти: анъана, ворисийлик ва изланиш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2003. – №3. – Б. 3-14.
23. Болтаева Ш.Т. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш.– Самарқанд, 2019. -168 б.
24. Бобомуродова А. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш: пед. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 1997.– 29 б.
25. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим сифати мониторингини олиб боришни моделлаштириш: пед. фан.док.дисс. - Т.:2016. - 266 б.
26. Галактионова Т.Г. Чтение школьников как социально-педагогический феномен открытого образования (теоретико-методические основы исследования): моногр. – СПб., 2007. – 124 с.
27. Ганиева Б.И. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.номз.дисс. –Т.:2008. –161 б.
28. Дўстмуродова О. Она тили таълими янги педагогик технологиясининг моҳияти. – Т.: РТМ, 2005. – 36 б.
29. Джежелей О.В. Чтение и литература // Программно-методические материалы: Чтение. Начальная школа / Сост. Т.В.Игнатьева. – М.: Дрофа, 2000. – С. 68-69.
30. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения // учеб. пособие. – М.: Флинта, 2007. – С 9.

- 31.Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б
32. Жўраев Н. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўйин ва ўқиш мотивларини ўрганиш // Педагогик таълим. – Т.,2008. – №4. – Б.13-14.
33. Жабборов А., Неъматова Г. Она тили таълимида когнитив психология, вербал таълим ва ижодкор шахс масаласи // Тил ва адабиёт таълими. – 2001. – № 6.
- 34.Жомонов Р. Ўйнаб гапирсанг ҳам ёхуд адабий меъёр ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006, 13 январь. – № 2.
35. Жумаева Н.Э. Умумий ўрта таълимни инсонпарварлаштиришда ўқитиш тамойилларининг ўзаро алоқадорлиги: пед. фан. ном. дисс... автореферати.– Т., 2005.–22 б.
36. Жўраев А. Таълим технологиялари. – Бухоро: Университет, 2005. – 76 б.
37. Жумабоев М. Ўқувчилар адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 264 б.
- 38.Занков Л.В. Развитие школьников в процессе обучения. – М.: Просвещение, 2007. – 152 с.
39. Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси (она тили таълими мисолида). – Тошкент: Фан, 2009. – 160 б.
40. Зиёмухаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: Тиб Китоб, 2009. – 181 б.
41. Зуннунов А. 4-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1974. – 137 б.
42. Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: пед. фан. докторлик дисс... автореферати. –Т.: 2005.– 44 б.
43. Матчонов С. ва б. Ўқиш китоби (4-синф учун дарслик). – Т.: Янги йўл полиграф сервис, 2017. – 222 б.
- 44.Matchonov S. va b. Boshlang'ich sinf o'qish darslarini pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish. – Т.: Yangiyo'l poligraf servic, 2008. – 224 б.

45. Малов С.Е. К истории открытия древнетурецкий рунических надписей в Средней Азии // «Материали Узкомсигариса». – Ленинград: 1936. – № 6-7.
46. Маъмуров М., Аҳмедов А. Қоидабозлик ўрнида амалий машғулотлар //Ўқитувчилар газетаси. – 1990, 1 август. –№ 61.
47. Маърупов З., Абдуллаев Й. Синтаксис ва пунктуация машқлари тўплами (I-V нашрлари). – Т. 1952-1956.
48. Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. – Пед. фан. докторлик. дисс.....-Т.: 2003. –342 б.
49. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo`raboyeva Z. Ona tili. Umumta`lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Т.: Ma`naviyat, 2004.–224 б.
50. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumta`lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Т.: Tasvir, 2005. – 178 б.
51. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D., Mirzaahmedov A. Ona tili. Umumta`lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Т.: Ma`naviyat, 2005. – 128 б.
52. Mengliyev B., Abuzalova M. Hozirgi o`zbek tili (Morfologiya). – Qarshi: Nasaf, 2005. – 184 б.
53. Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари. – Пед. фан. номз. диссер.–Т.: 2004.– 130 б.
54. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Монография. – Т.: Фан, 2006. -146 б.
55. Мустақил фикрлашни шакллантириш омиллари //Вилоят илмий-амалий конференцияси материаллари (2005 йил 13 декабрь). – Бухоро, 2005. –116 б.
56. Неъматов Ҳ., Неъматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-таянч таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар. –2003. – № 3-4.

- 57.Нурмонов А., Зиёдуллаева Г. Ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари // Маърифат, 2014, 18 июль. – Б.9.
- 58.Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. (ўқув кўлланма) – Т., 2001.
- 59.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – Б.13
- 60.Педагогические основы формирования личности учащихся в средней общеобразовательной школе Республики Узбекистан на современном этапе : / коллектив авторов /. Под. ред. док.пед.наук В.И. Андрияновой. – Т.: Фан, 2005. - 166 с.
- 61.Педагогический энциклопедический словарь. –М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. -331 с.
- 62.Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений – Ростов н/Д : Феникс, 1998. – 544 с.
- 63.Пидкасистый П.И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении. – М. Педагогика, 1991. -204 с.
- 64.Подласый И. П. Педагогика новый курс. Учебник для студ пед. вузов: В 2 кн. – М: Владос Кн 2 Процесс воспитания.2003. – 256 с.
- 65.Поляков С.Д. Педагогическая инноватика: от идеи по практики. М. Центр педагогический поиск, 2007.-176 с.
- 66.Петровский А.В., Брушленский А.В., Зинченко П. ва бошқалар. Умумий педагогика.-М.: Просвещение, 1986 йил нашридан таржима ўзбек тилига, - Т.: Ўқитувчи, 1992.
67. Раҳимов С. Педагогические идеи Абу Али Ибн Сины. Автореф. Дисс.на соиск.учен.степени канд.пед.наук. –Т., 1964.-60 с.
68. Ролф Дж. Критичность и самооценка в учебной деятельности. – М.: Орекс, 2005. – 254 с.
69. Розиков О., Маҳмудов М., Адизов Б. Она тили дидактикаси. – Т.: 2006. 85 б.
70. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.– М., 1998.–С 3-10.

71. Рубинштейн С.Л. Психология личности.–М.: Просвещение,1991. –237 с.
- 72.Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларидан она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фан. намз... диссертацияси. – Т.: 1999. – 123 б.
- 73.Сафарова Р. Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 1995. – 110 б.
- 74.Сафарова Р. Теория и практики обучения родного языка в школах Узбекистан в условиях национального возрождения. Автореф. дисс...д-ра. пед. наук. – Т.: 1998. – 36 с.
75. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент. 2008 йил, 318 б.
76. Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: автореф.дис.на соиск. Учен.степ.доктора психол.наук. –Т.: ТМИ, 2005. –38 с.
77. Стъудент тақсимотининг критик қийматлари. Фишер тақсимотининг критик қийматлари. // Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. / Расулов А. С. таҳрири остида.– Т.: Фан, 2005.–275 б.
78. Тализина Н.Ф. Формирование познавательной деятельности младших школьников: Книга для учителя. Front Cover М. 1988.– 125 с.
79. Теплов Б.М. Способности и одаренность// Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. –М., 1981.
- 80.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: Назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005.-206 б.
- 81.Горобек Е.Ж. Педагогические основы подготовки будущих учителей к обучению младших школьников: автореф.дисс.канд.педагог.наук. – Шымкент, 2007. –23 с.
82. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси -Т., Ўқитувчи, 1997.- 188 б.
83. Уман А. И. Учебные задания и процесс обучения. –М.: Педагогика, 2003.– С.5-6.

84. Умарова М., Ҳакимова Ш Ўқиш китоби 3- синф. –Т: Ижод дунёси, 2004.– Б.48-49.
85. Фалсафа: қисқача изоҳли луғатлар. Муаллифлар: Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва б. Масъул муҳаррир: А.Жалолов. –Т.: Шарқ, 2004.–384 б.
86. Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: Ўзбекистон, 2005.– 384 б.
87. Фелуштейн Д.И. Психология и развивающаяся личность. – М.:Владос, 2003. – 456 с.
88. Хайруллаев М. Абу Али ибн Сино. /Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Кодирий, 2001. – 96 б.
89. Хобсон Флейк. Развитие ребёнка и его отношение с окружающими. – М.: Торговый том грант, 1999. – 304 с.
90. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т., 2016. – 314 б.
91. Холматова З.А. Бошланғич синф ўқувчиларида диалогга асосланган муносабатлар маданиятини шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. автореф. – Наманган, 2019. – 49 б.
92. Холиқов Э., Худойкулов Х. Ж. ва бошқ. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ўқув–усулий қўлланма.– Т.: ТДАИ, 1999.–98 б.
93. Хуторский А.В. Развитие одарённости школьников: методика продуктивного обучения . – М.: Владис, 2000. – 320 с.
94. Чаброва Т. Изословарь в картинках. –Т.: Ўқитувчи, 1993.–35 с.
95. Шодиев Р.Д. Дидактические основы реализация проблемы понимания в учебно-познавательной деятельности: -автореф. дисс. док.пед наук.–Т., 2004. – 43 с.

96. Шодиев Н.Н., Раҳимқулова М. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий-педагогик йўналтирилганлик. Ўқув-усулий қўлланма.–Самарқанд: СамДУ, 2019.– 68 б.
97. Шожалилов.А ва бошқалар. 4-синфда ўқиш дарслари. – Т.: Янги йўл полиграф сервис, 2017. – 202 б.
98. Эгамбердиева Ф. Адабий таълим самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялар: пед фан. ном. дисс автореф.–Т., 2005.–20 б.
99. Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс...– Т., 2007. – 146 б.
100. Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари: пед. фанлари доктори... дисс.. – Т.: ТАИ, 2005.– 264 б.
101. Якиманская И.С. Развитающее обучение. –М.: Педагогика, 1999.– 57-59 с.
102. Яминова С. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш: пед.фан.ном. дисс.автореф.–Т., 1997.
103. Ўзбек тили таълимида миллий истиқлол ғоясини сингдириш масалалари. ЎТДА 7-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2003. – 124 б.
104. Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. ЎТДА 8-йиғини материаллари тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.
105. Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси // Ўзбек тили ва адабиёти таълими. 1994, № 1-2.
106. Қосимова Г.Ҳ. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2007. –104 б.

107. Қосимова К. ва б. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2009. –215 б.
108. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994. –292 б.
109. Ҳамроев А.Р. Бошланғич синф она тили таълимини ижодий ташкил этиш: пед.фанл.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.– Тошкент, 2005. – 151 б.
110. Ҳасанов С. Просветительско-педагогические взгляды хорезмских мыслителей (с древнейших времен до начала XX в.): автореф.дисс.на соиск.учен.степени доктора пед.наук. –Т., 2000.–14 с.
111. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: Ўзгинкомцентр, 2003.– 103 б.

**Таълимнинг умумий мақсади ҳамда хусусий мақсадлари мазмуни
орасидаги мутаносибликни таъминлашга йўналтирилган ўқув
материаллари**

1-илова

**4-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАСВИРИЙ ИФОДАЛАШ
ВОСИТАЛАРИНИ ЎРГАТИШ ТАЖРИБАСИДАН**

Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор усуллари, яъни янги педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш вазифаси қўйилган.

Бу вазифани бажариш ўқитувчиларга, айниқса, она тили ва адабиёт муаллимларига жуда катта масъулият юклайди. Ушбу ишланмада 4-синф ўқувчиларига нутқда тасвирий ифодалаш воситаларидан турли усуллар ёрдамида фойдаланиш тажрибасини 4-синф она тили дарслигидаги «Тасвирий ифодалар» мавзуи¹⁰⁰ устида ишлаш жараёни орқали ёритмоқчиман.

Дарс харита, тарихий шаҳарларнинг рангли суратлари, йил фасллари, баёнлар суратлари билан жиҳозланиб, ўқувчиларга тарқатма материал берилди. Бу дарсдан илгари ўқувчиларга сўзлаш одоби ҳақида «Ўзбек халқ мақоллари» китобидан тасвирий воситалари мавжуд мақолаларни ёд олиш ва тарихий шаҳарларимиз ҳақида маълумотлар билан танишиш вазифаси топширилган эди.

Синф ўқувчиларини «*Оқ олтин*», «*Дала маликаси*», «*Кумуш тола*», «*Олтин бошоқ*» номли гуруҳларга бўлдим. Бу гуруҳлар вазифаларни бажаришда бир-бири билан мусобақалашилари керак эди.

Дарс «*Ақлий ҳужум*», яъни «*Мақоллар сабоги*» деган мусобақадан бошланди. Бунда бир гуруҳ мақолнинг биринчи қисмини айтса, иккинчи гуруҳ унинг давомини топиши керак эди. Мусобақа қуйидагича ўтди:

«Оқ олтин» гуруҳи: *Яхши сўз жон озиғи ...*

«Дала маликаси» гуруҳи: *Ёмон сўз бош қозиғи.*

«Кумуш тола» гуруҳи: *Ширин сўз билан илон инидан чиқар...*

¹⁰⁰ Н.Маҳмудов ва б. 5-синф. Она тили дарслиги. Т., 2004, 187 б.

«Олтин бошок» гуруҳи: *Ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар.*

«Оқ олтин» гуруҳи: *Айтар сўзни айт...*

«Дала маликаси» гуруҳи: *Айтмас сўздан айт.*

«Кумуш тола» гуруҳи: *Ўйлаб айтсанг ҳам...*

«Олтин бошок» гуруҳи: *Ўйлаб айт.*

Мақоллардан ўқувчилар ён атрофдагилар билан иноқ, дўст, яқин бўлиш, ифво, ҳасад маъносидаги сўзларни асло сўзламасдан, доимо ширин, мазмунли ва маъноли сўзлашиш лозимлиги ҳақида хулоса чиқарадилар. Мен эса ўқувчилар эътиборини мақоллардаги яхши сўзнинг атрофдагиларга ижобий таъсирини, ёмон ниятли илонни ҳам эритиб юборишига, ёмон сўзнинг салбий таъсири эса ёвузликка сабаб бўлишига тенглаштириб тасвирланганлигига қаратдим ва бундай ўхшатиш тасвирий воситанинг бир тури эканлигини айтдим.

Кейинги мусобақа «*Суратлар тилга кирсин*» ўйини тарзида ўтказилди. Бунда гуруҳларга пахта, маккажўхори, савагчада пилла, буғдойзор тасвирланган расмли карточкалар тарқатилди.

Ўйин шартига кўра, 5 дақиқа ичида ҳар бир гуруҳ берилган расмлар асосида шеър ёки насрий матн тузиши ва тузилган шеър ёки матнни гуруҳ аъзоларидан бири ўқиб бериши керак эди. Бу вазифани гуруҳлар қуйидагича бажаришди:

«Оқ олтин» гуруҳи: Пахта – оқ олтин. Юртимиз бойлиги, бизнинг миллий ғуруримиз пахтамиздир. Пахта – оқ олтинимиз. Чунки у бизни кийинтиради, тўйғизади, халқимиз ҳаётини фаровон қилади. Ўзбекистонимиз пахтаси билан дунёга машҳур.

«Дала маликаси» гуруҳи: Маккажўхори – дала маликаси. Маккажўхори – чиройли, кўм-кўк ўсимлик. У инсонлар учун тўйимли озуқа. Ундан кўп ширин нарсалар тайёрланади. Сўталарини қизчалар кўғирчоқ қилиб ўйнашади. Даламизга чирой бағишлагани учун уни дала маликаси дейишади.

«Кумуш тола» гуруҳи: Пилла – кумуш тола. Баҳорда ипак қурти боқамиз. Ипак қурти пилла ўрайди. Пилладан кумуш рангли тола олинади. Ундан атлас, адрас каби матолар тўкилади. Бу матолар билан ўзбек халқи жаҳонга машҳур бўлган.

«Олтин бошоқ» гуруҳи: Буғдой – олтин бошоқ.

*Далага сепсангиз дон,
Ўсади шўх буғдойжон,
Бўлади катта хирмон,
Олтин бошоқ – буғдойжон.
Бизга бўлар иссиқ нон,
Қушларга-чи, емиш дон.
Ҳосилдан барча хандон,
Олтин бошоқ – буғдойжон.*

Бу ўйинда «Олтин бошоқ» гуруҳига рағбат карточкаси берилди.

Дарснинг бу қисмига яқун ясаб, мен бу матнлар ва шеърда пахтани олтинга, ипакни кумушга, буғдой бошоғини ҳам олтинга қиёслаш тасвирий ифодалаш воситаларининг бир тури эканлигини тушунтирдим.

Шундан сўнг, барча ўқувчиларга дарсликдаги «Билиб олинг» рукни остида берилган матнни ўқиш топшириғини бердим. Матндаги тасвирий ифодалаш воситаларидан ўхшатиш эканлигини намойиш қилиш учун хўроз суратини кўрсатиб: «Бу нима?» деган савол бердим. Ўқувчиларнинг **хўроз** деган номга **тонг жарчиси** бирикмасини келтириб, **хўроз** сўзининг тасвирий ифодаси эканлигини тушунтирдим.

Нарса-буюм номи ёки бошқа номни аниқ атамай, уни бошқа бир нарса ёки ҳодисага ўхшатиш орқали тасвирлаш тасвирий ифода эканлиги таъкидланиб, тасвирий ифодалар тилимизнинг жозибали, таъсирчан, маъноли бўлишини таъминлаш билан бирга нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи номи ҳисобланиши ҳақида хулоса қилинди. Мисол қилиб *телевизор – зангори экран* деган тасвирий ифода келтирилди.

Дарснинг кейинги босқичида «*Тасвирий ифода таширфи*» сахна кўриниши намоёни этилди.

Дарсда тасвирий ифода тимсолидаги ўқувчи билан гуруҳлар орасида қуйидаги айтишув ўқиб эшиттирилди:

Тасвирий ифода: *Эй илм масканининг*

*Зўр илм толиблари,
Маънолар маҳзанининг
Орзуманд золиблари.
Аниқдир мен-ла доим
Сухбат ўтказишингиз.
Кўнгил калитингиз-ла
Очинг қалб дарвозасин.
Жавоҳирман ичида,
Инжулар хазинасин.
Менинг номим билсангиз
Тасвирий ифодаман.
Нутқни гўзал қилишда
Жилваман, ифодаман.
Мен-ла нутқингиз гўзал
Мен-ла ёзилган газал
Сиз севган шеър, қўшиқлар
Мен-ла ёқимли азал.
Менинг сўзларим сизлар
Ёймангиз мақтанмоққа
Ҳозирланинг саволлар
Берсам жавоб топмоққа.
Саломатлик посбони
Деб кимни айтмоқ даркор ?*

«Оқ олтин» гуруҳи: *Азиз инсон – шифокор,*

Тасвирий ифода: *Балли, зукко экансиз*

*Бироқ, яна айтинг-чи,
Тўплаб ақлда борин.
Дала маликаси не ?*

«Кумуш тола» гуруҳи: *Топдик! Маккажўхори!*

Тасвирий ифода: *Эй, топқирсиз-ку, раҳмат!*

Ақл гимнастикаси...

«Дала маликаси» гуруҳи: *Биз айтамиз, бу – шахмат.*

Тасвирий ифода: *Гўзал мулки султони...*

«Оқ олтин» гуруҳи: *Ҳазрат Навоий бобо*

Шеърлари дилга даво.

Тасвирий ифода: *Қонунларнинг мажмуи*

Қандай номланар яна ?

«Кумуш тола» гуруҳи: *Тезда топиб қўйдик биз.*

Бу – Конституция.

Тасвирий ифода: *Эндигисин топсангиз,*

Фокусчи бўласиз сиз.

Чарм қўлпоқ устаси...

«Олтин бошоқ» гуруҳи: *Боксчи, биламиз биз !*

Топингиз ўйлаб бир нас.

Тасвирий ифода: *Анча топқир экансиз.*

Айтинг-чи, қай ҳайвонни,

Ўрмон подшоҳи дерлар.

«Оқ олтин» гуруҳи: *Бу энг осон савол-ку,*

Ахир бу арслон, шерлар !

Бу савол-жавобда энг кўп рағбат карточкасини **«Оқ олтин»** гуруҳи қўлга киритди. Шундан сўнг **«Ўйла, изла, топ»** ўйини ўтказилди. Ўйинда гуруҳлар ўзларига берилган қуйидагича тест саволларига жавоб топдилар:

1. *Яйлов баҳодирлари* тасвирий ифодасининг атамасини топинг.
а) Чўпон б) Дехқон с) Овчи д) Кумуш
2. Тасвирий ифода мавжуд бўлган қаторни топинг.

а) Ҳовли ёғ тушса ялағудек эди б) Ўғли изтироб билан отасига
каради

с) Шаҳримизда мўйқалам соҳибларининг кўрғазмаси очилди.

д) Оз сўзла, кўп тингла

3. *Қора олтин* тасвирий ифодасини аниқ атамасини топинг.

а) нефт б) кўмир с) темир д) кумуш

4. *«Баҳорда иссиқ ўлкалардан...учиб кела бошлайди»* гапида тушириб
қолдирилган тасвирий ифодани топинг.

а) само лочини б) темир қанот с) қанотли дўстлар д) сахна
булбуллари

Тест ечишда тўртала гуруҳ ҳам рағбат карточкасига эга бўлди.

Дарс сўнгида **рамзий саҳоват воситасида сайланма диктант**
қуйидагича ўтказилди:

Хаттахтага «йўл чипталари» тарқатилди. Ҳар бир гуруҳга ўзига тушган
шаҳар ҳақидаги матндан тасвирий ифодани топиб ёзиш топшириғи берилди
ва гуруҳларга қуйидаги матнлар ўқиб эшиттирилди:

*«Шаҳрисабз – соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган юрт.
Шаҳрисабз яшил шаҳар дейилган. Оқ сарой обидаси шаҳар кўрки
ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан Шаҳрисабзда янги илм
масканлари барпо этилмоқда».*

2-илова

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ҚУШ НОМЛАРИНИ ЎРГАНИШ

УСУЛЛАРИ

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида атамашунослик соҳасида қатор
ишлар амалга оширилди. Улар юзасидан изоҳли луғатлар ҳам яратила
бошланди. Буларнинг ҳаммаси ўрта ва олий таълим ўқувчи-талабаларининг
нутқини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қуш номлари ҳам, тилнинг бошқа луғавий қатламлари сингари, ўзаро
омонимик, синонимик ва антонимик хусусиятларга эга. Шунингдек,
тилимиздаги айрим орнитонимлар кўп маънолилиқ (полисемантик)

хусусияти билан характерланади. Масалан, арабча *анго* сўзи *Қоф тоғида яшаган афсонавий катта қуш*¹⁰¹ маъносини билдиради. Бу атама аслида йўқлик рамзи сифатида қўлланади. Ушбу орнитоним асосида шаклланган *анқонинг уруги, анқонинг тухуми, анқога шафе* иборалари ҳам *сира топилмайдиган ёки зоят кам учрайдиган нарса* маъносини ифодалайди: *Кенжа ҳар ёққа англаб, бошпана кўзлашга тушиди. Даштда бундай бошпана анқонинг уруги* (Х.Назир). Форсча-тожикча *ҳумо* сўзи эса *бахт қуши* маъносида қўлланиб, *кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, у киши бахтли* деган маънони ҳам билдиради (ЎТИЛ, II жилд, 711): *Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида бахт ва эркесварлик рамзи – қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган.*

Масалан, ўқитувчи 4-синфда «Турдош отлар ва уларнинг гуруҳлари» мавзусини ўтиш жараёнида ўқувчиларга қуйидаги 2-3 гуруҳ қуш номларини хаттахтага ёзиб кўрсатади:

<i>Булбул</i>	<i>бойўғли</i>	<i>балиқчи</i>
<i>Бедана</i>	<i>бигизтумшук</i>	<i>жўрчи</i>
<i>Бургут</i>	<i>жийронқуш</i>	<i>зоғча</i>
<i>Майна</i>	<i>кўкқарға</i>	<i>чуғурчиқ</i>
<i>Каптар</i>	<i>лойхўрак</i>	<i>читтак</i>
<i>Какку</i>	<i>олақанот</i>	<i>йилқичи</i>
<i>Қарға</i>	<i>оққуш</i>	<i>қоровой</i>

Ўқитувчи дарс давомида юқорида келтирилган уч гуруҳдаги қуш номларининг биринчиси содда туб сўзлар эканлигини, иккинчи гуруҳдаги қуш номлари қўшма учинчи гуруҳдаги қуш номлари эса содда ясама сўзлар эканлигини ўқувчиларга тушунтиради, уларни дафтарга ёзиб олишни, ҳар бир қуш номи иштирокида гаплар тузишни вазифа қилиб топширади. Топшириқни яхши бажарган ўқувчиларни рағбатлантиради.

¹⁰¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. М., 1981, 49 б. Маколада бу луғат ЎТИЛ қисқартмаси билан берилган, қавс ичида асар жилди ва саҳифаси кўрсатилган.

Қуш номларига доир машғулотлар 4-синфда, шунингдек, «Атоқли ва турдош отлар», «Ҳайвонот отлари» мавзулари устида ишлаш жараёнида ҳам дарсликда берилган *булбул, тўти, чумчуқ* сингари қуш номларига кўшимча равишда *бедана, гоз, ҳакка, қумри, қузғун, қарға, қарқуноқ, турна, лайлак, товус, майна, мусича, лочин, саъва, зағиргон, каклик* сингари орнитонимларни ҳам келтиради, қуш номлари ёзилган жадвални кодоскоп орқали елканга тушриб, уларни кўчириб олишни ўқувчиларга вазифа қилиб топширади. Бу усул ўқувчиларга ушбу сўзларнинг барчаси турдош отлар эканлигини билиб олишларига ёрдам беради.

Қуш номлари ҳақидаги бундай машғулотларда «Топқирлар ўйини», «Ким кўп қушлар номини билади?», «Сиз қушларни севасизми?» сингари мавзуларда ижодий иншо тайёрлаш ҳам яхши натижа беради. Машғулотни янада қизиқарли ўтказиш учун ўқувчи 6-7 синфлар «Зоология» дарслигидаги қуш номларини аниқлашга оид қуйидаги каби топишмоқлардан ҳам фойдаланиши мумкин:

<i>Пиширса ош бўлур,</i>	<i>Зув-зув борар,</i>
<i>Пиширмаса қуш бўлур.</i>	<i>Томдан қарар.</i>

<i>Лой-чўп чўқир,</i>	<i>Атлас кўйлак қаноти,</i>
<i>Сават тўқир.</i>	<i>Хушхабарчи одати.</i>

Хуллас, «Она тили» дарсларида сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб ўрганиш жараёнида қуш номлари ўқувчиларга асосли билим ва кўникмалар бериш уларнинг ижодий матн тузиш, фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилади.